

Набижон ХОШИМОВ



ҚОРА ЁСТИҚ

МИСТИК ҚИССА

Muallifning boshqa asarlarini
telegramdagi @Uzb_book
kanalidan topishingiz mumkin!

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

X71

Ҳошимов, Набижон.

«Қора ёстик»: мистик саргузашт кисса / Н.Ҳошимов.
–Т.: 2-нашр. DIZAYN-PRESS. 2012. – 160 б.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)6

– Инсон билиб-билмай қилиб қўйган хатолари учун қаерда, қачон ва қимнинг олдида жавоб бериши керак? – Яратганими, ёки Қонунни?

– Қимлар диний-экстремистик оқимлар алдовига учиб, жаҳолатга берилиб ўз азиз жонларини қурбон қиладилар?

– Қимларга **"Қора ёстик"** деган тавқилаънат ном берилади?

– Руҳлар астида мавжудли ва улар қасоскор бўлиши мумкинми?

– Нонни муқаддас деймиз. Чиндан ҳам у бизларни бало-қазолардан асрагувчимиз?..

Сиз шу каби таъриодотни саволларга замондошларимиз ҳақида ёзилган қўлингиздаги мазкур асарни ўқигач, қисман жавоб топа оласиз, деган умиддамиз. Шунингдек, одамлар орасидаги ўзаро инсоний муносабатлар, миллий ғурур ва қадриятлар, қонун устуворлиги, тинчлик ва барқарорликни асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Асар ҳаётий воқеаларга асосланган бўлиб, ёзувчининг маҳорати ва ҳаёлотли билан янада бойитилган.

Ҳая муаллифи: Нейматжон ҲОШИМОВ.

Шеърлар муаллифи: Мархабо САФОЕВА.

Тақризчи: Адхамбек АЛИМБЕКОВ —физиология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-20-041-8

© Набижон Ҳошимов

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриети, 2012 йил



БИРИНЧИ ҚАБР

Фарғона томонларда қиш ўзгача келади. Декабрь ойида деярли ёғингарчилик бўлмайди. Йиллик оғир меҳнатдан чарчаган бўрсилдоқ ерлардан оппоқ буғлар кўтарилади, теварак-атрофга қалин туман тушади. Қора совуқдан бўз тупроқ қалтирайди. Ҳаво очиқ, тунлари юлдузлар ҳам ҳали музлаб улгурмаган замин тупроғи узра тўкилаётгандек туюлишади. Қишлоқ хонадонларида газлар пасайиб кетади. Одамлар иситишнинг қўшимча чораларини излаш учун ғимирлаб қолишади. Бу паллада тўй ёки бошқа маросимларда ўтин ёқиб, атрофида суҳбат қуришнинг гашти бўлакча бўлади.

Шомурод билан кўчада кекса ўрик танасини арралаб, бўлақларга ажратаётган Ҳайдар ака яна бир ҳафтадан сўнг бўлади-ган ўғлининг никоҳ тўйи ҳақида ўйларди. Шомурод ҳам катта арранинг иккинчи томонини бир маромда тортаркан, бўлғуси

умр йўлдоши Зарифанинг қулиб турган гулдек чехрасини кўз олдига келтириб, мийиғида қулиб қўйди: "Наҳотки шу гўзал қиз менинг умр йўлдошим бўлса?... Ҳеч ишонгим келмайди", деб қўйди у ҳаёлан ва ширин энтикиб олди. Гўё ҳозир Зарифа кўчаларида пайдо бўладигандай муюлиш томон умид билан суқланиб қараб қўйди. Арра "шир-шир" овоз чиқариб йигитнинг қулоғига муҳаббат оҳанги каби мусиқий завқ бағишларди.

Тўсагдан муюлишда пайдо бўлган бир қиз Шомуроднинг эътиборини тортди. Арра тортишнинг бир нафас сустлашганини сезган Ҳайдар ака ҳам ўғли қараган томон нигоҳини ташлади. "Ҳой, кўзинг қаёқда?" демоқчидай аррани кескин, маънолироқ тортиб қўйди. Аммо ўғлини тушуниб, жилмайиб қўя қолди. "Гулжамол экан, — деди Шомурод келаётган қизни узоқдан таниб. — Ўқинишдан қайтган кўринади. Қизиқ, Зарифа билан ўртамызда нон синдирилганини, бўлаётган туғимиз ҳақида билармикин? Яхши қиз, бечора... Зарифа бўлмаганида, эҳримол шу қизга ўйланармидим"

Гулжамол қўшни Йўлдош нонвойнинг қизи эди. У шаҳарда, институтнинг охириги курсида ўқирди. Жуда одобли қиз. Ҳар сафар келганида Шомуродларникига ҳам бир бәр бош суқиб қўяр, онаси Меҳри аянинг бирор юмушини бажариб берарди. Қиз ҳеч бўлмаганда, икки дона иссиқ нон кўтариб чиқиб қўшни аёлнинг кўнглини олиб кетарди. Меҳри аянинг ҳам қизга муносабати ёмон эмасди. Аслида Меҳри ая шу қизни келин қилиш илинжида эди. Шу боис қўшнилардан уларнинг режалари ҳақида суриштириб, оғиз солган ҳам бўлувди. Аммо улар "Қизимиз ўқишини битирмагунча уни турмушга узатмаймиз" дейишди. Шундан сўнг ўғлининг раъйига қараб бошқа келин ҳаракатида бўлди. Гулжамол ҳам Шомуродни болалигидан ёқтирар, тўғриси ундан совчилар келишига умидвор эди. Шомурод бўлса қизга бефарқ қарарди.

Шомурод Зарифа билан туман банкида яқинда танишиб қолишди. У банк бошқарувчиси Обид Азизхўжаевичнинг қизи экан. Зарифа ладасининг олдига баъзи-баъзида келиб турарди. Танишувдан сўнг икки ёш ўртасида илиқ муносабатлар

пайдо бўлди. Обид ака ҳам банкида амалиёт ўтаётган тиришқоқ ва кўркем йигит Шомуродни ўзига куёв қилишга ҳавасманд бўлиб қолди. "Нима бўпти, ўзи оддий, камбағал оиладан бўлса ҳам мустақил фикрли, истиқболи порлоқ йигит. Зарифага жуда муносиб", деган ўйга борди у. Сўнгра ҳайдовчиси Шокирга Шомуроднинг тағ-туғи ва келажакдаги режалари ҳақида суриштириб билишни тайинлади. Шокир бу топшириқни ўринлатиб бажарди. Чунки банк бошқарувчиси вилоят марказига бориб битириб келинадиган айрим юмушларни атайин Шомуродга топшириб, хизмат машинасини ҳам унинг ихтиёрига берарди. Оқибати ёмон бўлмади. Қарабсизки, мана, янаги ҳафта тўй!... Бугун келин тарафдан меҳмонлар келишиб дераза пардаларини, келин сарполарини илиб кетишармиш.

Узоқдан, йўлнинг бир четида қимтиниб келаётган Гулжамолга Шомуроднинг юраги ачиди. Чунки қизнинг ўзига бефарқ эмаслигини яхши биларди. "Тақдир-насиб, дегани шу экан-да" деб қўйди у фикран. Шу маҳал мулоҳизада бир оқ "Нексия" пайдо бўлди. Машина тўғри Гулжамолнинг олдига келиб тўхтади. Ундан ниманидир сўрамоқчи бўлишди, шекилли, машина ичидан бир шаддо аёлнинг овози баралла эшитилди:

— Ҳой, синглим! Шомуроджонларнинг уйи қайси бири-а?!

Ўтин арралаётган ота-болага кўзи тушган Гулжамол бу пайт ширин хаёллар оғушида, эҳтимол, ҳозир Шомурод ҳақида, ўйларга берилганди. Шу боис машина ичидан тўсатдан берилган савол уни бир оз эсанкиратиб қўйди:

— Нима дедингиз? — сўради қиз таажжубланиб.

— Шомуродларники қайси, деяпман? Куёвимиз бўлади-да...

Қизнинг юраги "шувв" этиб кетди ва тезда ўзини ўнглаб олди.

— А-анави йигитми? — саволга савол билан аранг жавоб берди қиз ўтин арралаётган ота-болага ишора қилиб.

Ҳайдовчи Зарифанинг тоғаси бўларди. У тушунди шекилли, севиниб "Ҳа-ҳа, раҳмат" деб қўйди. Сўнгра машинани дарвоза томон буриб бир сигнал берди-да, ўзи чаққонлик билан ту-

шиб, "Ассалому алайкум! Э, ҳорманглар!" дея тантанавор равишда эркаклар ҳузурига ошиқди.

— Ие-ие, келинг, Зокиржон! — деди Ҳайдар ака ишни бас қилиб.

— Тўйнинг бошини олайлик дедик-да, куда тоға!

— Эҳ-ҳа, хуш келибсизлар! Биз ҳам ўғил билан тўйда меҳмонлар совуқда қийналишмасин деб...

— Қани, менга берингчи, тоғажон! Ўзим куёв бола билан бир тортишай. Сиз бемалол бораверинг, аёлингизни чақира қолинг.

Икки бақувват йигит қўлларида гўнкалар бош эгишиб, узилиб-узилиб туша бошлади. Уларга шундай ғайрат кирган эдики, шундоқ ёнларидан бир соҳибжамол талаба қиз салом бериб ўтиб кетганини ҳам сезмай қолишди. Қизнинг беғубор ифори гўё ҳайратлангандай ҳавода бир оз муаллақ турди-ла. Сўнгра тумандек гарқалиб кетди...

Меҳри ая қуда гарафдан келган аёлларни илқ қарши олиб уларни ҳовли томон бошлааркан, яқинда таъмирдан чиққан уйларни ўзгача хуш кайфият билан бирма-бир таништира кетди:

— Ҳа, хоналари бирам шинам эканки, худо хоҳласа Зарифахон жияним уйингизни янаям обод қилади, — деди келининг Рухсора исмли аммаси. — Илоҳим жияним шу жойларда гул бўлиб палак ёзсин, бахти очилиб, ували-жували бўлсин!

— Илоҳим айтганингиз келсин, — деб қўйди Меҳри ая ҳам.

— Худо хоҳласа, икки ёшни қайси уйга қамаймиз энди?! — дея шаддодлик билан сўради Рисолат дегани.

— Ҳув анави, — деди куёвнинг онаси айвонлари замонавий қилиб таъмирланган бурчакдаги уйни кўрсатиб. — Бу уйга хўжайинимнинг аввалги аёли тушган. Икки йил ўтгач, у бедарак йўқолиб кетиб нарсалари шундоқ қолаверган экан.

— Вой, у хотин қаёққа кетибди-а? — хавотир олиб сўради Рухсора.

— Билмасам, бир бойвачча яхши кўрганигами, ўйнашигами тегиб кетиб қолган дейишади. Кейин бу кишига мен тегиб,

Шомуродимни туққанман-да. Бу уйга биз кириб яшамадик. Чунки ўша хотиннинг буюмларини ҳаммасини тўплаб шу уйга омор қилиб қўювдик. Чакка ўтмай, яхши тургани учун Шомуроджон шу уйларни бўшаттириб, таъмирлаттирди. Қани, марҳамат, — дея жаврарди аёл аллақандай паришон бўлиб қолган меҳмонларни ичкарига бошларкан.

Янги таъмирдан чиққан хоналар кенг ва шинам эди. Чиройли қандил ҳам осиб қўйилибди. Хуллас, уй қуда тарафга жуда маъқул бўлди.

— Яхши. Деворлариям жа қалин шекилли-а? Қишда иссиқ, ёзда муздай бўлади-да, — деди Рисолат чуқур, сандиқ қўйиладиган тахмонларга ишора қилиб.

— Ҳа, уйлар ҳаммаси тоқчали эди. Ўғлим уларни фишт билан урдириб юборди. Манави ерга палак қоқилганди. Сизлар ҳам шунақа қила қолинглар, — деди Меҳри ая тахмонлар ўрта-сидаги бўш жойни кўрсатиб.

— Бўлмаса, Рисолат, чаққон-чаққон ишни бошлай қолайлик, — деди Рухсора ва қизларга буюриб — Карима, Хадича, боринглар, тугунларимизни олиб келақолинглар!

— Вой, аввал чой-пой ичиб олинглар, ҳовли жойларни ҳам кўрсатайин.

— Йўқ, раҳмат. Ишни тезроқ битирақолайлик. Кейин тезроқ қайтиб, қудангизг ёрдамлашишимиз керак. Тўйнинг ками кўп бўларкан-да, ўзингиз тушунасиз-ку.

— Ҳа-ҳа, майли, шу ерга ул-бул олиб келақоламан, бўлма-сам. Кейин тушликни бирга қиламиз, хўпми, айланайлар?

— Майли, эгачи. Ҳа айтмоқчи, бизга нарвон, теша, мих дегандек-а...

— Бўлди, ҳозир хўжайинимга айтаман, — деди Меҳри ая ва шошиб чиқиб кетди.

Аёллар гўшангали уйни миллий анъаналарга хос равишда безашга ғайрат билан киришиб кетишди. Ҳайдар ака тахланадиган нарвонни ва асбобларни айвонга қўйиб кетди. Аёллар ёнига киришни ўзига эп кўрмади шекилли, дарров изига қайтди. У биринчи аёли кетиб қолганидан бери умуман бу уйга ҳали қадам босмаганди. Меҳри ая ҳар ҳолда шу фикрда эди.

Бемехр аёлини бутунлай унутгани учун бир жиҳатдан эридан мамнун ҳам эди.

Пардаларни қоқишга қийналишмади. Ҳар ҳолда ҳайдовчи йигит Зокиржон ёрдам берди. У ўз ишини тугатиб чой-пой ичгани ўтирди. Хадича таҳламдан чиройли зарли ҳошия билан қўлаки тикилган, бежирим палакни олиб таҳмонлар ўртасидаги бўшлиқ жойга ўлчаб кўрди. Ўлчами жуда мос келаркан. Нарвонни қўйиб, палакни ўзи қоқишга киришди. Лекин қанча уринмасин мих букилиб кетаверди. Қизнинг жаҳли чиқди. Қаттиқроқ урганди, қайрилган мих нозик бармоқларини тилиб қўйди. У "вой!" дея қичқириб юборди. Бармоғидан қон оқа бошлади ва бир-икки томчиси янги палакнинг гулларини бежади. Томчилардан бири ўрталаги улкан думалоқ ҳошия ичидаги айланаларнинг бирига томиб, гўё ғазабланган инсоннинг қизариб кетган, қонталаш кўзига ўхшаб қолди. Бошқа томчилар бўлса чимчирилган аёл қонларига айланиб қонгандай эди.

— Вой, палакка оқиздинг-ку! — деди ваҳима қилиб Карима.

— Кўявер, қонни оқлик дейдилар, палакнинг гулига ўхшаб қолди, билинмайди. — деди Рисолат билимдонлик қилиб.

Зокиржон қолиб бориб қизнинг қўлидан тешани олди. Аёллар Рисолатнинг қўлини боғлашди. "Ҳе, ўла, палакат! Нима қилардинг қўлингдан келмаса!" — дея уришиб берди Рухсора.

Палакни Зокиржон қоқиб қўймоқчи бўлди. Аммо нарвонни қўйиб тепага чиққач, негадир ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Бу ерда магнит майдонига ўхшаш қандайдир ғайриоддий куч борга ўхшарди. Йигит михга қарата куч билан бир урган ҳам эдики, болға ортига ўша шиддат билан қайтиб, ўзига тегди ва йигит гавда мувозанатини йўқотиб, нарвон билан гурсиллаб ағанаб тушди. Аёллар қичқириб юборишди. Йигит белини ушлаб қолди. Шошиб Меҳри ая кириб келди.

— Вой ўлмасам, гузукмисиз?!

— Ҳечқиси йўқ, — деди базўр йигит. — Мени худди ток ургандек бўлди.

— Шу жойда бир палакат борми нима бало. Таъмирлаётган устамиз ҳам йиқилиб оёғини қайириб олувди.

Орадан бир ҳафта ўтди. "Ога кўрди" маросими ҳам бўлди. Келиннинг қариндошлари турли совға-саломларни тўлдириб юборишди. Обид Азизхўжаевич куёвига "Нексия" автомашинаси калитини тутқазди.

— Яхши кунларингизда сизга ҳамроҳ бўлсин, ўғлим, — деб қўйди у.

Шомурод ўзини ноқулай ҳис қилди. Аммо келинчакнинг "олаверинг" дея қилган ишвали ишорасидан сўнг беихтиёр калитни қўлига олди.

* * *

Тунлардан бир тун эди. Ташқарида момақалди роқ гулдираб, ёмғир томчилай бошлаганди. Зарифа кўча тарафдаги дераза ойнасининг қаттиқ тақиллашидан чўчиб уйғониб кетди. Тақиллатувчи рўпарадаги кўшни Ҳури ая бўлиб, келинчак бу аёлни ҳали танимасди. Унинг овози ташвиш ва хавотир билан лиммо-лим эди.

— Ҳой, Шомурод ўғлим! ...Тез машинангизни олиб чиқа қолинг, келиним оғирлашиб қолди! Ҳой!... — дея яна деразани тинимсиз тақирлагарди аёл.

Шомурод қотиб ухларди. Зарифани жаҳли чиқди:

— Тавба, одамлар ҳам қизиқ-а, нима, бошқа машина қуриб кетибдими? — дея гудраниб қўйди. — Чиллалик куёв ҳам дей-ишмайди-я!

Дераза тинмай тикиллайвергач, ниҳоят Шомурод ўрнидан аранг кўзгалди: "Уф-ф... Бир гап бўлди, шекилли...". "Ҳа, тинчликми?!" дея овоз қилди у.

— Келиним Раҳиманинг тўлғоғи тутиб қолди. Аксига олиб уйдаги эркаклар чўлдаги боғимизга узум сотгани кетишганди. Жон болам, худо хайрингни берсин!

— Нима, маҳаллада бошқа машина йўқ эканми, хола? — кесатиб сўради йигит.

— Ризвоннинг хўжайини сменда экан. Жияним Каримберди бўлса, тўйда кўп ичиб қўйибди. Бу пайтда қаёққа ҳам борардим, болам?!

— Ҳой, менга қаранг, — деди шивирлаб келин куёвболага юзланиб, — ҳеч қаёққа бормайсиз, билдийизми? Мен кўрқаман, чиллалимиз ахир.

— Кўрқманг, мен тез келаман. Ахир қўшнимиз ёрдам сўра-япти-ку!

— Бензиним йўқ деб қўяқолинг-да. Тавба, бу аҳволда қандай чиқасиз, ахир?

— Ювиниб оламан. Сиз ухлайверинг.

Бу пайтда дераза ортидан аёл кишининг изтироб билан куюниб, бир нималар деяётгани эшитилиб турарди.

— Шунақами? Бўлмаса мен ҳам сиз билан бораман!

— Тс-с... Ойимни уйғотиб юборасиз. Мен тез қайтаман.

Зарифанинг жаҳли чиқиб шарт ўрнидан туриб дераза ёнига борди.

— Ҳой хола, Шомурод акамни бензини йўқ экан! Бизни бошқа безовта қилманг, илтимос!

Қўшни аёлини "Вой улмасам, энди нима қилдим-а?" деган овози эшитилиб нари кетгандай туюлди.

— Ҳой, нега унақа дейсиз, мана, чиқиб кетяпман-ку! — деди ўрнидан қўзғалган Шомурод пичирлаб.

— Ҳеч қаёққа бормайсиз! — деди келинчак овозини балан-длатиб ва қовоғини уйиб тескари қараб ётиб олди.

— Бўпти, жоним. Мана, ёнингиздаман, ҳеч қаёққа кетмай-ман.

Йигит шу зайл бир оз ётган бўлди, аммо безовта бўлиб, у ён-бу ён ағанайверди, ётолмади. Зарифа унинг ҳолатини тушунди. Ўз бошига ҳам шундай ташвиш тушишини кўз олдига келтирди.

— Ҳа, Шомурод ака?...

— Мен чиқиб анави қўшнидан хабар олай, хўпми жоним, тез келаман, — деди ва келиннинг юзидан ўпиб қўйиб, ўрнидан турди.

Келинчак энди қаршилиқ қилмади.

— Хўп, — деди Зарифа секин ва қўшиб қўйди. — Ўзингизни эҳтиёт қилинг, яхши бориб келинг.

— Ойимни уйғотайми? Кириб ёнингизда ётиб туришсинми?

— Э йўқ, керакмас. Ҳа айтмоқчи, кўча совуқ, калинроқ кийиниб олинг.

Шомурод то ювиниб-кийиниб, гараждан қайнотаси совға қилган "Нексия"ни ўт олдиргунига қадар Ҳури ая тасодифан дуч келиб қолган бошқа бир бегона машинани тўхтатиб келинини олиб кетиб бўлганди. Бундан беҳабар Шомурод машинани Ҳури аянинг дарвозаси олдига ҳайдаб келганида, дарвозанинг ланг очиклигини кўрди. Аввалига сигнал чалиб чақирди. Ҳеч ким кўринмагач, тушиб ичкарига қадам қўяркан. йўлакдаги қон изларига кўзи тушди.

— Оббо, бир гап бўлган, шекилли. Мен бўлсам ивирсиб ўтирибман, — деб қўйди у ўзига ўзи танбеҳ бериб.

Йигит нима қиларини билмай бир оз иккиланиб турди ва туман касалхонасига томон тез бориб келишга қарор қилди. Ташқари совуқ, ёмғир увиллаб изғирин эсарди. Бу ердан гўшангали хонанинг тунги чироғи маҳзун тортгандай хира порлар, уй сийрак туман ичида сирли кўринарди. "Зарифа ухлаб қолгандир. Касалхонага бориб хабар олмасам бўлмайди, шекилли. Ахир нима бўлса ҳам ён қўшни, болалигимда мени кўп сийларди. Эртага кўзимиз кўзимизга тушса, қандай бўларкин?", деди у фикран ва дарвозани ёпиб қўйди-да, машина моторини ўт олдирди.

* * *

Келинчак Зарифанинг уйқуси бутунлай қочди. Ўрнидан туриб дераза орқали қўшниники томон нигоҳ ташлади. Машина кўринмади. "Шомурод акам кетиб бўлибди", деб қўйди у ҳаслан. Ташқарида шамол тобора кучайиб борар, аҳён-аҳён чақмоқ чақар, ҳавонинг совуқ нафаси дераза тирқишларидан кириб, пардаларни оҳиста тебратиб қўярди. У жойига қайтиб ётди. Шамол кучайиб, унинг увиллаши янада баралла эшитила бошлади. Пардалар силкиниши, турли тарақлаган товушлар ҳам кучайди. Ҳаттоки чиройли электр қандил ҳам баъзан чайқалиб қўярди. Бу ҳолат қизнинг юрагига ваҳима солмай қўймади. Кўрпага бурканиб ўраниб олди. Нафаси қайтгач кўрпа-

ни оҳиста бошидан тушириб, тўғридаги палакка қараб терми-
либ ётди. Палак ўртасидаги думалоқ ҳошия безаклари ораси-
дан бир ўткир кўз унга тикилиб тургандек туюлди. У худди
қошлари камон, жаҳлдор аёлнинг қиёфасига жуда-жуда ўхшаб
кетарди. Пардаларга монанд палак ҳам баъзан кўтарилиб-па-
саяр, ҳар кўтарилганида "жаҳлдор аёл"нинг қиёфаси Зарифа-
нинг назарида гўё тирилиб чиқиб келаётгандай, арвоҳ каби
учиб келиб унга ташланадигандек туюлаверди. Бу қўрқинч ҳисси
шамол каби кучайгандан кучайиб борди. Ташқарида момақал-
диروق қаттиқ гумбурлаб, тез-тез яшин чақнайверди.

Шомурод тонгга яқин қайтиб келганида...

* * *

Шомурод касалхонага бориб Ҳури аядан балога қолди. Йи-
гитни кўриб у тўхтовсиз йиғлаб, камига уни қарғай бошлади
ҳам. Чунки доктор "ёзиша кеч қолибсиз, бола нобуд бўлди"
деганмиш.

— Бу гўлхонинг туғилишини беш йил кутганди-а, беш йил.
Энди нима қиламан, даласига нима дейман? — дерди аёл ку-
юниб.

— Кўп қайғураверманг, хола. Ҳали болаларингиз яна фар-
зандли бўладилар, — деди Шомурод аёлни юпатиб.

— Ҳа айтмоқчи, болам. Сиз гез бориб дадаси билан ўғлимни
топиб келмасангиз бўлмайди. Келинимга бир гап бўлса, мен
бир ўзим нима қиламан?

— Майли хола, улар қаерда?

— Чўлда, насос олдидаги боғимизда. Машинангиз учун ҳеч
гапмас, фирр этиб борасизу келасиз. Илтимос, болам, шуку-
рингизни қилай.

— Бўпти хола, сиз ҳижолат бўлманг, мен тез бориб кела-
ман.

— Бензинингиз борми, ишқилиб? — ўсмоқчилаб сўради хола.

— Ҳа-ҳа, ҳозир йўлдан қуйиб оламан!

Аммо ўша изғирин совуқ тунда ҳеч қандай ёқилғи қуйиш
шаҳобчалари ишламаётганди. Машинанинг ҳақиқатан ҳам кўп

ўтмай ёқилғиси тугаб, чиллалли куёв кимсасиз чўлу даштларда, изғирин шамолу чақмоқлар остида то тонгга қадар бензинсиз қолиб кетди.

* * *

Тонгга яқин Шомурод кириб келганида Зарифа ўрнида кўринмас, ҳаммаёқ бесаранжом эди. Палакнинг бир бурчагидаги скочланган жойи чиқиб кетиб, осилиб қолибди. "Зарифа?!" дея чақирди Шомурод, жавоб бўлавермагач нариги, катта совуқ хонага кириб кўрди, келинчак бу ерда ҳам кўринмасди. "Нима бало, ё у мен билан бекинмачоқ ўйнаяптими? Э-ҳа, ойимнинг олдига кириб кетгандир" деган ўйга борди у. Ҳар эҳтимолга қарши пардалар ортини ва юмшоқ ётоқ ўриндиқларининг тагини қараб кўрди. Қаради-ю, бирдан оппоқ то-вонга кўзи тушиб эсхонаси чиқиб кетди.

— Ҳой чиқинг! Сизни кўрдим. Мушукка ўхшаб топган жойингизни қаранг-у...

Жавоб бўлмади. Йигит гўё бекинмачоқ ўйинини давом эттирган бўлиб, қизнинг товонини оҳиста қитиқлаб кўрди. Аммо дўмбоқ бармоқлар қимир этмади. Ушлаб сийпаб кўрди. Оёқлар кесакдай совуқ эди. Хаёлига келган ўйдан йигит даҳшатга тушди ва "Зарифа!!!" дея қичқириб, келинчакни каравот тагидан тортиб олди. Келинчакнинг кўзлари қўрқувдан катта-катта очиқ, танаси бўлса, жонсиз эди.

— Зарифа, сизга нима бўлди! Ҳой, ҳазиллашманг-ей! — дея унинг юзи-кўзларини шапатиллай кетди.

Аммо қиз жонсиз улкан қўғирчоқ каби қимир этмасди.

Бақирикни эшитган Меҳри ая чопиб кириб келди. "Вой ўлма-сам, нима бўлди?! Ҳой ўғлим, уни нима қилиб қўйдинг-а?! Вой, вой-дод! Гулдек қиз ўлиб қолибди-ку!" — дея Меҳри ая фарёд қила бошлади.

Шомурод жонсиз келинчак жасадини даст кўтардида, кўча томон чопди. Машинанинг орқа ўриндиғига ётқиздида, тез ортига бурди.

* * *

Жонлантириш бўлимининг йўлаги кўп ўтмай яқин қариндош-уруғлар билан тўлиб кетди. Ҳамма таҳликада қолганди. "Нима бўлди?", "Бу қанақа юз берди?" деган саволлардан Шомуроднинг қулоғи қоматга келарди. "Билмайман. Ўзим ҳам ҳайронман", — деган жавобни такрорларди у.

— Сен бола ёшлиқ қилиб уни бирор нима қилиб қўймадингми, ишқилиб? — оҳиста сўради келиннинг тоғаси Зокиржон.

— Э, жинни бўлибманми, ака?

— Жаҳл келганда ақл кетади, дейдилар-ку!...

— Ана экспертиза қилишсин, ўдай агар, текканим йўқ!

— Аввало худо де, Зарифа тузалиб кетсин, куёв бола. Бир гап бўлса кейин пушаймон бўласан-а!...

Кўп ўтмай Зарифанинг ота-онаси Обид ака билан Салима опалар ҳам ҳовлиқиб кириб келишди. Обид ака ўта жиддий кўринарди. У ҳеч ким билан салом-алик қилмай, тўғри ши-фохона бўлим бошлиғининг ҳузурига борди.

— Келинчак нимадандир қаттиқ кўрққан, оғир стресс ҳолатида бўлган. Бунини "юраги тушиб қолган" дейишади, — дея жавоб берди Ҳасанбой исмли шифокор.

— Юраги дейсизми? — жиддий сўради ота.

— Ҳа.

— Нима дейсиз, яшаб кетадими?

— Ҳаракат қиялпмиз, лекин, бу ёғи худодан...

— Ҳм-м, тушунарли. Ҳаракат қилинглар, мени биласиз-а, қанча сарфи бўлса айтаверасиз, қуруқ қўймайман.

— Бу бизнинг бурчимиз, ҳурматингиз бор, ака.

— Ҳўп, умид қиламиз, кутамиз, ука.

Обид Азизхўжаевич чиқиб келиши биланоқ Салима опа унга "дод!" деб ташланди.

— Вой, кечагина тўйи бўлган қизим-а!...

— Йиғи-сиғини бас қил! — жеркиб берди эри ва Шомуродга юзланиб, оҳисталик билан елкасига кўлини қўйди. — Бардам бўлинг куёв.

— Доктор нима деяпти, дада?

— Юраги бир оз безовта қилганмиш... Умид қиларканмиз, бу ёғи худодан, дейишди — деди у ва хотинига юзланиб: — Она-си, юр, гап бор, — дея ташқарига йўналди.

Улар касалхонанинг бир четиға ўтишди.

— Қизингнинг юраги хасталиги барибир бизга панд берган кўринади. Докторинимиз менга аввал уни яхши даволатиб, кейин турмушга узатасизлар, деб огоҳдантирганди. Энди бу ёғи худодан, ўзига келса яшаб кетар, — дедида, кўзидан шашқатор ёш оқиб кетди — Бу ҳақида куёв бола билмай қўя қолсин. Йўқса биздан ранжийди, хўпми, онаси.

Она ўзини эрининг бағрига ташлаб хўнг-хўнг йиғлай бошлади. Улар ўзларини айбдор ҳис қилиб, ўз ёғларига ўзлари қовурилдилар. Совуқ шамол эсар, яланғоч тераклар ҳам гўё эр-хотиннинг қайгуларига шерик бўлгандай унсиз тебранишарди.

— Ўзингни қўлга ол, хотин. Оғир бўл. Қизингни тақдири шу экан. Бир гап бўлса уйимизга олиб кетамиз. Уни ўша ердан чиқарамиз, хўпми? Куёв болага жабр бўлмасин. У қизимизнинг юрагида туғма хасталиги борлигини билмасди, ахир.

Аёл жавоб бериш ўрнига "Вой, энди мен нима қиламан!", дея ичидан эзилиб йиғларди.

Кўп ўтмай куёвнинг хонадонига шифохонадан совуқ хабар келди. Бу хабар барча эшитганларнинг юрагини ларзага солди.

— Вой, гулдеккина келинимдан айрилиб қолдиг-а!... Бахт гули очилмаган, болажоним-а... Вой, ўғилгинамни ёлғизлатиб кетган, чилласида нобуд бўлган қизим-а! — дея Меҳри ая фарёд чекаверди. Бошқа аёллар ҳам юм-юм йиғлаб унга қўшилишди. Уларнинг орасида кечагина никоҳ маросимига ва тўйхонадаги базмга бориб келган қўшни қиз — Гулжамол ҳам бор эди. Қишлоқ аҳли тўплана бошлади. Зарифанинг ота-онаси ҳам кўзларининг ёши билан кириб келишди. У аввало куёвини кучоқлаб ҳамдардлик билдирди. Сўнгра Ҳайдар ака ва Меҳри аялар билан дардлашди:

— Нима қиламиз энди, кўргулик экан-да..., — деди у аста. Бошқа гапиролмади. Аёллар уввос фарёд кўтаришди.

— Илтимос аёллар, бас қилинглар! — дея қичқирди Обид ака дабдурустан.

Ҳаммалари "ялт" этиб Обид банкирга қарашди.

— Хуллас, қизимизни бизникидан чиқарамиз. Ҳамма сарф-харажат ўзимдан бўлади. Кечагина тўй бўлган бу уйда бугун аза чиқарсак тўғри келмайди. Илтимос, Шомуродниям йўлини тўсмайлик. У барибир менинг ўғлим бўлиб қолади. Тақдири шунақа эканда. Илтимос, Ҳайдар ака, Меҳрихон, тўғри бизникига бораверинглар, хўпми қудажонлар.

Ҳамма лол эди. Буни ризолик аломати деб билган Обид ака шарт ортига бурилди-да, "Бўпти, мен касалхонага кетдим, бўлмаса" дея машинаси томон йўналди.

— Бор ўғлим, даданг билан бирга бўл, — деди гарангсираб турган Ҳайдар ака.

Шомурод хизмат машинаси томон ошиқди. Эшикни очиб ўгирмоқчи эди. Обид ака уни тўхтатди.

— Ўғлим, сиз ўз машинангизда уйдагиларни олиб бизникига ўтаверинг. — деди босиқлик билан. — Энди бу машина сизники. У сизга Зарифадан ёлғорлик бўлиб қолсин, яхши кунларингизга буюрсин. Қани, Шокир!...

Машина гизиллаб кетди. Бу суҳбатдан воқиф бўлган маҳалладагилар Обид Азизхўжаевичнинг инсонийлигига таҳсинлар айтишди.

Эртаси қабристоннинг бир четида ҳали бахт гули очилмай сўлган Зарифанинг мўъжазгина қабри пайдо бўлди.

СИРЛИ ПАЛАК

Зарифа воқеаси қалбларини ларзага солди. Турли миш-мишлар ҳам тарқалди. Биров чилла пайти келинни ёлғизлатиб қўйгани учун куёвни айбласа, баъзи оғзига кучи етмаганлар гулдек беғубор келинни ҳам айблашар, унинг касалванд бўлганига урғу беришарди. Барибир бахти очилмаган ёшлар тақдирига ачиниш, надомат ҳисси ўша кунлари қишлоқдаги ҳар бир хонадонда бош мавзуга айланиб қолди.

Гулжамолларникида ҳам фақат шу гап ҳукмрон эди.



— Эҳ, жуда хунук иш бўлди-да, бай-бай-бай. Шунақа воқеалардан Яратганнинг ўзи асрасин, — деди Йўлдош нонвой қизин узатган чойни қўлига олиб бошини ачиниб тебратиб қўяркан.

— Ҳа нимасини айтасиз. Раҳматли Зарифахон ёш кетди-да, бахтини кўролмади, бечора. Лекин сепиниям тоза қилишган эканда. Мебелларини айтмайсизми, ҳаммаси хорижники-я, — деди Сарвиғул сўзининг охирига урғу бериб.

— Э, хотин, қизиксан-а, хорижники бўлдими, гўрди-балоникими, бу нарсалар одамларнинг дарду муаммоларига бакор келармиди?! Мана нима бўлди, насиб қилмади, ўлди-кетди. Раҳимжоннинг айтишича, Зарифанинг юраги аслида болалигидан хаста экан, — деди у шивирлаганнамо.

— Вой, шунақа бой-бадавлат одамлар қизини вақтида дўхтирларга кўрсагишса бўлмас эканми-а?

— Туғма эканда. Ҳалиги нима дейди, юраги ногиронми, пирогми, парогми...

— "Порог", дейилади, — қўшиб қўйди Гулжамол.

— Ҳа-ҳа, парог экан, парог.

— Вой дадаси, қўйсангизчи, сиз бунини қардан биласиз?

— Раҳимжоннинг дўхтир ўроғи Зарифани болалигидан даволаб келарканда.

Ота-онасининг гапларини эшитиб Гулжамолнинг эти жи-мирлаб кетди. "Тавба қилдим, тавба қилдим" деб қўйди у фикран ва ичкарига кириб кечагина ЗАГС идорасида тушишган фотосуратни қўлига олди. Унда Гулжамол, бахтиёр келин-куёв ва уларнинг дўстлари кулиб туришарди. Гулжамолнинг ёдига бир воқеа тушди. Чамаси олтинчи синфда ўқирди.

Гулжамол дарс тугаб, уйга кетмоқчи бўлиб турганди. Бир синф юқорида ўқийдиган Зарифаларнинг синфи футбол стадиони атрофида чопишарди. Бир пайт кимдир йиқилиб тушди. Уни ўраб олишди. Гулжамол ҳам чопиб бориб Зарифанинг беҳуш ётганини кўрди. "Тез ёрдам" машинаси етиб келди. Қизни машинага чиқаришаркан мактаб директори шифокорга бир нималарни тушунтирарди.

— Бу қизнинг юраги хаста, зўриқиши мумкин эмасди. Физкультура ўқитувчиси янги-да, хабари йўқ эди, — деди у ва

Гулжамолга кўзи тушиб — Ҳой, Йўлдош нонвойнинг қизи, сен Зарифаларникини биласан-а?

— Ҳа, биламан, — деди Гулжамол.

— Чоп тез, уйдагиларга етказ. Зарифани касалхонага олиб кетишди, деб айт, хўпми?...

Гулжамол суратни ушлаб кўзларига ёш олди. "Бечора Шомурод акам. У кишида нима айб? Эй парвардигор, нега у кишини бахтидан айирдинг?!" Шу маҳал ўрта эшикдан ота-онасининг ўзи ҳақида суҳбатлашаётгани эшитилди.

— Бўпти, мен Ҳайдарникига чиқиб уни ёнида бўлай, — деди отаси фотиҳа қилиб.

— Майли, ҳозир уларга жуда қийин. Шомуродга жуда ичим ачияпти-да, дадаси. Йигит шўрликка аввал қизимизни сўраттиришувди. Мен "қизимиз аввал ўқишини битириб олсин, кейин бир гап бўлар" дегандим, шошилишди-да.

— Бир жиҳатдан, эҳтимол яхши бўлгандир. Келин балки бошқа сабабдан ўлгандир. Бу ёлғиз Яратганга аён. Шунақа гаплар ҳам юрибди, хотин. Милициядан ҳам одам келганмиш.

— Йўғ-е!

— Ҳа энди одам ўладию, ҳукумат қараб турармиди...

— Мелиса нима дебди, дадаси?

— Обид банкирнинг ўзи аралашиб тинчитганмиш.

— Ҳа, гумон қилади-да, албатта. Аслидаку қизингизни Шомуродда кўнгли бор эди-да, дадаси.

— Э, бунақа гапларни қўй энди, хотин. Нима бўлса ҳам энди Шомуроднинг "уйланган" деган номи бор, — деди Йўлдош нонвой қўл силтаб нари кетаркан.

— Ҳа, ёмон бўлди. Эй танграм, шунақа барвақт ўлимлардан ўзинг асра, — деди аёл ўз-ўзига ва ичкари томон "Ҳой Гулжамол қизим-у!" дея қичқирди.

Гулжамол "Ҳувв!" деб овоз бериб онасига пешвоз чиқди.

— Бир товоқ юмшоққина шовла қилиб, биз ҳам Меҳри холангни йўқлаб чиқайлик, қизим. Бечора қўшним адои тамом бўлгандир. Кейин анави Ҳури аяниям янги туғилган чақалоғи бўлмаганмиш. Уни ҳам бир кўриб қўйишимиз керак. Айтишларича, Шомуроджон янги келинни ташлаб, Ҳури аянинг

хўжайини билан ўглини қидириб чўлга қараб кетган экан. Эрта билан қайтиб келса шунақа иш бўлганмиш.

— Вой, чилладаям келинни ташлаб кетиб бўларкан-ми? — ажабланиб сўради қиз.

— Билмасам. Отаси қизига машинасиниям қўшиб берган экан-да. Куёви бир мингиси келгандир-да.

— Йўғе, Шомурод ака унақаларданмас-е.

— Сен қаёқдан биласан? Кимсан, Обид банкирнинг қизига бекорга уйланмагандир, — деди Сарвигул кесатиб.

— Зарифа Шомурод акамни яхши кўрарди.

— Ўзингчи-ўзинг. яхши кўрмасмидинг? Ўшаларникига чиқ-қанинг-чиққан...

Бу савол Гулжамолнинг дилини оғритди ва индамай ошхонага кириб кетди.

— Ҳозирги ёшлар бойликка тез эришишни хоҳлашади, билдинг. Мана оқибати, нима бўлди? Бориға шукур қилиб яшай-вериш керак эди, — дея онаси норози гўлдираб қўйди.

Гулжамол онаси билан қўшинларникига чиққанида нигоҳи икки кун ичида озиб-гўзиб, руҳан эзилган, қора чопон кийиб олган Шомуродга тушиб унга раҳми келди ва ичида: "Сабрли бўлинг", — деб қўйди.

Оғир аҳволга тушиб қолган Меҳри ая бўлса эзилиб фарёд чекарди:

— Вой энди нима қиламан, ўғлим жуфтини йўқотиб қўйди-ку!

— Сизларга Яратганнинг ўзи сабр берсин, хола, — деди Гулжамол у билан қучоқлашиб кўришаркан.

— Кўрмайсанми, қизим. Бошимизда шундай кўргулик ҳам бор экан-да.

Сарвигул овоз чиқариб тиловат қилди. Кечагина тўй бўлиб ўтган хонадонни файзи қочган, буюмлар ҳам ўлда-жўлда сочилиб ётарди. Гулжамол аёллар билан лақиллашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Даст туриб супуриб-тозалашга тушиб кетди. Чунки бу хонадонда болалигидан Меҳри аянинг юмушларини бажаришга ўрганиб қолганди.

Орадан кунлар ўтди. Зарифа воқеаси то унинг қирқи ўтқунига қадар шов-шув бўлиб турди ва оҳисга унутила бошланди. Обид акалар Зарифанинг сарпо, анжомларини қайтариб олиб кетиш ҳақида негадир оғиз очишмас, умуман бундай ҳолларда нима қилиш кераклиги мавҳум эди. Чунки гўшангали уйни бўшатиш билан Шомуроднинг навбатдаги уйланишига йўл очиларди. Янги келадиган келин, албатта, ўз сепларини олиб келиши табиий эди-да. Шу масалани ҳал қилиш борасида Меҳри ая яқин-атрофда турадиган жияни Азимжон, қўшнилари Раҳимжон ва унинг хотини Зухраҳонлардан маслаҳат сўраган бўлди:

— Нима қилсак экан-а, бошимиз бирам қотиб қолдики! — деди Меҳри ая чуқур хўрсиниб.

— Ҳа, Обид ака мард киши экан. Ўғлингизга қизининг машинасини инъом қилгани етарли деб ўйлайман. Қолган нарсаларни қайтиб элтиб берилгани маъқул. Шунда Шомуроднинг йўли очилиб кетармиди, — деди Раҳимжон.

— Вой, шунақа дейсизу, дадаси, қизининг юки уйга қайтиб борса қандай бўларкин? — деб истеҳола билан сўради Зухра.

— Ҳа, бу мушкул вазият, — дея хўрсиниб қўйди Раҳимжон.

— Сиз бўлмасам Раҳимжон, бундай қилинг, Қосим оқсоқол билан гаплашинг. Аёллар келин сарполарини йиғиштиришсин. Кейин бир ёпиқ юк машинасини топиб, жиҳозларни юклаб, аста киши билмас қилиб Обиджоннинг уйига ташлаб келсанглар, нима дейсиз?

— Майли. Кейин бирор бошқа келин ҳаракатида бўлинар. Шомурод бечора ич-этини еб тамом бўлди. Ҳар ҳолда чиллал қуёвда. Уни иложи борича тезроқ уйлантириб қўйиш керак, — деди Азимжон гапга қўшилиб.

— Вой, келиннинг йили кутилмайдими? — сўради Зухра.

— У бу уйдан чиқарилмадику, бирор йўли бўлса керак-а, нима дедингиз, хола? — сўради Раҳимжон.

— Ҳа, энди тўй-базм бўлмайди. Никоҳлаб, ош бериб қўя қолинади, холос...

— Лекин қайси қиз ҳам бунга рози бўларди? — деди хомуш Азимжон.

— Рози бўладиганини топамизда. Масалан менда бир номзод бор, — деди Зухра табассум қилиб.

— Ким экан? — сўради Меҳри ая қизиқиб.

— Йўқ, кейин айтаман, — деди Зухра хиёл ўйланиб.

Меҳри ая югуриб-елиб хизмат қилаётган Гулжамол томон бир назар ташлаб қўйди. Лекин у адашганди. Зухра аслида Раҳимжоннинг жияни Саломатхонни кўзда тутаетганди.

* * *

Шомурод ҳақиқатдан ҳам оғир, руҳий тушқун ҳолатни бошидан кечирмоқда эди. У ўзини Зарифанинг ўлимида ҳам, қўшни Ҳури ая набирасининг ўлимида ҳам айбдор ҳис қиларди. Чунки аёл зорланиб чақирганида дарров чиқмагани оқибатда, ўзи ҳам кеч келгани туфайли шу фожеалар солдир бўлган деган фикрда эди. "Мен энди нима деган одам бўлдим? Энди бу дунёда қандай яшашим мумкин, ахир?.. Ё мен ҳам Зарифанинг ёнига борақолсаммикин? Ҳа, борганим дуруст шекилли. Ундан кечирим сўрайман. У дунёда бирга бўламиз. Э, йўқ!!! Унда онамга нима бўлади? Мен уларнинг яккаю ёлғиз фарзандиман-ку, ахир! Агар мен ҳам кетсам, унда оиламиздан бошқа зурриёт қолмайди. Кейин фарзанд доғини кўтаролмай ота-онам ҳам ортимдан кетиб қолишади".

Йигит ана шундай нохуш хаёллар оғушида гўё боши берк кўчага кириб қолгандай узоқ гангиб юрди. Шомуроднинг руҳиятидаги оғир жараённи тушунган, бу ҳолатга қисман ўзини айбдор деб билган Обид Азизхўжаевич куёвига далда бўлиш чорасини излай бошлади. Чунки юраги хаста бўлсада, "бахтли бўлишга ҳақли" севимли қизини турмушга узатиб йигитнинг бахтсиз бўлиб қолишига ўзини сабабчи деб ҳис қиларди.

"Шомурод олий маълумотли, шахсий фикрли, эсли-хушли йигит. Унга бирор хусусий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилишга ёрдам берсам, қолганини ўзи эплаб кетармиди. Ҳар холда иш билан овунади. Кейин бирортасига уйланиб ҳам олади. Келинни эҳтимол бирор қариндошлардан топармиз", — де-

ган ўйга борди, бошқарувчи ва ҳайдовчи Шокирга уни топтириб келишни буюрди.

Кўп ўтмай, унинг офисига озиб-тўзиб кетган, эгнига қора чопон кийиб олган Шомурод кириб келди.

— Келинг, ўғлим, — деди қайнота Шомурод билан илиқ қўл олишиб. — Билсангиз, ўлган менинг қизим бўлади. Шунинг учун мен ҳам сиздан кам қайғуда эмасман. Лекин нима ҳам қила олардик, ўлганлар қайтиб келишмайди. Биз эса ҳаёт эканмиз, ўзимиз ва бошқалар учун, яъни Яратган бизга қанча умр берган бўлса шунча яшашимиз керак бўлади, Тўғрим, ўғлим, — деди у йигитнинг билagini ушлаб.

— Ҳа, — деди Шомурод бош силтаб.

— Бўлмаса гап бундай. Сиз тезда бирор хусусий корхона очинг. Ўзингиз ақлли, эсли-хушлисиз. Мен ҳокимиятдагиларга айтиб қўяман, улар бу ишни тезлатишади. Бўш турган бинолардан бири ажратилади. У ерда сиз банкимизнинг лизинг линияси бўйича ўзингизга маъқул бўлган бирор мини технологияни ўрнатасиз. Масалан, нон ва пишириқлар ишлаб чиқарувчи цех, дейлик. Уни Хитойдан келтирамиз. Нима дейсиз?

— Майли. Яхши бўларди.

— Иқтисодчисиз. Бу ёғини ўзингиз эплаб кетасиз. Тўғри, кредит қилсак ҳам бўларди. Лекин бизда бунга гаров кафолати йўқ, шунга лизинг маъқулмикин дейман-да.

Обид Азизхўжаевичнинг ўзига яқин олиб "биз" деб гапириши йигитнинг қўнглига анчагина қувват бўлди, ҳар ҳолда қалдини тик тутди. У албатта ҳаммасини тушунади. Бизнес-режаларни ўзи қила олади. Лизинг нималигини яхши билади. Демак, қайнотаси унга ёрдам қўлини чўзмоқчи, оғир дамларда мадад бўлмоқчи. Банкда ишлаганидан кўра шу маъқулроққа ўхшайди. Марҳума Зарифани эслатувчи нарсалардан узоқроқда бўлади.

Шундай қилиб Шомуродга банк бошқарувчисининг таклифлари маъқул тушди ва ишга шўнғиб кетди. Туман ҳокимлиги Янгиобод қишлоғининг шундоқ гузаридан жой ажратди. Ишчи-техник ходимлар ишга ёлланди. Кўп ўтмай нон ва пишириқлар ишлаб чиқарувчи мини завод ускуналари, қолаверса, уларни ишга солиб, ўргатиб кетувчи хорижлик мутахассислар ҳам

етиб келишди. Шомурод улар билан банд бўлиб, қайғуни унутди. Фақат унга энди биргина дилбар янги умр йўлдоши керак эди, холос.

* * *

Ҳайдар ака ҳам ўғлини ўз иши билан қаттиқ банд бўлиб қолганидан хотиржам тортди. Келинининг вафоти сабабини қизнинг болаликдан юрак хасталиги бўлганига йўйди. Аммо ўғлининг уйига киришга негадир ҳамон юраги дов бермасди. Шундай бўлса-да, бугун бир айланиб эшикни хиёл очиб бош суққан бўлди. Тахмонлар ўртасидаги бир бурчаги осилиб қолган палак ва яна бир-икки майда-чуйда пардалар келинидан мерос бўлиб қолиб кетибди.

Ота палакка қараб алланималарни ёдига олди ва палакнинг гулли ҳошияларига яхшилаб тикилди. Ўртадаги думалоқ ҳошияли тутичида бир қопли куз унга қараб тикилиб тургандай туюлди. Эти жимирлаб кетди. Шу маҳал ичкарида қамалиб қолган мунук "вағғ!" дея ўзини хиёл очилган эшикка урди. Ҳайдар ака бир сапчиб тушди ва эшикни қарсиллатиб шитоб билан қаттиқ ёпди. Юраги нотинч ура бошлади. Зина қирғоғидаги тутқичларни ушлаб пастга қадам босди, аммо бир оёғи гойиб кетди. Яхшики, икки қўли билан зина тутқичларини ушлаб ўтириб қолди. "Палакат!" деб сўкиниб қўйди у.

Айвонда иш тикиб ўтирган Меҳри ая эрига бир гап бўлганини пайқаб, ёрдамга шошилди. Ҳайдар аканинг оёғига шикаст етганди. Шомурод келиб уни синиқчиниқига олиб кетди. Эртаси "келган бало шунга урсин" деб хоналарга исирик тутатишди, хўроз сўйиб ис чиқаришди.

ИККИНЧИ ҚАБР

Февраль ойининг бошлари эди. Шомуроднинг мини-заводи ишга тушиб, турли хил ширин-шакар нон маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди. Бу туман ва қишлоқ ҳаётидаги катта воқеа эди. Ўттизга яқин янги иш ўринлари пайдо бўлди. Буюртмачилар кундан-кун кўпая бошлади. Корхона маҳсулотларига

бўлган талаб етарли эди. Бу ҳолатни Обид Азизхўжаевич аввалдан яхши ўрганган ва ўз орзусидаги бизнес-ғояни куёвига тақдим қилиб, уни қўллаб-қувватлаётганди.

Баҳорги дала ишлари жонланган, чароғон кунларнинг бирида ниҳоят корхона ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Шомурод ўша куни уйга бир олам қувонч билан қайтди ва ота-онасига кўрсатмоқ учун бир талай нон ва пишириқ маҳсулотлари намуналаридан олиб келди. Меҳри ая ўғлининг аввалгидай ўзига келиб қолганидан беҳад қувонди. Кўзларида севинч ёшлари қалқиди:

— Бўйларингдан ўргилай, болам. Яхши келдингми, чарчамадингми?

— Қани ойи, манави корхонамиз маҳсулотларидан бир тоғиб кўринг-чи!

— Буни қарая, ростданам шуларни ўзинг пиширтирдингми-а?

— Ҳа, ойи. Булар замонавий, хорижий технологиялар асосида тайёрланди.

Она "Бисмиллоҳ..." деб кунжутли сухарийлардан бирини синдириб чайнади. Сухарик гўё оғзида эриб кетди. Унинг тотли мазасини туйиб, "оҳ-оҳ" дея бошини тебратиб қўярган, юрагида ўғлига нисбатан фахр туйғуси тўлиб-тошди.

— Қани омин! — деди она беихтиёр, — бошлаган ишларинг бароридан келсин! Нон чиқарадиган корхона очибсан, нондек азиз бўлгин! Сени ноннинг ўзи асрасин! Тезроқ увалижували, бахтли-саодатли бўлгин! Омин, облоҳу акбар!

Она ўғлини бағрига олиб кенг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Даданг оқсоқолнинг олдига чиқиб кетганди. Келиб тоза қувонадиган бўлди-да.

— Оёғи тузукми?

— Ҳа, гипсини олдириди. Энди ҳассага таянадиган бўлиб қолдида, бечора. Биз ҳам қариб боряпмиз, болам. Бу ҳайҳотдек уйга бир келин олмасак бўлмайди, шекилли. Бизга раҳминг келсин, — деди Меҳри ая кўзига ёш олиб.

— Хўп, ойижон. Мен ахир "йўқ" деяётганим йўқ-ку, — деди Шомурод айёрона оҳангда.



Она ўғлининг бу гапидан суюниб кетди ва бу хурсандчиликни янги нонларнинг кириб келишига йўйди.

— Илоё, нондай азиз бўлгин, уйинг бугдойга тўлсин, болам, айланиб кетай сендан. Бирор кўз остига олиб қўйганинг бордир, ё келинни ўзим қидираверайинми-а?

— Сизга ёққани — менга ёққанида, ойи.

— Раҳмат, болам. Анави қўшнимиз Йўлдош нонвойнинг қизи бирам ақли, эсли-хушли бўлган-ки...

— Гулжамолни айтяписизми?

— Ҳа. Бўйи етиб бирам хушрўй қиз бўлибди-ки... Доим ўқишдан келса бизникига иссиқ нон кўтариб чиқади, кирларимни юиб берадими-ей.

— У билан болаликдан катта бўлганмизда. Синглимдек бўлиб қолган.

— Ҳа, уйдагилари ҳам то ўқиши битмагунча барибир уни беришмайди. Кейин бу бўлиб ўтган ишлардан кейин қанақа бўларкин? — деди аёл ва ўзи ҳам иккиланиб, ўйланиб қолди.

— Тақдир-насибда, ойи.

— Майли, бу ишларни ўзимга қўйиб беравер. Ишингдан чалғима, болам. Худо хоҳтаса шундай келин олайликки, кўрган ёмон кунларинг эсингдан чиқиб кетсин.

* * *

Шомуроднинг ишлари юришиб кетгач, унга келин топиш масаласини ечиш қийин кечмай қолди. Қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлари Меҳри аяга ўнлаб қизларнинг номзодини тавсия қила бошлашди. Айниқса, ён қўшнилари Раҳимжон ва Зухра-хонлар астойдил отларини қамчиладилар. Яхши-ёмон кунларда, иссиқ-совуқ маросимларда қамишдан белбоғ боғлаб турадиган бу самимий эр-хотиннинг жиянлари Саломатхонни Шомуродга никоҳлаб қўйиш таклифини Меҳри ая ва Ҳайдар акалар қайтара олишмади.

— Саломатхоннинг ота-оналари ҳам ўзимизга ўхшаган ўрта ҳол. Кейин Зухрахон билан бир оиладек эш-қўш бўлиб қолишди. Нима дейсиз, дадаси? — сўради Меҳри ая хўжайинидан.

— Мен нима ҳам дердим, Шомуродга ёқса бўпти-да. Бари-

бир бирортасига уйланиши керак-ку. Булар бўлса синашта, таг-тугини биламиз, — деб қўйди Ҳайдар ака ҳам "Мен рози-ман" дегандек бўлиб.

Шундай қилиб Шомурод Саломатхонга унаштирилди. Аввалгидай дабдабали тўй бўлмади, балки маҳалла-қўйга ош тортилди, оддий қилиб никоҳ ўқитилди. Машиналарни яса-тиб шаҳар айлангани ҳам боришмади. Қиз эсли экан, қарши-лик қилмади, нима десалар "хўп" деди. Тўй маросимлари ту-гагач, келин билан куёв янгидан жиҳозланган ўша гўшанга-ли уйга қадам ранжида қилишди. Аммо тўғрига илинган па-лак олиб ташланмади. "Бу менинг биринчи келиним Зарифа-дан ёдгорлик бўла қолсин. Арзимаган латтаку, турса турар", — деди Меҳри ая марҳумани ёдга олиб. Шомурод ҳам, янги келин ҳам ойиларининг гапини икки қилишмади. Аксинча, Саломатхон палакнинг осилиб тушган бурчагини ўзи янги-дан елимлаб қўйди.

Умуман биринчи кеча яхши ўтди. Шомурод "Энди дераза-дан биров замбарак олиб келиб отса ҳам чиқмайман". — дея уз-ўзини аҳд қилди. Ёруғ чироқни ҳам учиртирмади. Меҳри ая ҳам ўша тунлари мижжа қоқмади. Янгилар хушёр ётишди. Па-лакдаги "палакат кўз" термулиб қолаверди. Ажаб бўлди! Унга янги келин аҳамият ҳам бермади.

Эртаси эрталаб келинчак илк бор келин саломга чиқди. Меҳ-ри аянинг боши кўкка етди. Ҳайдар аканинг кўнгли хотиржам тортди. Бундай қувончли ҳолнинг девор ортидан гувоҳи бўлган Зуҳраҳон ва Раҳимжонлар тонг саҳарданоқ қўлларида кўрмана билан "қутлуғ бўлсин"га чиқишди.

— Ассалому алайкум, Меҳри опа, келин қутлуғ бўлсин энди, ҳорманг-ҳорманг! — деди Раҳимжон тантанавор равишда қўли-даги гиламни бир четга қўяркан.

— Келин қутлуғ бўлсин! — дея Зуҳраҳон ҳам қўлидаги қути билан кўришди.

— Вой, қуллуқ-қуллуқ! Келинлар, қўшнижонлар, қудажон-лар! Сизлардан ўзим айланай, — деди Меҳри ая.

Зуҳраҳон қўшиб қўйди:

— Саломатхон жиянимизнинг қадамлари хонадонингизга кутлуғ келган бўлсин!

Фотиҳа қилиб ҳам улгуришмаган эди-ки, янги келинчак хонасидан чиқиб уларга уч мартадан салом берди.

Куёв тўра ҳам чиқиб келиб Раҳимжон билан чин кўнгилдан кучоқлашиб кўришишди.

— Ҳуш келибсизлар! — деди келинчак чой қуйиб узатаркан.

— Бахтли бўлинглар, илоҳим, — деди Раҳимжон.

— Ўзингизни эҳтиёт қилинг. Нима юмушингиз бўлса девордан "ҳой!" деб юборсангиз бўлди, ўзим чопиб чиқавераман, хўпми — деб қўшиб қўйди Зухра.

— Шомурод, сен ҳам лоақал бир-икки кун иш-пишингни йиғиштир, — деди Меҳри ая.

— Ие, қанақасига?!

— Чиллада ҳеч қаяққа чиқиб бўлмайди. Бу давр худойимнинг синови бўлади. Худо хохласа, чилладан кейин истаган томонингга кетаверасан.

— Ўҳ-ҳў, асал ойи бўларканда-а? — қулди Раҳимжон.

— Сенга айтаяпман, ҳой! — деди яна ая ўғлига юзланиб.

— Тушундим, деяпман-ку, ойи!

Шундай қилиб ёшларнинг тотли дамлари бир маромда кеча бошлади. Корхонадаги ишларни ҳисобчи Каримжоннинг ўзи юргазаверди. У билан Шомурод ҳар куни, ҳар соат телефон орқали боғланиб турди. Куёв бола келиннинг ёнидан деярли кетмади. Улар уйдаги, боғ-ҳовлидаги барча юмушларни биргаликда, қизғин суҳбат қуриб бажариб юришди ва тез орада бир-бирларини ёқтириб қолишди.

* * *

Гулжамол Шомуроднинг уйланганини ва тўй маросимлари бўлиб ҳам ўтганини дам олиш куни келганидагина билди. Ундан узил-кесил умидини узди ва қўшни сифатида кириб, келинни қўтлаб чиқди. Уларга бахт тилади. Шу-шу бошқа қайтиб кирмади.

Ўша кунларнинг бирида ёш келин-куёв қўлларига дастарра

ва гулқайчи олиб боғдаги мевали дарахтларга шакл беришарди.

— Шомурод ака, манави қанақа олма?

— Қирмизак. Буни бобом раҳматли билан эккандик. Жудаям ширин.

— Мендан ҳамми?

— Йўқ. Сиздан кўра бемазароқ, — деди йигит кулиб ва Саломатни ўзига тортиб гунча лабидан бўса олмоқчи бўлган ҳам эдики, қўл телефони жиринглаб қолди.

— Вой, телефонингизни нега ёқиб олдингиз? — ўсмоқчилаб сўради келинчак.

— Ахир керак бўлаяпти-да. Янги корхона бўлса... Алло, эшитаман. Ҳа, Каримжон, гинчликми?

Каримжон корхонага прокуратурадан тафтишчилар келганини, чунки корхонага тегишли бўлган унларнинг бир қисми Қирғизистон чегараларида қўлга олинганини маълум қилди.

— Ие, қанақасига?!

— Бир исқирг бизнинг ҳужжат билан қўлга тушганмиш. Унни дўкондан сотиб олгану ҳужжати бизники экан. Шунга омборни тафтиш қилишмоқчи. Ишни тўхтатдик. Ўзингиз келмасангиз бўлмайди, — деди Каримжон ташвиш билан.

— Об-бо!...

— Ҳа, тинчликми? — сўради Саломатхон.

— Ишга бормасам бўлмайди.

— Мен ҳам бирга бораман.

— Ревизия босибди. Одамларгаям ҳайронсан-да, озгина фойда, пул учун ўзини ўтга-чўғга уришади-я, тавба..., — деб қўйди у.

— Ҳисобчингизни айтаяпсизми?

— Э йўқ, чегара бузувчиларни айтаяпман. Бир ношудни деб мана энди қанча одам овора. Корхонамиз зиён кўради, қанча одамлар ишсиз, нонсиз ўтиришади. Бўпти, мен кетдим. Ишларимни тинчитиб келаман, хўпми, жоним?

— Хўп, яхши боринг, — деди Саломат ва эрини хавотирли кузатиб қолди.

Шомурод корхонага келиб тафтиш ишларида иштирок этди.

Тезкор тафтиш то ярим тунга қадар давом этди. Ниҳоят қўлга тушган қонунбузар ҳужжатларни ксерокс аппарати ёрдамида қалбаки қилиб олгани экспертизада тасдиқлангач, корхонанинг ишлашига рухсат берилди. Йўқотилган кун ва мижозларга маҳсулот етказиб бериш мажбуриятини бузмаслик учун корхонада тунги смена ташкил этилди. Шомурод бу ишларга ўзи бош-қош бўлди ва уйига жуда кеч қайтди. Шунда ҳам туман бўйича электр чироғи ўчирилгандагина уйдаги янги келинпошша ёдига тушди.

Саломатхон эрининг бундай кеч қолишини билмаганди. Билганида қайнонасининг ёнига чиқиб ётармиди. Ўша кунни негадир боши айланиб ўзини ёмон ҳис қилди. Кечки овқатни ҳам тузук-қуруқ емади. Эрта ётиб олди. "Нима бало, ҳомиладор бўлибман, шекилли" деган ўйга борди ва бу ҳақида эртаси Зухра опасига айтишни, кейин эса эридан суюнчи олишни кўнглига тугиб қўйди. Бундай маҳалларда қишлоқда газ жуда паст бўлади. Чироқ ҳам ярим тунлари туман бўйича бир-икки соатга ўчиб турарди.

Ярим тунда Саломат совуққотаётганини ҳис қилди. Эри билан ётганида билинмас экан. Ўрнидан туриб ҳали токка уланмаган қўлбола сув батареясини ҳам улаб қўймоқчи бўлди. Лекин батареянинг яроқсиз эканидан ва аллақачонлар ундан фойдаланилмай қўйилганидан, ҳаттоки ичида сув бор-йўқлигидан беҳабар эди.

Бир пайт палакнинг ўша ёпиштирилган бўлаги яна осилиб тушди. қандиллар оҳиста қимирлаб қўйди. Печкадаги хиёл ёнаётган газ лип-лип этиб тўсатдан пақиллаган овоз чиқардию, ўчиб қолди. "Ана энди баттар совуққотаман" деди қиз хаёлан. Ниҳоят чироқ ёнди. Қиз ҳеч иккиланмай бориб қўлбола электр батареясини ишлатиб қўйишга тутинди. Батареянинг иситаётган-иситмаётганлигини билиш учун уни ўнг қўлида ушлаб турганича, чап қўли билан симлари очилиб қолган вилкани палак ёнидаги розеткага чўзди. Тикдию, кўзларидан ўт чақнаб кетди. Ток чап қўлидан аёвсиз равишда унинг ширин ҳаёт ишқида ураётган беғубор юраги орқали ўтиб ўнг қўли орқали батарея гамон яшил олов бўлиб оқа

бошлади. Ток уни узоқ дириллатиб ушлаб турди, тили ҳам танглайига ёпишиб қолиб бақиролмади. Бир зумда кўкариб мук тушиб йиқилди. Қора сумбул сочлари орасида хиёл оқ тутун пайдо бўлди. Хонани куйган гўшт ҳиди тутиб кетди...

* * *

Шомурод корхонадан туман бўйича чироқ ўчиб қолганидан сўнггина йўлга чиқди. У "ишқилиб Саломат қўрқмаяптими-кан" деган ўйда эди. Афсуски, уйда ҳали телефон йўқ, йўқса албатта қўнғироқ қилиб қўйган бўларди. У машинасидан тушдида, қўл телефонининг чироғини ёқиб гўшангали уйга шошиб кирди. Димоғи аллақандай нохуш, куйган ҳидни туйди ва чироқни ўриндиққа қаратиб келиннинг жойида йўқ эканини кўрди "Демак, ойимнинг ёнида" деб бамайлихотир устидаги кийимлари ва туфлисини ечди. Келиннинг бу ерда эмаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиш учун яна бир бор уй ичкариларни текшириб кўрди. Не куз билан курсинки, Саломат гўё совуқ батареяга қўли ва пешонасини қўйиб, миқ этмай ўтирарди. У жонсиз эди...

"Саломат!!!" деган ҳайқирик уйни ва ҳовлини тутиб кетди. Овоз шундай кучли эдики, ҳатто қўшниларга ҳам эшитилди. Бир дақиқа ичида ғала-ғовур қилиб одамлар кириб кела бошлашди. Чироқ ҳам ёнди. Ҳаммаси равшан бўлди. Шомурод Саломатнинг тепасида туриб тинимсиз дод солмоқда эди.

Яна аза очилди. Бепоеъ совуқ қабристон бағрида янги бир қабр пайдо бўлди. Оғир жудолик бутун қишлоқни яна ларзага солди. Саломатни ҳам ўз ота-онасининг уйидан чиқаришди. Шомуродни авайлаб-асраш учун катталар шундай маслаҳат беришди. Чунки қалби вайрон бўлган бу йигит руҳшунослар айтганидек "вос-вос"га тушиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Меҳри ая ҳам, қўшни Раҳимжон ва Зухраҳонлар ҳам куйиб адо бўлишди. Йиғлайвериб овозлари хириллаб қолган Меҳри ая базўр нола қиларди:

— Вой, шўрпешона болам-а... Эндигина бахтини топганди-я... Бу қандай кўргулик, қандай кўргулик?! Эй парвардигор, нега келинимни жонини олдинг? Ундан кўра меникини ола

қолсанг бўлмасмиди? — дерди фарёд чекиб. — Ўғлимда нима гуноҳ, ахир?! Энди мен қандай чидайман?.. Вой болам, вой болам!..

Ҳайдар ака бўлса бир четда бошини чангаллаганича мук тушиб ўтирар, чурқ этган овоз чиқармасди.

* * *

Қишлоқдаги бу даҳшатли воқеа содир бўлган пайтда Гулжамол шаҳарда, ўқишда эди. Бу хабар қизнинг кўнглини ҳам вайрон қилди. "Бечора Шомурод акам, намунча бахтсиз бўлмасалар-а, у кишида нима гуноҳ?" деб қўйди у хаёлан. Юрса ҳам, турса ҳам фикри-ёди Шомуродда бўлиб қолди. "Ҳозир у киши қандай аҳволда экан-а? Ишқилиб ўз-ўзини бир нима қилиб қўймасалар бўлгани", деб қўярди қиз баъзан хавотир олиб. Кулогига ҳеч қандай дарс кирмай қўйди ва домласидан "Қишлоқда яқин қариндошимиз ўтиб қолибди" деб, бориб-келишга рухсат сўради. Рухсат беришди.

У автобусдан тушиб тўғри қабристонга — Саломат ва Зарифаларнинг қабрини зиёрат қилишга борди. Бордию, кўзи қабрлар олдида тиззаси билан чўкиб ўтирган, эгнига қора чопон кийиб олган Шомуродга тушди. Кўзларини юмиб хаёлга берилган йигит Гулжамолни келиб ёнидан жой олганини ҳам сезмай қолди. Қиз пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Ака, акажон, улар сизни нега ташлаб кетишди? Нима гуноҳ қилдингиз, ахир?! —

— Синглим, қўй, кўп куюнма. Буни тақдир дейдилар. Демак, менинг пешонамга уйланиш битилмаганга ўхшайди. Энди тоқ ўтаман, шекилли.

— Йўқ. Унақа деманг, яхши ният қилинг, бардам бўлинг, ака!..

Шомурод индамай ўрнидан туриб ортига қайтди. Гулжамол қабрлар ёнида йиғлаб қолаверди.

Гулжамолнинг қабристондаги сўзлари Шомуродга далда бўлди, ҳар ҳолда кўп ўтмай ишига чиқди. У ўзини иш билан овутишга аҳд қилганди. Цехдаги автомат механизмларнинг ишлаши, технологик жараёнларнинг бир маромда ке-

чиши ва тайёр маҳсулотларнинг бирин-кетин чиқиб келишларини узоқ томоша қилиб гурди. Бу ердаги ишчи муҳит, меҳнаткаш жамоа унга далда бўла бошлади. Ҳамма ишчилар уни тушунишар, унга ҳозир жуда оғирлигини яхши билишарди.

Офис идорасига кириб ҳам ҳеч қандай йиғилишлар ўтказмас, юмшоқ кресло суянчигига бошини қўйганича узоқ ўйлашиб ўтирарди.

— Шомурод Ҳайдарович, сизни ҳокимиятдан сўрашаяпти, гўшакни оларкансиз, — деди бир пайт котиба.

Шомурод гўшакни истар-истамай олиб "Лаббай, эшитаман" деди. Ҳоким ўринбосари Дилмурод Солиевич экан. У Шомуроднинг бошлаган ишларига хайрхоҳ бўлиб, унинг шахсий муаммоларидан жуда хавотирда эди.

— Шомурод, сен ўзингни қўлга ол, бола. Тушкунликка тушма, ҳали ҳаётинг олдинда. Сен билан ҳали кўп яхши ишларни амалга оширишимиз керак.

— Раҳмат, Дилмурод ака.

— Ички ишлардан сен ҳақингда суриштиришувди, яхши тавсифнома ёзиб бердик. Бўлиб ўтган воқеага "бахтсиз ҳодиса" деб баҳо бериладиган бўлди. Бундан ҳеч ташвиш қилма, хўпми?

— Хўп, раҳмат.

— Янаги ҳафта Тошкентда "Нон ва пишириқ маҳсулотлари" деб номланган республика кўрик-танлови бўларкан. Шунга тайёргарлик кўриб, қатнашиб келсанг дегандик.

— Хўп.

— Ассортимент хилма-хил бўлсин. Сендан ишончимиз катта, Шомурод. Туманимиз шаъни учун сен албатта ғолиб бўлишинг керак бўлади, тушундингми?

— Ҳа, ҳаракат қиламан.

— Ундай бўлса ҳозир танлов шартларини факс орқали жўнатаман. Тайёр бўлганингда менга қўнғироқ қил, хўпми? Биз ҳоким, кейин, Обид Азизхўжаевич учаламиз корхонангни бориб кўрмоқчимиз. Келишдикми?

— Келишдик.

— Сенга омад бўлмаса!

Суҳбатдан сўнг Шомурод ўзини анча дадил ҳис қилди, кайфияти кўтарилди. Котиба кирди.

— Шомурод ака, қаҳва дамлаб берайинми? — аста сўради қиз.

— Ёмон бўлмасди. Ҳа, кейин техник ходимларимизнинг ҳаммасини хонамга чақиринг.

Йиғилишда кўрик-танловда қатнашиш учун "Тандирларимизда тайёрланадиган миллий нонларимиздан ҳам фойдаланиш керак. Бунинг учун тажрибали нонвойларни ҳам жалб қилинса ёмон бўлмайди" деган таклиф тушди. Шомуроднинг кўз олдига ярқ этиб Гулжамолнинг отаси Йўлдош нонвой келди. Болалигида унинг тандири атрофида чувиллашиб, қайноқ кулчани сувга ботириб Гулжамол билан бўлиб ейишганларини эслади. "Ҳа шундай, Йўлдош акадан илтимос қиламан. Керакли масаллиқларни элтиб бераман. У менга кўргазмабоп сара нонларидан пишириб беради. Уларнинг ёнига корхонамиз маҳсулотларидан териб қўяман. Шундай қилсак, миллий қадрият ва замон руҳи уйғунлашади" деб қўйди у хаёлан.

* * *

Гулжамол уйга келиб отасини одатдагидек қизғин иш устида кўрди. Шогирдлари хамирни ёйиб, зувалалар узатишар, нонвой уста бўлса, уларни қайноқ тандир бағрига босиб-босиб қўярди. "Ассалому алайкум, ҳорманглар, ота!" деди қиз тандир олдидан ўтиб бораркан.

— Э, бор бўл, қизим. Вақтли қайтибсан-ми?

— Ҳа, курс ишимни уйда қилаверадиган бўлдим.

— Ҳа-ҳа, яхши. Ўтир, иссиқ нон билан чой ич.

Қизига пешвоз чиққан онаси Сарвигул гапга аралашди.

— Дадаси, овқатим ҳам пишиб қолди. Келинг, учовимиз тушлик қилайлик, тандирга шогирдларингиз қараб туришар.

— Ҳа майли, мана ҳозирда, — деди нонвой қип-қизил юзидан оқаётган терларни оқ дурраси билан артиб оларкан.

Улар ташқи сўрига ўтиришди. Йўлдош ака келганида она-бола қўшни хонадонда содир бўлган фожеали воқеа ҳақида суҳбатлашиб ўтиришарди.

— Эй худо, бу қандай кўргилик бўлди-а, даласи? Тавбат-тавба, шунақа ҳам бўларканми-а? Иккинчи келин ҳам чилласида ўлиб қолаверса. Астаҳфуруллоҳ... Ҳеч ақлимга сиғдиролмаяпман-да.

— Ҳа, — деди Йўлдош ака овқатдан бир қошиқ еб олгач. — Шомуроднинг номи энди "қора ёстик" бўлди.

Гулжамолнинг қўлидаги темир қошиқ жаранглаб товоққа тушди ва отасига "Нима дедингиз?" дегандай нигоҳ ташлади.

— Шунақа, — деб қўйди ота гапини тасдиқлаб. — Бунақалар ҳаётда баъзан учраб туради. Унга энди ким тегса қурбон бўлаверади. Шу уйларида бир нима борда, дуо кетганми-ей, нима бало.

— Ҳа, бўлиши мумкин. Эҳтимол бирор ёвуз руҳ бордир, — деди хотини.

— Ол қизим, нима қилиб ўтирибсан? Йўл босиб келгансан, катта-катта с. — деди ота ҳайратланиб турган қизига қараб.

Қиз "Хўн" деб овқат егандай бўлди. Аммо иштаҳаси бўғилиб бўлганди.

— Эсингиздами, даласи. Ҳайдар аканинг йўқолиб қолган биринчи хотини Шарофатхон бор эди-ку?...

— Э-ҳа, бунга йигирма беш йилдан кўп бўлдиёв, нимаиди?

— Шу аёл беиз, бедарак кетаверди-я. Ҳайдар ака кейин Меҳрихонга уйланди.

— Ҳа, нега энди ўша Шарофат-касофатни эслаб қолдинг?

— Ишқилиб ўшанинг руҳи қайтиб келиб, ёвузлигини ўтказмаяптими-кан, дейманда.

— Э, қўйсангчи хотин, жа сен ҳам лекин ҳар хил бўлмағур ирим-сиримларга ишонаверадиганлардансанда.

Шарофат воқеаси Гулжамолда қизиқиш уйғотди ва у ҳақида онасидан тўлиқроқ маълумот олишни кўнглига тугиб қўйди.

— Қизим, Меҳри холанг ҳозир оғир ётиб қолган. Кириб бир кўнгил сўраб чиққин, хўпми? Мен ҳозир овқатдан бир коса солиб бераман.



— Ҳа, анави иссиқ кулчадан ҳам бир жуфт олвол, савоб бўлади, — деди отаси.

Меҳри ая ҳақиқатдан ҳам ичкарида ётиб қолибди. Гулжамол билан бемажол кўришди.

— Кел, қизим. Кўрмайсанми, бўлган ишларни.

— Худойим сизга сабр берсин, хола.

— Энди билсанг, бизга яшашнинг ҳечам қизиғи қолмади.

— Унақа деманг, хола. Бу ҳам бир кўргиликда. Келинг, манави овқатдан еб олинг.

— Йўқ. Ҳеч нарса емайман. Мениям ўлгим келаяпти.

— Унақа деманг, холажон. Ахир Шомурод акам учун ҳали кераксиз. Ҳаммаси ҳали ўз изига тушиб кетади, хола.

— Энди нима қиламан, билмайман. Ўғлимнинг номи қора бўлди, ҳамма уни энди "қора ёстиқ" деб чақирришади.

— Ахир бу бир бахтсиз ҳодиса эканку! Ўғлингизда нима айб?

— Уйимиз энди ҳосиятсиз уйга айланди. Фаришталар учиб кетишди. Эл-юрт олдида жуда уятга қолдик, болам, уятга!... Ҳеч ким энди бизга қизини бермайди. Тавқи лаънатга қолдик.

Ҳа, дадаси ҳам бу ердан энди кўчиб кетамиз, шекилли, деяпти.

— Унақа деманг, хола, яхши ният қилинг, — деди қиз чин юракдан.

— Мана, масалан, сен энди ўғлимга тегармидинг... Ҳеч қачон тегмасдинг, албатта. "Тегаман" десанг ҳам мен энди асло кўнмайман. Сен бахтли бўлишинг керак, қизим. Сени ўз қизимдай яхши кўраман.

Улар худди она-болалардай бир-бирларини маҳкам бағрларига босишди. Биргалашиб юм-юм йиғлашди...

УЧИНЧИ ҚАБР

Шомурод Тошкентдаги истироҳат боғларидан бирида ўтказилган "Нон ва пишириқ маҳсулотлари" Республика кўрик-танловига иштирок этиб совринли ўринлардан бирини эгаллади. Йўлдош нонвойнинг тайёрлаб берган ўзига хос патир нонлари иш берди. Унга компьютер совға қилишди. Шу туфайли уни ташкил этилаётган оқшомги тантанали кечага таклиф қилишди. Аммо Шомурод зиёфатга боргиси келмай боғнинг бир четидagi ўриндиқда маҳзун ўтирарди. Шу маҳал бир қиз "Бу ер бўшми?" деб ёнига ўтиришга рухсат сўради.

— Бемалол, — деди йигит қисқа қилиб ва чуқур хўрсиниб қўйди.

Қиз "Раҳмат" деб ўтириб сумкасини титкилаётганди бир нимаси ерга тушди. Ручка экан, Шомурод уни олиб узатди. Кўзлар тўқнашди. Қиз "вой, узр", дея унга миннатдор боқди.

— Сиз мабодо анави танлов ғолиби Сулаймонов Шомурод акамасмисиз? — деди қиз лабларига помада суриб, юз-кўзларини тез эпаккага келтириб оларкан.

— Шунақа шекилли, — деди йигит истар-истамас.

— Вой, унда бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Шунчаки...

— Ахир барча ғолибларни ҳозир байрам дастурхонига чақиришяётганди, телевидениега олишади. Шоу-дастури бўлади.

— Ҳа, хабарим бор...

— Юринг, мен ҳам газетага материал тайёрлашим керак. Ҳа айтмоқчи, исмим Сарвиноз, ЎЗА мухбириман, — деди қиз қўл узатиб.

— Хурсандман, Шомурод.

— Нега кайфиятингиз йўқ? Нима, сизни биров хафа қилди-ми? — ажабланиб сўради қиз.

— Йўқ, ҳалмаси жойила.

— Нечанчи ўринни олдингиз, ўзи?

— Иккинчи, диплом, кейин компьютер беришди.

— Ў, табриклайман! Кетдикми, ғолиб ака?

— Йўқ. Сиз бемалол-а...

— Нима, ютуқ сизни қаноатлантирмадими, дейман?

— Э, йўқ. Ҳаммаси жойила.

— Нега унда хурсанд эмассиз?

— Тўғриси айтсам, бундан 20 кун илгари аёлим ҳалок бўлганди. Билсангиз, ҳозир шод-хуррамлик унчалик кўнглимга сиғмайди.

— Вой, билмабман, узр. Шунақа бўлганмиди? Омин, худо раҳматига олган бўлсин, — деди қиз юзига фотиҳа тортиб. — Сизга тангрим сабр берсин.

— Раҳмат, синглим.

— Кўп қайғурманг. Неча йил яшагандинглар, ўзи?

— Атиги бир ҳафта, — деди Шомурод хўрсиниб.

— Вой, чиллалимидинглар? — сўради қиз ачиниб.

Унинг кўзларида ачинишдан кўра ажабланиш ҳисси кўпроқ эди.

— Ҳа. У менинг иккинчи турмушим эди.

— Биринчисига нима бўлган? — қизиқиб сўради қиз.

— У ҳам чилладаёқ... Юраги хаста бўлган экан, бечорани.

Қиз ҳайратга тушиб "Ё тавба!" деб юборди. У жуда эҳтиросли шекилли, тўсатдан кўзларидан ёш дувиллаб оқиб кетди.

— Ҳой, нима қилаяпсиз? Йиғламанг, ахир пардозингиз бузилаяптику! — деди йигит уни тинчлантирмоқ учун.

Қиз ҳақиқатдан ҳам рўмолчасини олиб артганида кўзидаги ранг ёйилиб кетди. Лекин у парво ҳам қилмади.

— Билсангиз, менинг ҳам бахтим сизникидай қаро бўлган.

— Нима сизниям куёвингиз ўлиб қолганми?

— Ҳа. Лекин кейинроқ..., — деди қиз ва энди астойдил йиғлашга тушди. — Биз ҳам бир йил аввал севишиб турмуш қургандик. Атиги йигирма кунгина яшаганмиз, холос.

— Қўйинг, хафа бўлманг. Сизгаям худойим сабр берсин. Узр, билмай ярангизга туз сепиб қўйибман. Боринг энди, материалгингни олмайсизми?

— Йўқ, ҳозир... Ўзимга келиб олай.

— Ҳа, ўзингизни қўлга олволдинг. Нима қиламиз, энди. Бунга Ярагнинг хоҳиши, тақдири-азал дейдилар-да. Куёвингизга нима бўлган ўзи?

— Хўжайиним бир аҳмоқ танишининг гапига кириб, чиллагимиздаёқ Россияга ишлагани кетиб қолувдилар. Тўйнинг қарз харажагларини тезроқ ишлаб топиб келмоқчи бўлувлар-да... Тўйни жуда дабдабали қилиб юбориб, катта қарз бўлиб қолувдик, — деди қиз ўзини анча босиб олиб.

— Кейинг-чи?...

— Кейин билсак, қайси бир уйнинг куйгур уларни шериклар билан қут қилиб сотиб юборибди. Эрим қотмоқчи бўлган экан, уриб ўлдиришибди. Жасадини олиб келиш учун бор будимиздан айрилдик. Мен ҳатто никоҳ узугимни ҳам сотдим, — деди қиз хомуш ва бўшаб қолган бармоқларини бир қимирлатиб олди.

— Ҳа, ёмон бўлибди. Пулку топилади, аммо инсон учун бир марта бериладиган умрни асло топиб бўлмайди. Нима ҳам қила олардик, чидаймизда. Агар менинг Саломатим тирик бўлганида, эҳтимол, бугун бу ерга бирга келиб ҳозир хурсандчилик қилиб ўтирган бўлармидик.

— Майли, ака. Мен бораёй бўлмасам.

— Ҳа, албатта. Хафа бўлманг, ҳали ҳаётингиз олдинда, жуда гузал экансиз, ҳали бахтингиз очилиб кетади.

— Раҳмат, — деди Сарвиноз жилмайиб ойнага қараб олди-да, ўйчан бир-икки қадам ташлаган бўлди. Сўнгра режаси ўзгардими, яна қайтиб келиб ўтирди.

— Йўқ. Шомурод ака. Сиз бормасангиз мен ҳам бормаيمان. Яхшиси ўзингиздан шу ерда интервью олиб қўя қоламан.

— Унда бу ер ноқулайдир. Юринг бирор кафега кириб ўти-
рақолайлик.

— Майли. Кетдик бўлмаса, — деди қиз.

Уларнинг кайфияти анчагина кўтарилди. Улар кафедра ҳам ов-
қатланиб, ҳам савол-жавоб қилиб анчагина ўтиришди. Сўнгра
чиқиб боғ йўлакларини бўйлаб биргаликда сайр қилишди.

— Шомурод ака, сиз яна уйланинг. хўпми? — деди Сарви-
ноз бир оз сукутда юрганидан сўнг.

— Йўқ асло. Мен энди уйланишдан қўрқаман.

— Барибир тоқ ўтолмайсиз. ҳали жуда ёшсиз.

— Билмадим Сарвиноз, билмадим.

— Сизни ҳам, мениям ҳозир асабларимиз жуда чарчаган. Ду-
гоналарим мени бирор жойга саёҳатга бориб кел, дейишди.
Ишхонамдан Олтиариқ сиҳатгоҳига йўлланма беришувди.

— У ерда нима қиласиз? — қизиқиб сўради Шомурод.

— Нима қилардим. Ҳам даволанаман, ҳам олтиариқликлар
ҳақида материал тайёрлайман. У ерликларни жуда миришкор,
тадбиркор дейишади.

Шомурод мийиғида кулиб қўйди:

— Бўлмаган гап. Ким айтди?

Қиз "ярқ" этиб қаради.

— Вой, нега унақа дейсиз?

— Ахир мен ўша ерликман-да. Бир бахти қаро...

— Вой, ҳа-я. Сиз ҳам ўша ерликсиз-ку, ахир! Буни қаранг-
га, — дея Сарвиноз севиниб кетди.

— Қачон бормоқчисиз?

— Эртага кетаётувдим.

— Яхши, машинада бирга кета қоламиз.

— Йўл-йўлакай интервью олиб кетарканманда-а?

— Йўқ, гапирмай кетасиз. Билсангиз бирор қўшиқ айтиб
берасиз.

— Қўшиқ айтолмайман, фақат шеърлар айтиб бероламан
холос.

— Бўлмаса ҳозир биттасини айтиб беринг-чи.

— Бўпти.

Сарвиноз сархуш ҳолатга кириб бир шеър айта бошлади. Шеър сатрлари жуда дардли ва изтиробли эди:

*Ям-яшил япроқлар сарғайиб бу кун,
Умидсиз ҳилтирар куз шамolidан.
Умримнинг ёзи ҳам ўтар бетиним,
Наҳотки япроқдек инсон умри ҳам.
Бечора япроқнинг аҳволи ёмон,
Дуч келган томонга учирар шамол.
Уча-уча охир тойиб ҳolidан,
Заминга бош қўяр беҳол, бемажол.
Менинг умидларим ҳали бир дунё,
Совуқ куз уларни қилолмас пайҳон.
Ўлкамга куз келган бўлса ҳам аммо,
Қалбим кенгликлари ям-яшил ҳамон.*

Шомурод шеърни тингларкан ундан таъсирланиб энтикиб кетди. Куз олдида ҳали очилиб улгурмай султан гунозли Зарифа ва Саломатлар намоён бўлишди. Юрагининг бир чети жипзиллаб ачишди. Бир четда дуч келган ўриндиққа гез ўтириб олдида, қўллари билан бошини чангаллаб узоқ ўтирди. Унинг қалби фарёд чекмоқда эди.

Сарвиноз ҳамдардлик билдириб, унинг кенг елкасига нозик бармоқларини қўйди...

- Ўзингиз ёзганмисиз? — сўради Шомурод ниҳоят.
- Ҳа... — деб қўйди қиз ширин энтикиб олиб.

* * *

Эртаси Шомурод келишилган жойдан машинасида келиб Сарвинозни олиб жўнаб кетди. Бу икки ёшнинг ҳамдардлиги, руҳан ҳамфикрлиги уларни гўё эски қадрдонлардай қилиб қўйгани учунми йўл сафари давомида хушчақчақ ва хурсанд кайфият уларга ҳамроҳлик қилди. Шомурод яхши қўшиқ дискларидан қўйиб берди. Бундан завқланган Сарвиноз ҳам ўзининг шеърларидан ғоят ширали овозда ўқий кетди:

Энди ҳижронларга етмас бардошим,
Соғинч юрагимга тиелар уряпти.
Бир бор йўқламаган эй бағритошим,
Мен сизни ҳозироқ кўргим келяпти.

Агар гуноҳ бўлса севиш-севилиш,
Бугун гуноҳ менга азоб беряпти.
Насиб қилармикан бизга кўришиш,
Мен сизни ҳозироқ кўргим келяпти.

Ҳолимни сўрамас на дўст, на ағёр,
Орадан бешафқат йиллар ўтяпти.
Аллоҳнинг олдида гуноҳим бисёр,
Мен сизни ҳозироқ кўргим келяпти.

Армонлар сочимга қўнган оқ қорлар,
Орзулар ўстидан тоза куляпти.
Наҳотки дунёда йўқ бизга висол,
Мен сизни ҳозироқ кўргим келяпти.

Шунчалик қийинми бахтга етишиш,
Кўксингизга бошим қўйгим келяпти.
Бу телба кўнглимни сўнги хоҳиши,
Мен сизни ҳозироқ кўргим келяпти.

Шомурод шеърни берилиб тингларкан, беихтиёр "Ўҳ-ҳў! Ана изтиробу, мана изтироб!", дея хитоб қилди.

— Вой унақа деманг, одам уялади, — деди қиз қизариб.

— Ёмонмас. Сизни шунчаки мухбир десам, ичингиз виж-виж дардга тўла шоира ҳам экансизку!

— Дард бўлса ўзи шеър қуйилиб келавераркан. Мен бу шеърни ўша турмуш ўртоғим узоқ сафарга кетгач, ёлғиз қолганимда битгандим. Дардимни кимга айтишни, кимга ёрилишни билмасдим. Шунда шеър, китоблар менинг яқин ҳамроҳимга, сирдошимга айланди.

Қиз кўзларига ёш олди. Машина довонда елдек кетиб борар, қояларда қотиб турган яшил арчалар мунгли кўринарди.

— Узр, Сарвинозхон. Билмай...

— Ҳечқиси йўқ.

— Тоғларни қаранг, қандай гўзал-а? — деди йигит қизни чалғитмоқ ниятида.

Сарвиноз кўз ёшларини артиб, салон ойнасига қараб лаблунжини тез эпақага келтириб олган бўлдида, тоғ даралари тамон назар ташлаб, "Ҳа, жудаям чиройли", деб кўйди.

— Шу йўللардан бир пайтлар бечора Отабек ҳам дард, ишқ ичра сарсон қатнаганди. — деди Шомурод мийиғида кулиб.

— Ҳа. Унинг Кумушга бўлган муҳаббати савдон-сарсон қилганди. Айтмоқчи, Абдулла Қодирий домланинг "Ўткан кунлар"идан таъсириланиб мен бир пайтлар Отабек ҳақида ҳам шеър битгандим.

— Эҳ-ҳе, рости биланми? Унда эшитайлик.

— Айтиб берайми? — сўради қиз.

— Ҳа-ҳа, албатта. — деди йигит жон кулоғини тикиб.

— Ҳозир, — деди қиз бир оз тараддулланиб, шеър матнини ёдига олган бўлди. — Лекин камчиликларига қўймайсиз-да.

— Нима, мен сизга танқидчимидим. Оддий гапингизни ҳам шеър китиб айтиб бераверинг, маъна қилиб эшитаман.

— Унда эшитинг бўлмаса:

*Кўёш юзин қора булут тўсиб олди,
Бемаҳалда тинмай ёмғир ёғиб қолди.
Ёмғирларга отдим "Ўткан кунлар"ни мен,
Отабекдан энди менинг кўнглим қолди.*

*Шериклик бахт кимни бахтли қилган ўзи,
Бекаму кўст тақдир кимга қулган ўзи.
Бек севгиси бекни бахтсиз қилган ўзи,
Отабекдан энди менинг кўнглим қолди.
"Сиз ўшаму?" дея бахтдан сархуш эди,
Бахтин топиб бек бағрида беҳуш эди.
Булар бари билсам сароб, бир туш эди,
Отабекдан энди менинг кўнглим қолди.*

*Икки дилни бахтли қилмоқ осон эмас,
-Бир кўнглига битта севги етарди, бас.
Бекга оғу тутган фақат Зайнаб эмас,
Отабекдан энди менинг кўнглим қолди.*

*Отабекдай бек йўқмиди Марғилонда,
Отабексиз бахт йўқмиди бу замонда.
Шундай севги бўладими ҳеч жаҳонда?!
Отабекдан энди менинг кўнглим қолди.*

* * *

Сиҳатгоҳга келишгач Сарвиноз жонланди:

— Сиз ҳам дам олинг, Шомурод ака. Ўн кун ўтади-кетади. Кейин сиз бунга арзийсиз, ғолибсиз-ку! — деди у майин та-бассум қилиб.

— Бўпти, эртагаёқ келганим бўлсин. Фақат сиз шифобахш сувнинг иссиғини олиб қўймай туринг, хўпми?

— Хўп, — деди қиз кулиб.

Унинг самимий нигоҳларидан "Мен сизни албатта кутаман", деган маънони уқиб олиш қийин эмасди.

Шомурод шундай қилди. Ўша куниёқ ишхонаси ва ҳокими-ятга кириб, пойтахтда қилган ишлари тўғрисида ҳисобот бер-ди-да, эртадан сиҳатгоҳда дам олишини маълум қилди. Дўст-биродарлари унинг кайфиятидаги кўтаринкиликни кўриб қуво-нишди.

— Хой, Шомурод, қачон энди ғолиблигингни ювамиз-а? — сўради Маъруф исмли энг яқин сирдош дўстларидан бири.

— Ким буни ювгиси келса сиҳатгоҳга бораверсин, иссиққи-на ванналари бор, — деди у ҳазил қилиб.

Шундай қилиб эртасидан Шомурод ҳам сиҳатгоҳга жой-лашди. У илгари бу ерларда ҳечам дам олмаган ва бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганди. Шифобахш ванналар, сузиш ҳовузи ва бошқа муолажалар унга шундай маъқул бўлдики, "олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ" деганлари рост экан. Нега илгари-роқ шу ерга келмаган эканман-а?" дея хаёлидан ўтказди. Ота-онасини ҳам бу ерга албатта олиб келишни кўнглига тугиб қўйди.

Сарвинозга сиҳатгоҳ жуда ёқди. У ҳам ота-онасига телефон орқали тоза мақтаб, уларни бир келиб дам олиб кетишга кўнди-ришга ҳаракат қилди.

Ўша кунларнинг бирида Шомуродни кўргани бир қанча

дўстлари ташриф буюришди. Шинам чойхонага жой қилишиб давра қуришди. Фарғонача палов буюришди.

— Шомурод, ҳамхонангми ё танишларингми бўлса чақира-вер, ош кўп, хурсанд бўлишади, — деди Тўйчивой.

— Майли, бир нозикроқ меҳмоним бор-да. Лекин қандай бўларкин?..

"Бемалол" дейишди йигитлар бараварига.

Сарвинозни кўриб ҳамма дўстлари лол қолишди. Ҳеч ким Шомуроддан буни кутмаганди. Уларнинг тасаввурида гўё бир чапани, ошхўр ҳамхонаси чиқиб келиши керак эди.

— Танишинглар, Сарвиноз, тошкентлик журналист. Булар менинг олтиариқлик дўстларим. Ҳаммаси гадбиркор, миришкор. Мана, истаганингизча интервью олаверинг, — деди Шомурод тантанавор.

Ёйилиб, ялпайиб ёнбошлаган йигитлар тез ўзларини ўнглаб олишга киришишди. Дастурхонни эпакага келтирган бўлишди. Шомурод уларни бирма-бир таништирди. Қиз фарғонача палов гайёрлашга қизикаётганини билдирди. Шомурод бу вазифани Маъруфга топширди. Улар ошхонага бориб сабзи, пилёзларни тўғрашиб, қизнинг суҳбат қуришди.

Маъруф дастурхонга қуйдирилган жиззани қўяркан, "Шомурод, яхши қаллиқ топган кўринасан. Шу қизга шарт уйла-ниб қўя қолмайсанми-а?" — деб сўради.

— Э, қўйсангчи, ошна. Тағин унинг ҳам умрига зомин бўлмай.

— Унақа дема, яхши ният қил. Сўраб билдим, Сарвиноз-нинг ҳам турмуши бўлмаган экан, ўзи жуда гўзал, ақлли, эсли-хушли қизга ўхшайди. Ойингга уни таништир. Ёқиб қолса, дўппидай ош дамлаймизу никоҳлаб қўя қоламиз.

— Қани, бир оз вақт ўтсин... Бир-биримизга ўрганайлик.

— Ахир бу ҳаёт зарурати-ку, ўйлаб кўр, дўстим!

— Майли, бир гап бўлар.

— Манави бошқа гап. Мен шу бугуноқ Меҳри холага бу янги-ликни етказганим бўлсин!

— Э, қўй, ундай қилма.

— Гап тамом! Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ! — деди Маъруф ва қозон бошига қараб кетди.

Сарвиноз Шомуроднинг дўстлари билан тез чиқишиб кетди. Айниқса, шеърларни қойил қилиб ўқиб уларни ҳам лол қолдирди:

*Осмонда ой танҳо қолган бу кеча,
Туйғулар меҳридан тонган бу кеча,
Узатилган оч қўллар толган бу кеча
Сендан кетаман.*

*Ишққа бошқоронғу ялпизлар сўлди,
Учаётган қушлар бағримда ўлди,
Мен сени безовта қилмасман энди,
Сендан кетаман.*

*Тунларда тўқаман юлдуз бенишон,
Кўпирар азобнинг қўлларида қон.
Соғинчлар ўлдириб қўярлар, ишон,
Сендан кетаман.*

*Ўйнаб ўтаверар бепарво сур ел,
Мен қўйган тўзоққа илинмади шер. .
Юрак, пешонаси бунча экан шўр,
Сендан кетаман.*

*Кўмирга айланиб қолди нигоҳлар,
Шохларда сарғаяр гўзал гуноҳлар,
Кўкларга чирмашиб кетаркан оҳлар,
Сендан кетаман.*

*Осмоннинг кўз ёши — турна тизилар,
Ойдин сукунатнинг кўнгли бузилар,
Менсиз кунларингга гуноҳ ёзилар,
Сендан кетаман.*

Йигитлар Сарвинозни олқишлаб беихтиёр қарсак чалиб юборишди. "Э, қойил-е!", "Офарин!" деган овозлар янгради.

— Бунга ўзингиз ёздингизми? — сўради Маъруф ҳайратланиб.

— Йўқ. Мен бунчалик ёзолмайман. Бу Ўктамой деган наманганлик таниқли шоираники.

— Ўзингизникидан ҳам бир эшитайлик! — деди кимдир луқма ташлаб.

— Э йўқ, — деди қиз уялиб.

У бир оз иккиланиб турди-да, сўнгра "Оймомо билан суҳбат" деган шеърини ўқий бошлади:

*Оймомажон, оймома,
Сенга бордир саволим.
Кўрганларинг сўзлагин,
Маъюсгина ҳилолим.
Гувоҳ бўлдинг сен неча
Ошиқларнинг зорига.
Етишдими улар, айт,
Ўзи севган ёрига?*

*Оймомажон, оймома,
Нега юзда доғинг бор?
Бевафо гўзаллардан,
Бўлдингми сен ҳам безор?
Юшгиндаги болларинг
Ёлгон севги озори.
Бугун жуда қилибди,
Муҳаббатнинг бозори.*

*Муҳаббат бозорини
Кел, бирга айланамиз.
Сенга не бор, менга не?
Бирга харид қиламиз.*

*Бақиритиб чарчамас,
Чақиритиб харидор.
"Оптим"ига олсангиз,
Арзонроқ вафодан бор!"*

*Навбатдаги растадан,
Сўрагандим муҳаббат.
Ҳақиқийси қолмаган,
"Қўлболаси" бор фақат.*

*Садоқатни сўрасам,
Ҳайрон қолди сўзимдан.
"Ундай нарса борлигин,
Эшитдим энди сиздан".*

Айрилиғу ҳижроннинг,
Чаққон экан бозори.
Энг арзони **ишқ-севги**,
Ёлғон кўнгил изҳори.

Турна қатор одамлар,
Навбатини кутишар.
Ҳайрон қолиб сўрадил:
"Бу ерда не сотишар?"
— Ҳаридори кўп" деди,
Бўлса ҳам қанча қиммат.
Бу ерда сотилади,
Энг бозоргир **хиёнат**.

Орзу-умидлар энди,
Армон бўлди, оймома.
Бахт излаб иккимизга,
Ёмон бўлди, оймома.

Айланиб хўп чарчадик,
Тона олмай **вафони**.
Бизга теккани айтинг,
Фақат жабру жафони?!
Ё бош олиб кетганми,
Вафо бу бозорлардан.
Манзилига етганми,
Жой топиб мазорлардан?...

Олқишлару қарсаклардан чойхона яна ларзага келди. Сарвиноз уялганидан қизариб кетди.

Шомуроднинг дўстлари орасида аскияга уста, ҳамиша хушчақчақ Собир исмли қизиқчи йигит ҳам бор эди. У қизни хижлатдан қутқармоқчи бўлдими, Шомуродга қараб гап қотди:

— Шомуроджон, — деди у бир маҳал.

— Лаббай. Собиржон.

— Бу дейман сиҳатгоҳга келволиб ванналарда чўмилаяпсанми. Ё, манабунақа шеърларни эшитиб ўзинг сув бўлиб оқаяпсанми-а?

Даврадагилар гуриллаб кулиб юборишди.

— Шомурод акам шеър билан чўмилаяптилар-да...

Яна кулгу кўтарилди. Шомурод бундоқ қараса ўртоқлари уни қаттиқ аскияга олишмоқчи. Шу тўфайли мавзуни тез ўзгартиришга қарор қилиб, тўсатдан Собирга қарата қичқирди:

— Ҳой Собир! Ундан кўра янгироқ латифаларингдан айтиб берсангчи-а. Мундоқ теша гегмаганидан йўқми?

— Албатта бор. Ҳм-м..., битта замонавийси бору, лекин хафа бўлмайсанда, ўртоқ.

— Мавзуси қанақа экан? — сўради Шомурод ва "орамизда аёл киши бор-а" дегандай кўзини олайтириб ишора қилиб қўйди.

— Совуқроқда. Ҳалиги, нима дейди марҳумлар ҳақида.

— Кулгулими, ишқилиб? — сўради Маъруф ҳам қизиқиб.

— Бодрингни пишганини еганингда биласан, — деди у сирли қилиб.

— Ундай бўлса айтавер. Замонавийми ишқилиб? — сўради Шомурод чойдан бир ҳўллаб олиб ва Сарвинозга "ҳаммаси жойинди" дегандай бир қараб олди.

— Замонавийки, супер!... — деди Собир мақтаниб. — Мана эшитинглар, бўлмаса:

Бир отахон ошини ошаб, ёшини яшаб бу фоний дунёни тарк этибди-да, кейин иннайкейин, лоп этиб жаннат билан дўзахнинг "қабулхона"сида пайдо бўлиб қолибди. Қабулхонада Сарвинозхонга ўхшаган, парилардай гўзал бир фаришта қиз компютерини чиқиллатиб ўтирганмиш...

— Вой ўлмасам! — дея қичқириб юборди Сарвиноз ва ўз овозидан ўзи уялиб кетди.

— Ҳўш, иннайкейинчи? — Қочирим қилиб сўради Шомурод.

— Иннайкейин ўша гўзал котиба қиз илтифот билан ўрнидан туриб "Ассалому-алайкум! Келинг, отахон. Ҳуш келибсиз! Эсон-омон қийналмай маросимларни ўтказиб келдингизми?" деб сўрабди. Отахон худди жаннатга келиб қолдим шекилли деб ўйлаб оғзи қулоғига этибди ва "шукур, раҳмат. Бу ерда шундай гўзал қиз борлигини билганимда эртароқ келган бўлар-

дим. Кампирим аллақачон ўтиб кетганди", — дебди чол қургур гап отиб.

— Кампирингизни исми нимаиди? — сўрабди котиба қиз қош-қўзини сузиб.

— Хуринисо. У ўтган йили қазо қилувди, — дебди марҳум отахон.

Котиба қиз компьютерини чиқиллатиб Хуринисо тўғрисидаги маълумотларни топибди.

— Ҳа, мана бор эканлар! Аммо у кишини арши-аъломиздан келган дунёларига яна қайтариб юборган эканмиз, — дебди фаришта қиз.

— Нима? Қанақасига?! — ажабланиб сўрабди отахон.

— У кишини ҳеч қанақа гуноҳлариям, савоб ишлариям йўқ экан-да. Шунинг учун "жаннат"га ҳам, "дўзах"га ҳам қабул қилинмабдилар.

— Ие, шунақасиям бўларканми? Бўлмасам мен уни кейин ўзимизда учратмадим-ку!

— Учратгансиз. отахон, учратгансиз. Шунчаки танимаган-сиз-да. Чунки у инсон шаклида қайтмаганлар. Бозордан бир тождор хўроз сотиб олувдингизку, эсингиздами?

— Хўш-хўш? Наҳотки...?

— Ҳа. У киши ўша эдилар.

— Шунақами? Ўзим ҳам айтувдим-а, бу хўроз нега менга бошқача "меҳрибон" қараяпти деб... Э хайрият! Яхшиям уни сўйиб юбормаганим, гуноҳи азимга қолиб кетарканман-а.

— Ҳа, тўғри, — дебди қиз. — Хўш, энди сизни қаерга юборишимизни ҳозир аниқлаймиз. Фамилиянгиз, исми-шарифингизни айтиб юборинг-чи?

— Саидакрамов Сайидваққос Ўлмасович.

— Нечанчи йилда туғилгансиз?

— 1920 йилда.

— 1920 йил, яхши... Ўлган йили 2011 йил, — деб ёзибди котиба. — Хўш, асосий касбингиз?

— Бир умр колхозда ҳисобчилик қилганман.

— Яхши. Қилган гуноҳларингиз?

— Ие, қанақа гуноҳ? Ҳеч қанақа гуноҳ иш қилмаганман-е!...

— Отахон, тўғриси айтиверинг. Агар тўғриси тани олсангиз, сизни жаннатга киришингизга имтиёз берилади, — дебди фаришта қиз. Сўнгра бир оз керишиб қўллари билан бирга попуқдай қанотларининг чигалини ҳам ёзиб олган бўлибди.

Жаннат эшигини ортидан "оҳ-оҳ!", "мазза!" деган говушлар, қулф тирқишидан бўлса анвойи хушбўй ҳидлар таралиб турганмиш. Кейин чол "дўзах"нинг эшиги томон эътиборини қаратибди. У ердан бўлса "Войдол! Қутқаринглар!" деган нохуш овозлар эшитилиб, қулф тирқишидан бадбўй ҳидлар чиқиб келаятганмиш. Шу пайт бир шохли шайтонвачча эшикни қия очиб, бошини чиқариб тиржайиб думини ликиллабди. Отахоннинг юраги "шувв" этиб кетибди.

— Ҳой! Эшикни ёп деяпман! — жаҳл билан қичқарибди котиба.

— Бу киши бизгами? Лўмбиллаган чол экан-а? Какраз қозонимизга битта шунақаси етмаётганди. — дебди шайтонвачча.

Қизнинг жаҳли чиқибди, шарт ўрнидан туриб қанотларини чиқариб учиб борибди-да, эшикни "қарс" этиб ёниб қўйган экан, шайтонваччанинг думи қисилиб қолиб чўчкадай чийиллаб юборибди.

Даврада ўтирганлар бу ҳолатни кўз олдиларига келтириб гуриллаб қулиб олишди.

— Чол тагини ҳўл қилиб қўймабдими, ишқилиб? — сўради Маъруф ҳазил қилиб.

— Бўлса бордир...

— Ҳа кейинчи, давом этавер, Собир, — деди Шомурод завқланиб, лабларини тўсиб ўтирган Сарвинозга бир кўз ташлаб оларкан.

Собир ҳикоясини давом эттирди:

— Кейин чол қўрқиб кетибди. "Бир илож қилиб жаннатга бормасам, куним ҳали мана шуларга қоладими" деб бу дунёда қилган гуноҳларини бир-бир эслаб иқрор бўла бошлабди:

— Бир пайтлар қўшнимнинг говуғи бизникига чиқиб тухум туғарди. Бу ҳақида ҳеч қачон эгаси айтмагандим, — дебди у.

— Хўш, яхши, кейинчи? — сўрайди қиз.

— Кейин қўшним "туғмас товуқ менга керакмас" деб, ўша товуқни сўйиб юборувди.

— Ҳм-м... Бай-бай-бай, ёмон иш бўлган экан-ку...

Хуллас отахон барча қилган гуноҳларига бир-бир иқрор бўлиб чиқибди. Қиз компьютерининг хотирасини очиб Сайидвақ-қос ота тўғрисидаги барча маълумотларга узоқ кўз югуртириб чиқибди-да "Бўлмаяпти, отахон" дебди ниҳоят.

— Нимаси бўлмас экан?

— Жаннатга боролмас экансиз-да.

— Ие, нега энди?

— Мана, 35 ёшингизда бозорда тоғликларга бир қоп қалампирни "ширин мева" деб сотган экансиз. Уни сотиб олган одам "Пулим куйди" деб қалампирларни бола-чақасига мажбурлаб егизган экан. Бунга нима дейсиз?

— Тўғри, қизим. Шунақаси ҳам бўлувди. Бу дейман, бўлган ишлар ҳаммаси ёзиб қўйилар эканда-а?

— Ҳа, сиз нима деб ўйловдингиз? Сизга айтишмаганмиди "кейинчалик сўроқ-саволи бўлади" деб.

— "Пулсиротдан ўтилади", деб айтишувди. Лекин...

— Бизлар ҳам энди замонавийлашиб кетдик. Қисқаси, жаннатдаги рўйхатда фамилиянгиз йўқ экан. Энди дўзахни қараб кўрамиз. Хафа бўлмайсизда, отахон.

— Биргина ўша қалампирни деб-а? Ҳа майли, майли қизим. Қалампирнинг аччиғи пешонага ҳам ёзилган эканда, ноилож, — дебди отахон афсусланиб.

Котиба энди компьютернинг "дўзах" деган файлини очиб отахоннинг исми-шарифи, туғилган, ўлган йилларини кири-тиб текшириб кўрибди.

— Ҳақиқатдан ҳам унчалик гуноҳ ишлар қилмаган экансиз-да, отахон, дўзахнинг рўйхатида ҳам кўринмаяпсиз.

— Ие! Унда нима қиламан?.. Қизиқ-ку!

— Сиз ҳам кампирингизга ўхшаб келган дунёнгизга қайтиб кетаверасиз...

— Э қўйсангизчи, қизим. Тағин овора бўлиб қайтиб бораманми-а? Эл-юрт, маҳалла-қўй нима дейишади. Базўр таъзия чақириб, мени кўмиб келишувди...

— Хавотир бўлманг, инсонликка жой йўқ экан. Уни яхши одамлар аллақачон брон қилиб қўйишибди.

Даврадагиларнинг оғизлари ланг очилиб қолган эди. Яна кулиб олишди. Собир давом этди:

— Ие! Унда нима бўлиб қайтаман? — сўрабди отахон.

— Хўш, ҳозир курамизда — дебди фаришта котиба ва клавиатура тугмачаларини чиқиллатиб терибди. — Вой, мана... "мушук" бор экан. Истасангиз мушук бўлиб қайтинг!

— Э йўғе, нима энди кексайганимда сичқон овлаб юраманми?

— Ҳа бўпти, унда сичқон бўла қолинг бўлмасам! Сичқоннинг жойи ҳам вакация экан.

— Энди бир камим ковакма-ковак юриш қолувди. Йўқ, бўлмайди қизим.

— Хўш... яна эшак бор экан, туя, чўчка, дегандай.

— Ҳалиги хўроз дегани йўқ эканми-а, хўроз? Камширим билан тагин топишиб олиб бирга-бирга умргузаронлик қилиб юармидик.

— Ҳозир бир лақиқа, отахон, — деб котиба клавишда нималарнидир тера бошлабди. — Илгарироқ брон қилиб қўймаган экансизда, отахон. Хўрозлар эгалланиб бўлибди-ку. Товуқ бор экан, мана, чиройли оппоққина, нима қилай?

— Эҳ, ўлишимни билганимда эди... Ҳай майли, ҳар ҳолда сичқон, мушукдан кўра дурустроққа ўхшайдику.

— Бўпти отахон, келишдик яхши боринг! Сизга омад! — дебди қиз бир нималарни териб "окей" деган тугмачани босган экан, Сайидваққос ота оқшом пайти бир товуқ катагидаги қўноқда ўтирган ҳолда "лоп" этиб пайдо бўлиб қолибди.

Даврадагилар "воҳ!" деб юборишди. "Кейинчи, кейин?" дея бетоқат қистовга олишди. Собир "Олтиариқ" минерал сувидан бир пиёла симириб, томоғини хўллаб олгач, латифасифат хикоясини мароқ билан яна давом эттирди:

Отахон аввалига қўноқдагиларни бирма-бир кузатиб чиқибди.

— Ассалому алайкум, яхши ўтирибсизларми? — деб сўрабди у ёнидаги қўноқдошларига қараб.

— Ваалайкум, яхши келдингизми, айланай? Эртага гаплашамиз-а. Ҳозир уйқу вақғимиз бўлди-да, — дебди ёнидаги бир чипор товуқ минғирлаб.

— Ҳой, жаврамаларинг! — деб дўқ урибди шу пайт рўпарада хурпайиб ўтирган бир тождор хўроз.

— Бу киши ким бўладилар? — деб шивирлаб сўрабди отахон.

— Хўжайинимиз шу киши бўладилар, у кишига яхши муомала қилинг, хўпми, — дебди чипор товуқ пичирлаб.

— Хўп. Яна нима иш қилишим керак ўзи?

— Тухум туғасиз, вассалом.

— Ие, туғолмасам-чи?

— Туғмасангиз уйнинг эгаси сизни ушлаб сўйиб, кейин қозонига ташлайди, тамом!

— Вой, рости биланми?

— Ҳа.

— Ё тавба, ё тавба! Астағфируллоҳ, унда мен яна ўламанми? Э йўқ, ўзи бу дунёга зўрға қайтдим. Нима бўлсаям чидайман! Туғаман ўша тухумни! Бунинг учун нима қилишим керак?

— Айгдим-ку, сиз аввал хўроз ака билан яхшилаб танишиб оласиз, деб.

— Хўп, кейин-чи, кейин?

— Кейин юмшоқ жой топиб ётасиз-да, қаттиқ қучанавера-сиз. Қарабсизки...

Бу шивир-шивир тождор хўрознинг гашига тегиб "Ҳой икковинг! Ҳозир адабларингни бериб қўяман-а. Жим ётларинг! Ҳой янги келган оқ макиён, жим бўл! Йўқса кунингни кўрасан!" — деб чўзиб ғоқиллаб қўйибди.

Шундан кейин қўноқдошлар қаттиқ пинакка кетишибди. Тонг саҳари, ҳали қуёш чиқмасидан тождор хўроз қанотларини потиллатиб бир қичқирган экан, отахон чўчиб кетганидан қўноқдан ағдарилиб тушай дебди. У зўрға яна қўноққа осилиб ўрнашиб олган эканки, тождор хўроз уни кўриб "дуруст нарсага ўхшайди" дегандай чўзилиб "қу-қулаб" қўйибди. Гаплашишининг айна пайти келди деб чоли тушмагур хўрозга қараб яхши муомала қилмоқчи бўлибди-да, дилидагини тўкиб "Сиз худди менинг раҳматли кампиримга ўхшаркансиз", дебди.

— Ҳой товукмия! Сен ҳали мени кампир деб ҳақорат қила-япсанми?! Мана сенга! — дебди ҳўроз ва унинг устига чиқиб олиб чўқилаб, босиб ташлабди.

— Вой жоним-ей!.. Узр, ҳўроз ака, билмай айтибман, мени кечиринг, — дебди оқ товук.

— Бўпти. Бу гапингни яна бир марта такрорлайдиган бўлсанг, онангни кўрасан! — дебди тождор ҳўроз. У эрталабки ўз насибасини олганидан кайфияти кўтарилибди-да, яна яхшилаб қичқириб юборибди.

Кейин ҳамма қўноқдагилар тушишиб янги келган билан бир-бир танишиб, чақ-чақлашиб, уй эгаси селган дон-дунни мазза қилиб бирга баҳам кўришиб ҳамжиҳатликда яшай бошлашибди. Ораларида баъзи бир шундай макиёнлар ҳам бор эканки, улар куппа-кундузи уялмай-нетмай ҳўроз ака билан бемалол гаплашишаверармиш... Хуллас, тушликдан кейин ҳамма товуклар ҳамжиҳатлик билан тухум босишга ўтиришибди. — деди Собир ҳикоясини تامом қилмоқчи бўлиб.

Чунки бу пайтда ошни сузиб келишганди. Маъруф аввал гўшнни, сўнгرا ош устига айлантириб пишган тухумларни пар-раклаб гўғраб тераркан:

— Кейинчи, кейин ишқилиб отахонимиз тухум туғибдиларми? — деб сўраб қолди.

— Қаёқда? — деди Собир бир тухум бўлагига туз сепиб оғзи-га соларкан.

Йигитлар "нега?" дегандай ажабланганнамо тикилишди. Сарвиноз "вой, ўлай" деб кулиб юборди. Унинг кулгиси жуда беғубор эди.

— Шунча уринибди, бўлмабди. Кейин кўнглига яқинроқ бўлиб қолган ҳалиги чипор товукни топиб "ҳой, ўртоқжон, тухум туғолмаяпманку, нима қилай?" деб сўрабди.

— Ҳўроз ака билан гаплашдингиз чоғим?

— Ҳа, эрталаб босгандай бўлувдилар, шекилли.

— Олдиларига яна боринг!

— Вой у кишига нима дейман, қизиқмисиз?

— Нима дердингиз, қошингизни мундоқ қилиб сузасиз-да, — дебди чипор товук.

Собир шу ерда қошини сузиб кўрсатди. Даврадагилар яна гуриллаб кулишди.

— Уф-ф. Бу дунёга қайтиб келмай мен ўлай. Бундан кўра менга ўша дўзах азоби яхшийди, — дебди отахон. Кейин ноилож хўрозни олдига боргач, унинг кўзига яна раҳматли кампири кўриниб кетибди.

— Хўроз ака, узр, нима қилсангиз қилинг, барибир гапнинг тўғриси айтман: сиз менинг раҳматли кампиримга жудаям ўхшаб кетаркансиз, дебди.

Дебдию, балога қолибди. "Мени масхара қилишни сенга кўрсатиб қўяман, ҳали!", деб, чунонам уни тепасидан чўқилаб босиб ташлабдики, товуқ бечора, бу дунёга қайтиб келганидан мингдан-минг пушаймон бўлибди. Сўнгра ўзига юмшоқ жой топиб шалпайиб ўтириб "бисмиллоҳ" деб кучанаверибди, кучанаверибди... Кўз олди хира тортибди. Тепасида бақрайиб хўроз ака ҳам тураверибди. Бир вақт "Ҳой чол, туринг! Нималар қиляпсиз, ҳой?! Тўшакни расво қилдингизку!" — деган кампири Хуринисонинг овозини эшитибди. Кўзини очса, хўрознинг ўрнида кампири турганмиш. Ҳаммаси туши экан. Кампириям ўлмаган экан!..

Ҳаммалари гуриллаб кулиб юборишди. Сўнгра хушқайфият ва иштаҳа билан девзира гуручдан тайёрланган фарғонача паловни паққос туширишди.

* * *

Бўлиб ўтган машъум воқеалар Ҳайдар ака ва Меҳри холани жуда чўктириб қўйди. Ҳайдар ака боғдаги дарахтларга суяниб узоқ-узоқ сукут сақлаб ўтирадиган, камгап ва жуда одамови бўлиб қолганди. Меҳри ая бўлса деярли ётиб қолди. Унга бу дунёнинг қизиғи қолмагандек эди. Аёл тинимсиз тангрига зорланарди. Гулжамолнинг бўлса кексаларга жуда раҳми келарди. У дам олиш куни келиб улардан яна хабар олди. Мақсади марҳума келиннинг уйларини супуриб-тозалаш ва баҳонада гўшангали уйни ўзича ўрганиш эди.

— Ассалому-алайкум, холажон, тузукмисиз? — деди қиз қўлидаги бир жуфт иссиқ нонни Меҳри аянинг олдига қўяркан.

— Вой кел, қизим, бўйларингдан айланай!
— Сизга иссиққина нон олиб чикувдим.
— Раҳмат, нондай азиз бўлгин, илоҳим! Ўқишларинг яхши-ми? -

— Ҳа, бу йил тамомлаяпман. Агар рухсат берсангиз марҳума келинингизнинг уйларини бир супуриб-тозалаб берсам, дегандим.

— Вой, овора бўлиб нима қиласан-а, болам?

— Оворагарчилиги йўқ, руҳлари шод бўлади.

— Ҳа майли, ўзинг биласан, қизим. Энди бу уйларимизнинг файзи кетди. Минг тозалаганинг билан фойдаси йўққа ўхшайди. Эҳ, наҳотки бу дунёдан биргина набирага зор бўлиб ўтсам-а, қариганимда сенга ўхшаган келиним бўлмаса, — деди Меҳри хола ва яна зорланиб йиғлай бошлади.

— Кўп қайғураверманг, хола. Мана кўрасиз, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Шундан сўнг Гулжамол қўлига супурги ва хокандоз олиб тушанган уй ичкарасига кирди. Геварак-агрофни кўриб ўзича "ўлим сабаблари"ни ўрганиб чиқа бошлади. Бурчаклар ис бўлиб кетибди, аввало уларни супуриб туширди. Палак тепасини су-пураётганида унинг бурчагидаги елими бўшаб, осилиб қолди. Уни қайтиб ёпиштириб кўришга уриниб кўрди, бўлмади. "Ҳе, ўла, палакат!" деб қўйди қиз ва унинг гулларини синчиклаб томоша қилди. Ўртасидаги гуллардан бири худди бировнинг қонсираган кўзига, тепароқдаги доғлар бўлса, жаҳлдор аёл кишининг чимирилган қошига ўхшаб кетарди. Унга узоқ термилиб қолди. Кўчадаги шамол эпкини дераза тирқишидан кириб палакни жонлантиргандай бўлди. Қиз бир сесканиб тушди. Кўрсаткич бармоғини тўғри "кўз"нинг қорачиғига тикиб олиш учун эндигина олиб бораётганди, бир каламуш оёғининг остидан чопиб ўтиб кетди. Қиз кўрқиб қичқириб юборди ва ўзини ташқарига отди.

Қичқириқ овозини эшитган Меҳри ая жон алпозиди ташқарига чиқди.

— Ҳа, гинчиликми, қизим?!

— Каламуш!, — деди қиз қалтираб. — Шундоқ оёғимнинг тагидан ўтиб кетди.

— Минг марга айтдима бу дадасига каламушларни йўқотинг, деб. Ҳа, хайрият, қўрқиб кетдим. — деди аёл ва кўксига қараб "тфу-тфу" деб олди.

Шу маҳал дарвозадан "ҳой ким бор?!" деб қўлига кўк целлофан халта қўтариб олган Маъруфжон кириб келди. Гулжамол ҳовлидаги юмушлар билан банд эди.

— Ассалому алайкум, холажон. Яхши ўтирибсизларми?

— Вой, келинг ўғлим, хуш келибсиз!

— Шу сизни бир йўқлаб кетайин девдим-да. — деди у ва Гулжамолга кўзи тушди. — Ие, бу анави Йўлдош нонвойнинг кизи-ку!

— Ҳа, келинг, ўтиринг. У ҳам сизга ўхшаб мени йўқлаб кирибди-да, омон бўлгур, уй қўтараяпти.

— Э-ҳа, шунақами? Уни келин қилиш ниятингиз йўқми, ишқилиб?

— Йўғ-а. Ахир у қиз бола-ку! Кейин Йўлдошали ҳеч қачон бунга рози бўлмайдиам.

Қизнинг юраги "шувв" этди. Шундай бўлсада, келиб Маъруфга илиқ салом берди.

— Чой қўйворайинми, хола?

— Ҳа-ҳа, умрингдан барака топ, қизим. Меҳмон кеп қолди. Ўғлимнинг ўртоғида, бу йигит.

— Хўп бўлади, — деди Гулжамол ва ошхона томон чопди. Чойгумни газга қўйиб, ўзи ташқаридагиларнинг гапларига кулоқ тутди. Чунки Маъруф ҳамонки Шомуроднинг яқин дўсти экан, бирор янги хабар олиб келганини кўнгли сезиб турарди.

— Сизга бир хушхабар олиб келувдим, хола, — деди Маъруф севиниб.

— Вой, ростданми? Нима экан-а?

— Сизбоп келин топилувди!

Гулжамолнинг юраги энди така-пука бўлиб кетди. Қўлидаги чойнакни тушириб юборай деди.

— Вой, ким экан у?

— Бу ерлик эмас. Тошкентнинг Қибрай деган жойидан. Си-

ҳатгоҳга дам олгани келган экан. Ўзи мухбир, шоира. Шомурод билан яхшигина дўстлашиб қолишибди. У ҳақида республика газетасига мақола ёзаётганмиш.

— Вой, ишқилиб, кўрса кўргуликми? Яна нима дейди, ҳалиги, эридан ажраган эканми-а?

— Ҳа, эри Россияда ҳалок бўлган экан. Бор-йўғи йигирма кун яшашган экан, холос.

— Вой, бечора-ей, унинг ўзини кўрдингизми?

— Кеча биз жўралар билан Шомуродни кўргани борувдик. Қизни ҳам таклиф қилишди. Жуда одобли, ақлли экан. Исми Сарвиноз.

— Бай-бай-бай, эри ўлганмикан-а? — сўради хола яна бир бора ачиниб.

— Ҳа, ўхшагмагунча учратмас, дейдилар-ку!

— Ўртоғингиз ўзи нима деяпти?

— У айяптики. "Ойимга ёкармикан, ишқилиб?" деяпти.

— Вой, ушга ўшга қизни бир кўрсам бўлармикан-а?

— Ҳа, албатта — деган эди ҳамки. Гулжамол чой қўтариб келиб қоли.

— Яхши утирибсизларми? — деди Гулжамол гўё ҳеч гапдан хабари йўқдай.

— Вой, қизим, суюнчи бер! Қадаминг қутлуғ келди! Шомурод аканг ўзига муносиб қаллиқ топганмиш!

Гулжамол алланечук бўлиб кетди. Қўлидагини тез хонтахтага қўйди. Аммо ўзини қўлга олди:

— ... Шунақами? Қутлуғ бўлсин!— деди қиз негадир оёғи қалтирётганини ҳис қилдию, шошиб изига қайтди.

— Бўмаса мен борай. Шомуродга бу ҳақида хабар қиламан.

— Ўғлимни ўзи тузукми?

— Ҳа, анчагина ўзига келиб қолибди. Анави қиз билан жа чиқишиб қолишибди-да. Сарвиноз унга шеърлар ҳам айтиб бераяпти.

— Вой, шунақами, шеърлар де?!

— Шу кунларда Сарвинознинг ота-онаси уни йўқлаб келишмоқчи экан. Бу ерга ҳам бир бош суқишмоқчи. Ҳам фотиҳа, ҳам танишув дегандай, тушунасизку.

— Вой, қандай яхши. Келаверишсин, албатта. Танишамиз, маслаҳатлашамиз...

— Бўмаса, бир дуо қилинг, мен ишимга борай...

Меҳри ая узоқ дуо қилиб, ўғлининг дўстини кўчагача кузатиб чиқди. Аёлнинг ҳам кайфияти анчагина кўтарилди.

* * *

Баҳор нафаси уфуриб турган хушхаво кунларнинг бирида Шомурод Сарвинозни ва унинг ота-онасини уйга олиб келди.

— Манави бизнинг хонадон бўлади, — деди Шомурод узум сўрилари билан ўралган дарвозалари олдида тўхтаб.

— Эҳ-ҳе, қаерни қарасанг узум-а, — деди Сарвинознинг дадаси Собит ака ҳайратини яширолмай.

— Сиз бу ерга пишиқчиликда бир келинг. Узум бўлганидаям шунақа кўп бўладики, "Ҳасайни", "Кетмон соп", "Мерседес", "Ризамат ота" дейсизми? Яна янги хил навлариям яратилган. Ток ичига Голландия бодринглари, аччиқ қалампирлар ҳам экиляпти, — деди Шомурод мақтаниб.

— Э, қойил! Ҳақиқатдан ҳам олтиариқликлар жуда миришкор бўлиб кетишибди, гап йўқ!

— Қани, марҳамат қилинглар, — деди Шомурод дарвоза эшигини очиб ва "Ойижон, қаердасиз!" дея қичқирди.

— Вой болам, бўйларингдан айланай, яхши бўлиб қолдингми?— деди она пешвоз чиқаркан.

— Ҳа, отдайман. Қаранг, бизникига меҳмонлар келишди. Дадам қанилар?

— Ҳовлида сигирга қараётувди. Ҳой, дадасию!.. — қичқирди аёл ва ўғлининг қулоғига тез шипшиди:

— Ҳой, ўғлим, анави ўртоғинг айтган қизни олиб келдингми-а?

— Ҳа-ҳа, ана у... Сарвиноз! Ойингиз, дадангизни ичкарига бошланг, қани!

Гулжамол ҳам ўша куни шу ерда, одатдагидай Меҳри аянинг кирларини ювётганди. У негадир Шомурод бошлаб келадиган келинликка номзод қизни кўришга ошифта эди.

У Меҳри аянинг ишораси билан айвондаги сўрига янги кўрпа-

чалар солиб жой ҳозирлади. Хонтахта устига янги дастурхон ёзди. Сўнгра гўё ўз уйидай, ошхона томон чошиб кетди.

Меҳмонлар аввало ўтганлар шаънига тиловат қилишди.

— Худойим сизга сабр берсин, оилангиз бошига тушган мусибатларни эшитдик, Меҳри ая, — деди Сарвинознинг онаси Севарахон.

— Худо раҳматига олган бўлсин, — қўшиб қўйди Собит ака.

Ҳайдар ака ҳам даврага қўшилди. Гулжамол дастурхонга нон ва ширинликлар олиб чиқди.

— Хуш келибсизлар! Яхшимисиз, Шомурод ака? — сўради Гулжамол.

— Ие-ҳа, Гулжамол, ўзинг кел, яхшимисан?

— Гулжамол уйларимизни гозалаб, менга қарашаяпти-да.

— Бу киши қизингизми? — сўради Сарвиноз.

— Йўқ, қўшним. Аммо ўз қизимдай, — деди Меҳри ая.

— Раҳмат, Гулжамол. Бу опанг билан таниш, — деди Шомурод меҳмон қизга ишора қилиб.

— Иемим Сарвиноз. — дея қўлнинг узатди меҳмон қиз.

— Гулжамол. Яхши келдингизларми?

— Мен ҳам сизга қарашворақолай.

— Э, йўғе...

— Борақол, қизим, — деди Севарахон.

— Ҳа, айтмоқчи, Гулжамол, Сарвинозхонга ҳовли боғларимизиям бир кўрсат, хўпми, — деди Меҳри ая маънодор қилиб.

— Хўп бўлади. Юринг, опажон.

Икки қиз тез тил топишишди. Биргаликда овқатга уннашди, боғларни айланишди. Хуллас, Гулжамолга уларнинг нияти жиддий экани аён бўлди. Тарвузи қўлтиғидан тушди...

Тўйни ҳам чўзиб ўтиришмади. Баҳорнинг серёмғир, дилларни яйратувчи илиқ кунларининг бирида Шомуроднинг хонадонига Тошкентдан келин тушди. Маҳалла-кўйга яна ош тортилиб, никоҳ ўқилди. Ёшангали хона учинчи келиннинг жиҳозлари билан безанди. Бошқа расм-русумлар қилиб ўтирилмади. Тўрдаги сержило палак қўлаки бўлгани учунми, Сарвинозга ёқиб қолди. "Буни олиб ташлайлик" дейилганида

"Йўқ, тураверсин, қўлда тикилган экан, антиквар" деб қўйди у.

Сарвиноз ўзи шунақа қадимий миллий қадриятларни қадрловчи, миллий санъат асарларини ҳам йиғиб юришни ёқтирадиган киз эди. У ота-онаси билан Марғилон, Андижон бозорларини айланиб, бир нечта қадимий мис офтобалар ва улкан вазалар сотиб олганди. Уларни сервант тепасига чиройли қилиб териб қўйди. Хонани ўз дидига мос ва ижодкорларга хос равишда безади. Шу ерда топган умр йўлдоши билан бир умр бахтли турмуш кечиришни режалаштирди. Орзулари жуда ҳам бисёр, бу ердан кўриниб турадиган Шоҳимардоннинг қорли тоғлари кадар баланд ва беғубор эди...

* * *

Биринчи кеча аввалгисидай яхши ўтди. Ҳеч ким, ҳеч қандай ғайриоддий, сирли куч уларни безовта қилмади. Меҳри ая ҳам, қўшни хонадондагилар ҳам Яратгандан уларни асрашни сўраб туни билан дуо қилиб чиқишди. Баъзан кўчага чиқиб чироғи ўчирилмаган, гўшангали уй томон хавотирли қараб-қараб қўйишарди. Ниҳоят орзиқиб қутилган тонг ҳам отди. Сарвиноз илк келинлик саломини Меҳри аяга, сўнгра Ҳайдар акага бағишлади.

— Кўп яшанг, қизим! Келинлик сизга бирам ярашибдики. Қутлуғ бўлсин, қизим! Илоҳим бахтингиз очилсин, қўшганингиз билан қўша қаринг, — деб дуо қилди Меҳри ая.

— Айтганингиз келсин, ойижон. — деди Сарвиноз ва аввало кўчаларга сув сепиб, супуриб-сидирди, сўнгра нонуштага уринди. Бу ердаги удум-одатларни у Гулжамолдан сўраб-суриштириб билиб олганди.

Ҳаммалари бирга айвондаги сўрида нонушта қилишди.

— Хой, Шомурод!

— Лаббай, ойижон.

— Икковинг ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам эшитиб олинглар, — деди жиддий Меҳри ая. — То чилларинг чиқмагунича энди уйдан бир қадам ҳам ташқарига чиқмайсанлар! Менга деса осмон узилиб ерга тушиб кетсин, чи-

қиб ҳам кўрларингчи, нима қиларканман, оёқларингни синдираман, тушундингми?!

— Хўп! — деб қўйди Шомурод кулиб ва кўзлари сузилиб турган Сарвиноз томон суқланиб нигоҳ ташлаб олди.

— Иннайкейин, келин билан доим бирга бўласан, уқдингми?

— Хўп бўлади, ойижон, — деди Шомурод жилмайиб.

— Мен ҳам энди сизларни қуриқлаб, пойлаб ётаман!

Холанинг бу ҳазили ёшларнинг чехрасига табассум ҳадя қилди, кайфиятларини кўтарди. Аслида қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган бўлиб қолган Меҳри ая оиласининг хавфсизлиги чораларини кўриб, икки ёшга йўриқнома бераётганди. Шомурод ишлаб чиқаришда бўладиган бунақа тадбирларни ёдига олиб кулиб юборди:

— Ойи, биз ҳали "Техника хавфсизлиги қоидалари" журна-лига ҳам имзо қўярмиз.

— Керак бўлса қўясан! Нега энди иккинчи келинни тоқ уриб ўлдирди?! Бу сени ўша эътиборсизлигинг, билимсизлигинг-дан, билдингми? Сен ўзингни кун ҳам ақл-иман, деб ҳисоб-лама.

— Палакатда бу, хотин. Сен ҳам лекин, жа олдинг-ку-а, — деди Ҳайдар ака гапга аралашиб.

— Дейманда, дадаси, дейман. Мана ўтган йили қўшни қиш-лоқдаги бир келин кўрпани сандиқ устига яхши тахламаган экан. Эмаклайдиган боласини босиб қолиб димланиб нобуд бўлибди-ку! Демак ўша тахламниям шошилмай, ўз қонун-қоидасига амал қилиб тахлаш керак экан-да.

— Тўғри, ойижон, эҳтиёт бўламиз, — деб қўйди Сарвиноз қайнонасининг гапларини жиддий қабул қилиб.

— Эҳтиёт бўлинглар, безътибор бўлманглар дейманда, болаларим. Кейин минг куйинганинг билан фойдаси бўлмас экан. Инсон бу дунёга не умидлар билан келади. Ўзидан зурриёт қолдириш учун яшайди.

— Ойи, энди бундан буён биз билан ётадиган бўлсангиз зурриёт масаласи қандай бўларкин-а? — ҳазил қилиб сўради Шомурод.

Шундай дея йигит қўлини қаймоққа узатган ҳам эдики, Сарвиноз уни бир уриб қўйди. Бармоқлар бир чимдим нони билан қаймоқ ичига ботиб кетди. Кулгу кўтарилди. Сўнгра Шомурод қўлидаги қаймоқни келинчакка илиниб унинг оғзига тутди. Сарвиноз озгинасини ялаб емоқчи бўлганди, жажжи бурни ҳам бежалди. Энди Шомурод унинг устидан кулиб ўз оғзига олиб борди. Сарвиноз эрининг қўлига бир тушириб, ўзи қочиб кетди. Юз-қўзи қаймоққа беланган Шомурод бўлса келинни кува кетди. Келин чаққонлик билан косада челақдаги яхдай сувни олиб унинг устидан сепиб юборди. Шомурод бўлса сигир челагини олиб унинг ортидан қувди. Ҳайдар ака ёшларнинг бу ўйинини кузатиб завқланиб кулар, Меҳри ая келин йиқилиб тушиб яна бир нима бўлиб қолишидан қўрқиб "Ҳой, бўлди, бас қил! Ҳой келин, югурманг, эҳтиёт бўлинг-а, қоқилиб кетманг!" дея жони ҳалак эди. Ниҳоят, Сарвиноз Меҳри аяга эркаланиб ёпишиб олди. Шомурод челақда сув билан она қаршисида пайдо бўлди.

— Ойи, анави ўғлингизни қаранг!

— Илоҳим бахтли бўлинглар, энг ёмон кунларинг шундай бўлсин! Худойим сизларни ўз паноҳида асрасин, — дея дуога қўл очган ҳам эдики, "Меҳри ая-ю!" деган овоз эшитилиб, қўшни аёллар бирин-кетин кириб кела бошлашди.

Сарвиноз чопиб бориб келинлик рўмолини бошига ташлаб олди. Шомурод "Сеними ҳали, шошмай тур, кунингни кўрсатаман" дегандай "ёвқараш" қилиб челақни "тақ" этказиб қўйди-да, гўшангали хонага кириб кетди. Ювиниб-тараниб оларкан, ойиси огоҳлантирган йўриқномага мувофиқ уйнинг ҳар бир бурчагидаги инсон ҳаёти учун хавф туғдирадиган жойларни аниқлаб, тегишли чоралар кўриб чиқишга жазм қилди. "Ҳақиқатдан ҳам онам ҳақлар. У киши оиламиз бахти, хавфсизлиги учун жон куйдираптилар-да... Мен ахир олий маълумотли, бир корхонанинг раҳбари бўла туриб, наҳотки уйимдаги оддийгина хавфсизлик чораларига беэътиборлик қилдим. Демак, Саломатнинг ўлимига ҳам бир жиҳатдан мен сабабчиман. Ўша батареяни ўз вақтида созлатиб қўйишим керак эди. Тўғри, энди уни чиқариб ташладик, лекин бу хавф йўқолди,

дегани эмаску! Банкдан ёш оилалар учун бериладиган кредит ҳисобидан ёзда совитадиган, қишда иситадиган кондиционер, замонавий хавфсиз газпечка, сув иситкичлар, икки камерали совитгич оламан. Янги техникаларда инсон омили биринчи ўринга қўйилган" деган ўйлар кечарди.

Шундан сўнг Шомурод хона ичлари, жиҳозлар, илиғлиқ, осиглиқ буюмлар, ҳаттоки айвондаги нарвон ва унинг пилла-пояларигача ўзига қаричма-қарич "техник кўрик"дан ўтказиб чиқди. Жуда кўп камчиликларни топди, хаёлан баёнот ёзиб ўз-ўзига "ҳайфсан" ҳам эълон қилган бўлди.

Аммо барибир бир нарса унинг эътиборидан четда қолди. У сервант тепасидаги Сарвинознинг антиквар мис офтобаларию, йиққан-терган катта-кичик ёдгорликлари эди. Улар ҳам инсон ҳаёти учун хавф туғдириши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмади. Орадан икки ҳафта ўтгачина бу маълум бўлди. Лекин энди кеч бўлганди...

* * *

Ўша кунни Шомурод "хавфсизлик чоралари" билан банд бўлиб, ҳовли-боғда шамолда синиб тушиш хавфи бўлган даврахт шохларини кесиб-бутаётганди.

— Шомурод ака, менга манави хурмо шохига арғимчоқ ясаб беринг, илтимос, — деди унга чой олиб келган севгилиси нозланиб.

— Хўп бўлади. Оғирлигингиз қанча бор?

— 62 килою 300 грамм.

— Бўйингизчи?

— 165 сантиметр.

— Яхши. Мен арқонларни топиб 70 килоли юк юклаб, аввал уни синаб кўраман, хўпми, жоним?

— Вой, нега энди 70 кило бўларкан?

— Келгусида семиришингизни ҳам ҳисобга олаяпманда, — деди Шомурод қорнини дўппайтириб кўрсатиб, — Буни газета тилида "Оиланинг истиқболли режаси" деб аталади.

— Унда фигурам бузилиб кетишини хоҳларкансизда-а? — деди Сарвиноз лабини буриб.

— Йўқ. Дарахт бутоғининг қийшайиши билан арқоннинг ейилиш коэффициентиниям ҳисобга олаяпман-да.

— Вой-бў! Бўпти. мен бориб уйларнинг полини ҳўл латта билан артиб чиқмоқчийдим. Буни санитария меъёрларига мосланиш, деб ағалади. Арғимчоғингиз тайёр бўлганида чақирарсиз. ҳўпми, асалим?

— Нима, унгача борсам бўлмайлими?— сўради куёвтура айёрона қараш қилиб.

— Йўқ. Ҳозир менинг дам олиш коэффициентим баланд,— деди-да Сарвиноз гўшаиғали уйлари томон нозюриш қилиб кетди.

Шундай доно, ҳамфикр хотини борлигидан Шомурод беҳад қувонди. Ниҳоят қутилмаган қайғу-аламлар барҳам топиб, ўрнига бахту иқболли, бир меъёрдаги турмуши бошлангани учун кўнглида Яратганга шукроналар айтди.

Сарвиноз ҳам ўз кўнглига мос қаллиқ топганидан ниҳоят-да бахтиёр эди. У мумтоз қўшиқлардан бирини хиргойи қилиб уй тозаловининг ўзининг сеvimли антиквар идишларини артишдан бошлади. Ишқорли сув қуйиб, унга докани ботириб олдила. эрининг "техник назорати"дан ўтиш чоғида соzланган табуретка устига чиқиб буюмларни бир-бир, ҳафсала билан артиб чиқа бошлади. Айниқса қопқоғининг тепаси найзасимон учли, бежирим, миллий ҳошияларга бой қадимий офтобани жуда ҳам ёқтирарди. Уни биринчи бўлиб артди-да, сервантнинг энг кўринарли жойига қўйиб қўйди. Қолганларини ҳам бирма-бир қўлидан ўтказди. Сўнгра идиш-товоқлар, шкаф полкалари, мебель сиртларини эринмай тозалаб чиқди. Навбат полни артишга келди. Швабрадан фойдалангиси келмади. Чунки ҳаммаёқ гилам билан тўшалган бўлиб, фақат пол четларинигина қўл билан артиб қўйиш қулай эди. Сервант таги очиқ бўлгани учун у ердаги озгина чангни ҳам пайқаш қийин эмасди.

Палакнинг тепадаги бурчаги яна елимидан чиқиб, осилиб қолди. Сарвиноз буни пайқамади. Сервант тагини эгилиб артишга киришди. Бу пайтда сервант ичидаги-устидаги идишлар, ҳаттоки қандил ҳам қимирлаётган, чироқ ғира-шира ли-

пиллаётганди. Сервант тепасидаги антиквар буюмларнинг шитирлаб қимирлашини келинчак эҳтимол пол артаётганида гавдасининг сервантга гегиб кетаётганидан деб ўйлаши мумкин эди.

Аммо иқболидан хурсанд, қўшиқ хиргойисидан ўзи сел бўлаётган беғубор келин учун бу товушлар ҳозир аҳамиятсиз эди. Оқибатда Сарвинознинг қомати мебелга қаттиқроқ урилганиданми ёки бошқа бир файриоддий куч таъсир қилдими, қопқоғи найзасимон мис офтоба қулаб тушди. Полга қуласа майли эди. Тўғри бориб Сарвинознинг орқа миясига урилди. Урилса ҳам майли эди. Офтобанинг бежирим қопқоғининг ўткир найзасимон учи унинг орқа бошига санчилиб қолди. Бечора қиз "вой!" дейишга ҳам улгура олмади. Унинг орқа миясидаги асаб голалари узилиб, қон тизилаб оқа бошлади. Сарвиноз бир оз питирлаб турдида, ўзидан кетди...

Шомурол арғимчоқ тайёр бўлганидан кейингина ундан хабар олди.

* * *

...Ҳайдар аканинг хонадонидан кўтарилган фарёд ҳайқиригидан ҳаттоки крандан оқаётган сув, гулга қўнаётган капалаклар, кўчадан чопиб ўтиб бораётган от, одамларни туман марказига олиб кетаётган "Дамас" такси, Меҳри ая телевизор экранида томоша қилаётган хоразмча рақс бир сония тўхтаб, қотиб қолишди...

Ҳайдар ака кетмонини итқитиб, уйга қараб чопди. Меҳри ая ўзидан кетди. Қўни-қўшни, ҳатто таксидаги йўловчилар ҳам чопиб кириб келишди. "Тез ёрдам" етиб келди. Бир зумда ҳовли хувиллаб қолди. Фақатгина хурмо шохидagi арғимчоққина сокин ва эгасиз тебранарди... Сарвинозга унда учиш насиб қилмади...

* * *

Одам зотининг кетма-кет бундай аёвсиз зарбаларга дучор бўлиши ва унга қандай дош бериши мумкинлиги ҳақида қоида ёки йўриқнома ҳали ишлаб чиқилмаган бўлса керак, албатта.



Шу боис Шомуроднинг ўз жонига қасд қилиши кутилаётган ҳол эди.

У ўзини ўша арғимчоқ арқонига осди. Ҳеч иккиланмади, ҳеч ким билан ҳам видолашмади. Жўнгина бордида, худди ҳар куни қилиб юрган ишидай ўзини осиб қўя қолди. Аммо кекса хурмонинг шохи панд берди. Йигитнинг огирлигини кўтара олмади. Шомурод шох билан бирга ерга гурсиллаб йиқилди. Бўйнидаги арқон билан дили вайрон бўлган йигит буталар орасида юз-қўллари тирналиб, бегиним фарёд чекиб қолаверди...

...У қалбининг ардоғида, чин маънода севиб қолган Сарвинознинг таъзиясида қатнаша олмади. Уни руҳий касаллар шифохонасига олиб кетишди. Милиция ва туман прокуратурасидан ҳам суриштирув ишлари бошланди.

Воқеа жойи ва ўлим сабабларини ўрганилди. Аммо уларнинг назаридаги қотиллик содир этганликда гумон қилинаётган "маняк" — Шомуроднинг бармоқ излари қадимий офгобада топилмади.

Сўров ва суриштирувлар асосан Ҳайдар ака билан ўтказилди. "Ўғлингизда шунақа — аёлларни ўлдириш касали бўлиши мумкин. Буни ҳали аниқлаймиз. Агар шундай бўлиб чиқса, у узоқ муддатга қамалади" деди терговчилардан бири. Лекин Ҳайдар акадан ҳеч қандай маъноли жавоб олишолмади. "Палакатда" деб қўя олди у. Аммо унинг кўнглида бир ғашлик пайдо бўлганди. "Наҳотки бу ишлар менинг эски гуноҳларим эвазига содир бўлаётган бўлса..." деган ўй унинг фикри-ўйини эгаллаб олганди.

Ниҳоят Сарвинознинг ҳаётига тажовуз қилиниб, қотиллик юз бермагани, Шомуроднинг бўлса айбсиз, руҳан соғлом экани аниқланди. Аммо бу машъум воқеа турли миш-мишлар, гап-сўзларга сабаб бўлди. Шомуродни энди эл-юрт очиқ-ойдин "Қора ёстиқ" деб атай бошлашди. Жумладан, Меҳри аяни — "қора ёстиқнинг онаси", Ҳайдар акани — "қора ёстиқнинг отаси", Раҳимжонни — "қора ёстиқнинг қўшниси", Олапарни — "қора ёстиқнинг ити" деган иборалар пайдо бўлдики, бу хунук агама "қора

ёстиқнинг дўстлари"ни ҳам бошини тоза қотирди. Собир қизик сихатгоҳда айтган латифаси учун виждон азобида пешонасини тириштириб юрди.

Аммо Шомуродга "Қора ёстиқ"дан кўра "Ичувчи", "ароқхўр" деб аташлари маъқулроқ кўриндими, ҳар ҳолда у энди ичкиликка ружу қўйиб, осонгина "шишанинг ичига" кириб ола қолди.

ГУЛЖАМОЛНИНГ ИСЁНИ

Сарвиноз фожеаси Гулжамолнинг ҳам қалбини тамоман вайрон қилди. Юрагида кўринмас ёвуз кучларга нисбатан қандайдир нафрат жўш урди. Лекин нима эди ўша ёвуз куч? Ким эди ўша қотил?! Шулар ҳақида ўйларкан. кўз олдига негадир ўша палакдаги "қонга тўлган кўз" келаверди. Қизнинг Шомуродга ачиниш туйғуси юксак даражага етди. Энди Шомуроднинг ўзини муқаррар ўлим чангалидан асраб қолиш, уни руҳий инқироз ботқоғидан тортиб олиш лозим. Лекин бунинг учун нима қилиши керак?

Ўша қора кунларнинг бирида Гулжамол кўчага сув сепгани чиқди. Қараса, кўча бошида гандираклаб қўшни йигит — "Қора ёстиқ" келарди. У ғирт маст эди. Бир жойда йиқилиб ҳам тушди, алжиради. Албатта, Гулжамол челақни қўйдида, ёрдамга шошилди:

— Ҳой, Шомурод ака, тулинг, уйингизга юринг! — деди қиз уни ўрнидан туришига кўмаклашаркан.

Шомурод тинимсиз жаврар, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди.

— Вей, м-менга теккан любой хотин ўлади, билдинг? М-мен, ш-шунақаман!...

— Хўп-хўп, сиз зўрсиз! Бўлинг тез, бунақа қилиб турманг, — деди қиз уни аранг судраб.

Шу пайт қўшни Ҳури аянинг деразаси очилиб, ундан боласи ўлган ўша Раҳимахон қаради ва "Ўла, бу кунингдан баттар бўл! Ўшанда бензинингни баҳона қилмаганингда болам тирик қолган бўларди? Намунча анави нонвойнинг қизи унга суй-

калмаса. Нима бало, тегиб олиб ўлгиси келаяпти шекилли". — деб қўйди у ўзича.

— Ҳай-ҳай, нималар деяпсиз, келин? — сўради ортида пайдо бўлган қайнонаси Ҳури ая.

— Анави Шомуродни айтаяпман. Бунинг касофати қўни-қўшнилариғаям урмасайди, ҳали.

— Унақа деманг-е, келин, у яхши йигит.

— Ўшанда чақирсангиз чиқмаган экан-ку! "Бензиним йўқ", деган экан.

— Чиққан. Янги куёв бўлган-да. Кейин эрингиз билан дадангизни шу йигит гопиб келганди. Чўлда бензини тамом бўлиб қолиб кетибди. Бормаганида эҳтимол хотини ўлмасмиди.

— Вой! — дея ажабланиб туриб қолди Раҳимахон.

— Сиз беҳуш эдингиз, қачондан ҳам билардингиз?

— Тилим курсин-а... Бўлмаса, шу вақтгача мен уни бекор қарғаб юрарканманда. — деди жувон афеусланиб ва деразадан яна бир бор қараркан, Шомуродни уйга олиб кириб кетилганини кўрган.

— Шунинг учун қарғишнинг биллиб-билмай қилаверилмайдими-да, қизим. Илоҳим қўшниларишимизни бошига тушгани ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Раҳимахон мулзам бўлиб қолди.

* * *

Гулжамол Шомуродни уйларига суяб олиб кирганида, қаровсиз, супурги кўрмаган, файзи кўтарилиб кетган ҳовлида ҳеч зоғ кўринмасди. Ҳаттоки, қушлар ҳам ҳовлидаги боғни тарк этган, қурт-қумурсқалар ўрмаламай қўйгандек туюларди. Фақат Ҳайдар акагина боғ ичкарисисидаги бир қуриган олмага суяниб паришон ўтирар, унинг қулоғи гўё том битганди. Шунинг учунми, маст ўғлини биров олиб келганини ҳам сезмади.

Гулжамол Шомуроднинг сўрига ётқизаркан, ароқхўр йигит ҳамон вайсарди:

— М-менга с-сен тегсанг, сен ҳам ўласан, билдингми?!

— Хўп-хўп, тегмайман, жим ётинг энди, — деди қиз ва йигитнинг лойга ботган туфлисини ечиб қўйди.

Ичкаридан Меҳри аянинг "келдингми, жон болам?" деган овози ингроқ эшитилди. Гулжамол чопиб аянинг ёнига кирди.

— Бу менман, хола, Гулжамолман. Шомурод акамни..., — деди у ва ўзини тутолмай йиғлаб юборди.

— Вой, нега йиғлайсан, болам? — деди хола ихраб.

— У киши ғирт маст, илгари ичмасдилар-ку!

— Қўй, йиғлама. Ундан кўра устимиздан кул қизим, кул. Бу кунимизни кўриб маймунлар ҳам қулишарди.

— Йўқ, унақа деманг, хола!

— Энди бу уйнинг хосияти қолмади. Нима қилишимизни билолмай қолдик, болам. Шомурод бошқа қишлоқдан уй қидириш ўрнига ичгани-ичган. Тоғанг ҳам меровларга ўхшаб, гапни уқмай қолган... — деди аёл ва томоғи қирилганиданми, овози чиқмай қолди.

Гулжамол чойнакдан совуқ чой қуйиб ичириб қўйди.

— Авлодимиз тамом бўлаяпти. Энди ўғлимга ҳеч ким тегмайди. У бутунлай бахтсизга айланди. Ҳаммаси тамом! Афсус-афсус, бу дунёдан не-не орзу-ҳавасларим бор эди-я...

— Унақа деманг, хола. Ҳеч нарса, тамом бўлгани йўқ. Ўғлингизга тегадиганлар бор, хола, — деб юборди қиз кутилмаганда.

Бироқ айтган бу гапидан ўзи ҳам бир сапчиб тушди.

— Нима? Қулоғим эшитмаяпти.

— Масалан мен, ҳалиги!.. — дея дилдаги изҳорини айтмоқчи бўлди қиз.

Меҳри ая уни тушунди. У бир сония қизга анграйиб қараб қолди ва хаёлига бирор ёмон нарса келдими, тўсатдан иккала қўлини кўтариб силтаб "йўқ-йўқ" ишорасини қила бошлади.

— Йўқ-йўқ. Бор кет! Жўна бу ердан! Бу палакат уйга бошқа қадам қўйма!

— Йўқ. Мен ҳеч қаёққа кетмайман, хола. Мени ҳайдаманг!..

Қизнинг кўзларидан дувиллаб ёш тўкилди. Аёлнинг баттар жаҳли чиқди ва яна уришиб берди:

— Бор уйингга, деярман! — деди у, лекин йўтал тутиб қолиб ўзини аранг тўхлатиб олди. — Биз учун асло ўзингни қурбон

қилишни ўйлама. Буни ҳаёлингдан чиқариб ташла. Сен ҳали ёшсан, ҳаётинг олдинда...

* * *

Шундай қилиб Гулжамол оғир изтироб ва қайғу масканига айланиб қолган қўшнининг уйидан "оғир юк" билан чиқиб келди. У бир оиланинг тақдири қўз олдида барбод бўлаётганини кўриб, виждонан ва руҳан эзилаётганди.

Онаси унинг ранг-рўйини кўриб қўрқиб кетди:

— Ҳа қизим, сенга нима бўлди? Бирор жойинг оғрияпти-ми?

— Ҳа, юрагим, — деди қиз.

— Вой-вой, ёш нарсая, бор, ичкарига кириб дамингни ол. мен ҳозир Ойша дўхтирни чақириб келаман.

— Йўқ ойи, мен соппа-соғман. Сарвиноз опамга..., — дея олди аранг ва пиқиллаб йиғлаб юборди.

Сарвиғул қизини тушунди. Гулжамол қўшнининг шаҳарлик келини билан яхши чиқиниб, унга анча меҳри тоблашиб қолганди. "Бечора қизим, у келиннинг ўлимидан ўзига келолма-япти" деб қўйди. Қизига ҳамдардлик билдириб, бағрига босди.

— Қўй қизим, хафа бўлаверма. Буни тақдир дейдилар. Ўлим ҳақ. Ҳаммамиз ҳам бир куни бу ҳаётни тарк этамиз. Лекин ким қачон, қай ҳолатда ўлишини ўзи билмайди.

Челакда кўмир олиб ўтаётган Йўлдош нонвой аёлларнинг нима ҳақида қайғураётганларини англаб олди:

— Сен кўпам ўзинга олиб, қайғуравермагинда, қизим. Буни ажал деб қўйибдилар, — деди у ҳам ачинишини яширмай.

— Меҳри ая оғир бетоб бўлиб қолибдилар, Ҳайдар тоға ҳам гаранг, Шомурод акам бўлса ичкиликка ружу қўйибди, — деди Гулжамол пиқиллаб йиғларкан.

— Ҳа, ёмон бўлди. Кулишния, куйишния билмайсан киши. Ҳаммаси тагин чилдаликда содир бўляпти-я, тавба... Айтяпманку, бу уйда инсу жинсми-ей, бир бало бор, деб. Бир газе-тада ўқигандим: бунақа уйларда мурданинг руҳи бўлармиш. Қабристон кўрмагани учун нотинч бўлиб тириклардан қасос

олаверармиш. То уни топиб қабристонга қўйилмагунча тинч-данмасмиш.

— Вой!.. Буни бирор чораси йўқми. дада?

— Буям бир портлаган атом станциясини нурланишига ўхшаб кетса керакда. Тагин билмасам, қизим.

— Бу уйдан бир ис чиқарвориш керак. Кейин мушкулкушод ўқиб, чалпак пишириб маҳаллага тарқатиб юборилса бўлар-миди, — деди Сарвиғул қизини орқасини силаб.

— Кошки чалпак билан бу масала ҳал бўлсайди, мен бир арава пишириб берардим. — деб қўйди Йўлдош нонвой аф-сусланиб.

— Ҳозир Меҳри аянинг чалпак пиширадиган ҳолиям йўқ. Унга бир яхши келин керак, холос — деди Сарвиғул.

— Энди уни ўғлига ким ҳам тегарди? — деди эри кесатиб.

— Тегадиганлар бор, — деди Гулжамол маънодор қилиб ва бошини қуйи эгди.

— Нима?

Қиз "Масалан, мен тегардим", дегандай пиқиллаб йиғлаб юборди. Гулжамолнинг ота-онаси довдираб қолишди. Қиз ич-карига чопиб кириб кетаркан, зина ёнидаги тувакдаги гулга тегиб кетди. Тувак ерга қулаб чил-чил синди.

— Эсини еганми бу қизинг?! — сўради эри.

— Вой ўлмасам!... Ҳай-ҳай, тфу-тфу... Ишқилиб кўнглимга келгани бўлмасайди, дадаси.

Йўлдошали жаҳл билан қўлидаги кўмир тўла пақирни "тақ" этиб ерга ташлади. Кўмирлар сочилиб кетди.

— Буни ўрнига ўқишини ўйласин! Келган биринчи совчи-гаёқ беввориш керак бунингни! Ҳе, сени ўша раҳмдиллигинг-дан ўргилдим! Одам қуриб кетгандай "Қора ёстиққа"... , ё тавба — ё тавба!.. — деди у ва нари кетди.

Онаси кирганида Гулжамол бошини ёстиққа босиб юм-юм йиғламоқда эди.

— Қўй қизим, куюнаверма!

— Ахир қарияларга энди ким қарайди? Улар ҳам бу дунёга орзу-умид билан келишган-ку!.. Энди улар маҳалламиздан бутунлай кўчиб кетишмоқчи, ойи!.. Наҳотки тушунмасанглр!...

— Вой-вой-вой. Ҳай ажалинг келгур, нима сен ростдан ҳам Шомуродга тегмоқчи бўлаяпсанми. Ҳали? Уша "қора ёстиқ", пиёнистага-я? Ҳе, эрсирамай ўлгур! Ҳаёлингдан чиқариб ташла уни! — деди жаҳл билан гугаб кетган Сарвиғул. — Ҳе, аҳмоқ қиз!

— Ахир уларда нима айб?!

Сарвиғул энди чидаб туролмади. Келиб қизининг бошини мушти билан эзиб-эзиб қўйди. Биқинини чимдиб ўйиб-ўйиб олғисиёям келдию, ўзини босди.

— Нима, сениям ўлгинг келяптими?

Гулжамол ўкириб-ўкириб йиғларди. Сарвиғул бир оз турлида, "Ҳе, севмай ўл!..." дея эшикни қарсиллатиб ётиб чиқиб кетди.

* * *

Шомуроднинг корхонасида ҳам ишлар изидан чиқиб кетди. Ишсиз қолган ишчилар у ер-бу ерда карта ёки нарда ўйнашар, аёллир бўлса норози, гийбат қилиб ўтиришарди.

— Ўйломдаса, нима қиларди бизни овора қилиб. Бошқа ишимизни топиб олармизлик. — деди Зубайда исмли оператор аёл.

У касабга уюшмасининг раисаси эди.

— Ҳокимиятга арз қилишимиз керак. Бирор чорасини кўришсин ёки корхонани бошқа одам бошқарсин, — деди Шаҳло исмли ишчи қиз уни маъқуллаб.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Жамоада нима айб?! Шомурод ака худога хуш келмайдиган бирор иш қилиб қўйган бўлса жазосини ўзи олсин-да. Бўпти, мен офисга кирайинчи, нима гап экан?

Зубайда офисга кириб, ҳисобчи Каримжонга рўбарў бўлди.

— Нима гап Каримжон, бошлиқ ишга чиқарканми?

— Билмасам. Ҳисоботларга ҳам имзо қўйиши керак эди. Ҳаммаёқ ўлда-жўлда, мижозлар ҳам норози. Менинг ўз ишларим қолиб кетяпти.

— Ойликниям дараги йўқ, — деди Ситора исмли коғиба афтини буриштириб.

— Қўнғироқ ҳам қилмаяптими? — Хавотирли сўради Зубайда.

— Йўқ. Учинчи хотинлари ўлганидан кейин ўзлариям анақароқ бўлиб қолибдилар, шекилли. Қўп ичаяптилар, — деди котиба.

— Ҳа, ҳозир унга жуда қийин. Лекин жамоада нима айб? Ҳой Каримжон, ё иш беринглар ё ҳаммани мажбурий таътилга чиқарворайлик.

— Корхонани ишлатиш керак. Бўлмаса банкдан олинган қарзларни узиб бўлмайди. Натижада, мулк банк ихтиёрига ўтиб кетиб қолади, чунки гаров кафолати берилмаган, маблағни банкимизнинг ўз ҳисобидан сарфлаган, — деди ҳисобчи куюниб.

— Демак, бу иш Обид Азизхўжаевич билан ҳал бўларканда?

— Ҳа. Бу фақат охирги чора. Ҳозирча ўзимиз корхонани ишлатиб, Шомуроднинг йўқлигини билантирмай, уни қўллаб турганимиз маъкул.

— Айтинг, унда нима қилайлик? — сўради Зубайда.

— Бўлмаса, сизни вақтинчалик директорлик вазифасига тайинласакмикан. Нима қилишни тушунтираман, эплай оласизми? — синовчан нигоҳ ташлаб сўради Каримжон.

— Бекор ўтиргандан кўра таваккал қилган яхши. Менга амал эмас, иш керак. Аввало ишни юргизайлик.

— Бўлмаса йиғилиш ўтказайликда, ишларни муҳокама қилайлик, — деди Каримжон.

— Бўпти. Шомурод унгача ўзига келиб қолар. Ситора, ходимларни тўпланг! — деди Зубайда буйруқона.

— Вой, рости биланми? — сўради Ситора ҳайрат билан севиниб.

— Ҳа-ҳа. Ҳаммасини қонуний қиламиз. Сиз мажлис байёномасини ёзасиз. Шомурод таъсисчи, шунинг учун у корхонада ишламаслиги ҳам мумкин, — деди Каримжон.

* * *

Маҳалла гузарида ҳам кексалар гурунгининг асосий мавзуси фақат Ҳайдар аканинг хонадонидаги муаммолар бўлиб қолди.

— Ҳайдаржонга қийин бўлдида. Бечоралар, хотиниям, ўзиям оғир бегоб бўлиб қолишибди, — деди оқсоқол Қосим ота оғир бир хўрсиниб оларкан.

— Ҳа, уларга қўни-қўшнилар қарашаяпти, деб эшитдим. Лекин улар токайгача савоб иш қилишарди... Бунинг устига Шомурод ичадиган қилиқ чиқарганмиш, — деди Икром ота гапга қўшилиб.

— Ие, у бола ичмайдиган, чекмайдиган тузук йигит эди-ку! Янги корхонасидан чиқараётган маҳсулотларни кўпчилик маъқул дейишаяпти, — деди Шарофиддин исмли ўрта ёшлардаги киши.

— Астаффируллоҳ, астаффируллоҳ... Шомуродни бир илож қилиб уйлантириб қўймаса бўлмайди, шекилли. Худо асраса ҳеч гапмас, турмушиям яхши бўлиб кетармиди, — деди Аҳмад бобо исмли отахон салмоқланиб, носини бир четга тупуриб оларкан.

— Юқори маҳаллада мулла Шокирнинг эрдан ажраган қизи бор. — деди Икром ота гапга аралашиб, — Гаплашиб кўрсак-микан-а?

— Йўқ. У қиз тўғри келмайди. Ахир у туғмас жувон-ку! Меҳрихонга зурриёт берадигани керак, — деди Қосим ота. "Менда бошқа таклиф бор" деган маънода — Агар маъқул кўрсанглар, қўшниси Йўлдош нонвойнинг Гулжамол деган қизи Шомуродга жа муносиб-да...

— Тўғри, лекин Йўлдош қизини бермайди-да. Э қўйинг-ге, бўладиган ишни қилайлик.

— Нега бўлмас экан, бериши мумкин. Сен қаёқдан билардинг?

— Ахир у қиз бола-ку! Мана ўқишини ҳам битирди. Уйланмаган йигитлар қаторлашиб турганида, э йўғе! Масалан, мана сиз, ўз набирангизни унга, яъни "қора ёстиққа" берармидингиз?...

Шарофиддин томоғини бир қириб олиб, тараддудланиб қолди.

— Мен айтмоқчиманки, — деди у салмоқланиб, — Йўлдош-шали ён қўшни. Кейин жияним Зухранинг айтишича, Ҳайдар

аканикига у қиз доим кириб супуриб-тозалаб, кир-пирларини ювиб бериб турармиш. деб эшитдим. Ҳар ҳолда бегона эмас-да...

— Хўп. Фикрингиз маъқул, — деди Қосим ота бир тўхтамга келгандай бўлиб, — Бўлмаса, нима дейсизлар. Йўлдошалининг олдидан бир ўтиб қўрамизми-а?. Қизи рози бўлармикин, ишқилиб?

— Қўнмаса, қўндирайликда. Шомуродга бошқа кимни ҳам сўрагардик. Бўлмаса бошқа қишлоқдан суриштиришимиз керак бўлади. Лекин улар ҳам анойимас. Ахир келиб Шомуродни "қора ёстиқ"лигини билишгач, қайтиб кетаверишади, — деди Икром ота бошини сарак-сарак қилиб.

— Унга фақат бир тоифа хотинлар тегиши мумкин, холос — деди Аҳмад бобо худди Америка очгандай қулиб.

— Қанақа тоифа экан?

— Шаҳарлик марусалар. Уларга барибирда, қорни тўйса, эр бўлса бўлди, — деди мўйсафид хи-хилаб қулиб.

— Э қўйинг-ге. маҳаллага унакаларни яқинлаштирмайлик, болаларимизни тарбиясини бузади-я!

— Ҳа энди бир айтдим-қўйдимда, — деди чол соқолини қашлаб, қулиб қўяркан.

— Тақдир-насиб қилгани учраб қолар, — дея қўшиб қўйди Икром ота.

— Тўғри-ку, бунга бир қанча вақт ўтади-да. Унгача Ҳайдаларли борми-йўқми?... Шомурод ҳам ҳай-ҳай худо асрасин, бир ўлимдан қолди, — деди Қосим ота.

— Шунинг учун дарахтларга баъзан осилиб-осилиб ҳам туриш керак. Турникка осилгандек, демоқчиман, — деди Шарофиддин ҳазил қилиб.

Унинг бу ҳазилига ҳеч ким аҳамият бермади. Шарофиддин бу гапидан ўзи хижолат бўлди шекилли ҳар ҳолда даврадигиларнинг эътиборини бошқа бир воқеага қаратиб мавзу йўналишини Шомуроддан четроққа ўзгартирмоқчи бўлди.

— Э, бу ҳеч гапмас, бундан ҳам багтар "Қора ёстиқ"лар ҳам бўларкан. Бир газетадан ўқидим, Америкада 40 ёшли бир аёл бормиш. У ҳозир олтинчи эрга текканмиш.

— Вой-бу! — деб юборди Қосим ота — "Қора ёстиқ"нинг аёли ҳам бўларканми-а?

— Ҳа. У жуда ҳам кетворган эканда, гўзал ҳам бадавлатмиш.

— Нима, унинг баданидан заҳар томарканми? — қизиқсиниб сўради Икром ота.

— Э, йўқ. У асосан сизнинг ёшингиздаги, кампири ўтган, бадавлат мўйсафидларга қонуний тегиб оларкан. Оппоқ келинлик либосини кийиб никоҳ тўйини ҳам ўтказишаркан.

— Тушунарли. Ё у қонуний ажрашади ёки ўлдириб қўяди, шунақами? — дея гапга аралашди Мирсолиҳ деган ўрта ёшлардаги киши.

— Йўқ, унақамас. Чол умрини охирида бу дунёдан беармон, хотинидан жуда хурсанд бўлиб кетармиш, — деди Шарофиддин кулиб.

Мўйсафидлар "канақа қилиб?" дегандай Шарофиддиннинг кўзларига анграйиб нигоҳ ташлашди. Шарофиддин уларнинг эътиборини жалб қила олганидан ўзи ҳам қизиқиб кетди. Мирсолиҳнинг халқ билан давом эттириши:

— Ўша аёл аввало қонуний никоҳдан ўтиб олган. Эрининг, яъни чолининг соч-соқолини сип-силлиқ қилиб қирдиртириб ташларкан. Кейин эгнига ёш йигитчаларнинг шортик иштонию, кроссовкаларини кийдириб қўяркан-да.

— Қўйсангчи, бўлмаган гап. Қайси аҳмоқ бунга кўнарди?

— Э ота, кетворган жонон сизга қараб кошини сузиб турсин-чи?..

Даврадагилар шу ҳолатдаги Икром отани тасаввур қилиб кулиб юборишди.

— Ҳой, гапни эшитинглар, — деди Мирсолиҳ танбеҳ оҳангда. — Айтавер, кейин нима бўпти? Бу чол қурғурларни сиқиб сувини ичарканми?

Яна кулиб юборишди.

— Ҳа, шунга ўхшаш. Бечора чоллар узоғи билан бир йил умр кўришаркан, холос. Аёл ҳар сафар овқатига махсус қўзғатувчи кувват дори қўшиб берарканда... Кейин яхши хизмат қилиб, ювиб-тараркан. Мўйсафидлар бир йилча худди тойчоқдай кишнаб юришарканда, ўзиям.

— Нима, кейин ўлиб қолишарканми? — жиддий сўради Қосим ота.

— Ҳа, зўриқиб қолишарканда, бечоралар. Аёл бўлса бу пайтда меросларини қонуний расмийлаштириб улгураркан. Кейин чоллари ўтиб кетгач, мулкларини "ким ошди"га қўйиб сотиб юборарканда, навбатдаги эрни истеб кетавераркан.

— Астафирulloҳ!.. — деб юборди Икром ота.

— Икром ота! Ўша аёлни учратиб қолсангиз сиз нима қилардингиз-а? — Ҳазил қилиб сўради Шарофиддин.

— Касофатнинг қўлидан овқат емасдим, — деди мўйсафил куруқ қилиб.

Гурр кулги кўтарилди. Аскиябозлик авжига чиқди. Ҳайдар ака ва Шомуродларнинг оилавий муаммоси бир лаҳзада унут бўлди.

* * *

Ҳайдар аканинг уйига уч-тўрт қариялар, қариндошлар ва қўшни аёллар ҳамда Ҳайдар аканинг укаси Мирсолиҳ кириб келишиб, Меҳри аядан ҳол-аҳвол сўрашди. Аёллар ташқаридаги сўрига жой қилишди. Раҳимжон Маъруфга қўнғироқ қилиб Шомуродни топиб келишини, маҳалла оқсоқоллари уни муҳим иш билан кутиб туришганини айтди. Жой тайёр бўлгач, ҳаммалари жойлашиб дуога қўл очишди ва ўтганлар руҳига тиловат қилишди. Аёллар чой дамлашди. Йўлдош нонвойниқидан сотиб олишган иссиқ нонларни дастурхон устига ёйиб, бир-иккитасини синдиришди. Иссиқ ноннинг хушбўй ҳиди димоғини очиб, маҳзун кайфиятга малҳамдек бўлди.

— Қани, нонга қарангларчи, — дея буюрди оқсоқол.

Ҳамма "Бисмиллоҳ" деб бир бурдадан иссиқ ва хуштаъм нон бўлакчаларини олиб, чайнай бошлашди.

— Йўлдошнинг қўли гул-да, илоҳим кўз тегмасин, — деб қўйди Икром ота.

— Эшитишимча Шомурод Йўлдош акадан бир нечта буюртма нонлар қилиб беришни илтимос қилган экан. Уларни Республика кўрик-танловига олиб бориб, кейин ғолиб бўлганимиш. Раҳматли Сарвинозхон мухбир бўлгани учун ғолиблар,

яъни Шомурод ҳақида ҳам газетага ёзган экан. Ёшлар шу баҳона, ўша ерда танишиб қолишганакан-да, — деди Шарофилдин тасдиқлаб.

— Эҳ-ҳе, ана гап қаерда? Биз бўлсак кимни жазолаймиз, деб бошимизни қотириб юрибмиз-а... Ҳаммасига Йўлдош нонвойнинг ўзи сабабчи бўлган экан-ку! — деди хитоб билан Қосим ота.

Даврадагилар кулиб юборишди.

— Унда бундай қиламиз? "Ҳамма ишни сен бузган экансан, энди ўзинг тўғрилайсан, яъни қизингни Шомуродга берасан", деймизми-а? Нима дейсиз. Меҳрихон?

Меҳри ая қутилмаганда берилган саволдан аввалига эсанкираб қолди, сўнгра:

— Э йўқ. Ёш нарса, яна уволига қолиб ўтирмайлик, — деб қўя қолди.

— Ие, тавба, Йўлдош нонвой ҳали кўнаётганиям йўқку! Ҳеч бўлмаса сиз қаринчиқ қилмай турсангизчи.

— Раҳмат сизларга! Энди бизни бўларимиз бўлди. Шунча йиллар сизлар билан бирга бир маҳалла бўлиб яшадик, бор-бўдимизни ўртада баҳам кўрдик, раҳмат. Илоҳим кам бўлманглар. Бугун келганларингиз яхши бўлди. Илтимос, Мирсолиҳжон, бизга бошқа қишлоқдан уй-жой суриштирсангиз. Энди бу ердан кўчиб кетмасак бўлмайди, шекилли, — деди Меҳри ая қайнисига қараб маъюс бошини сарак-сарак қилиб қўйди.

— Ие, тавба, биз ахир ҳозир сизларни кўчиришмас, Шомуроднинг уйдантириш масаласида келдик-ку! — деди куюниб оқсоқол.

— Йўқ. Биз ҳақимизда шунчалар қайғураётганларингиз учун сизларга раҳмат. Ҳой дадаси, сиз ҳам бирор нима десангизчи-а? Кун бўйи ўтирганингиз ўтирган, тавба, эркак киши ҳам шунчалар одамови бўладими? — деди аёл эридан нолиб.

— Ҳа энди кўпчилик нима деса..., — деди Ҳайдар ака мужмал қилиб ва ўзини тутолмай йиғлаб юборди. — Ўғлимни касофат урди. Ҳаммасига мен...

У яна бир нима демоқчи бўлди, лекин айтолмади.

— Э қўйинг-е, Ҳайдаржон, хафа бўлманг, — деди кўнглини кўтариб Қосим ота. — Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Хўш... Бўлмаса гапнинг индаллосига ўтиб қўяқолайлик. Ҳозир Шомуроднинг ўзи ҳам келиб қолади. Унгача бирор қарорга келиб олсак. Ҳайдаржон, сиз нима дейсиз-а, маҳалла-қўй бирлашиб Шомуроджонни уйлантириб қўйсакмикан-а? Шунга розимисиз?

— Мен сизлардан мингдан-минг розиман.... — деди Ҳайдар ака елкасидаги оқ рўмоли билан кўз ёшларини артиб оларкан.

— Сизчи Меҳрихон, ёнингизга бир келин олишга?.. — деди мўйсафид ва теварак-атрофдагиларга бир-бир маъноли қараб олди.

— Розиман, фақат Гулжамолгамас...

— Кимга бўлмасам?

— Бирор ёши каттароқ, болали бўлса ҳам майли эди. Яхши жувон бўлса бўлгани.

— Бўлди. Яхши. Биз буни ўйлаб кўрамиз. Кейин ёшларнинг ўзидан ҳам сўраб кўриш керак. Маслаҳатлашиб иш тутамизда. Мақсад Шомуродни уйлантириш. Кейин сизлар ҳеч қаёққа кўчиб кетмайсизлар. Бу гапни хаёлларингиздан ҳам чиқариб ташланглар. Ота-боболаринг шу ердан ўтишган, қариганингизда қаёққаям борасизлар? Чидайсизлар-да энди, — деди Қосим ота жиддий.

* * *

Ҳадемай Гулжамолнинг битирув имтиҳонлари ҳам бошланиб қолди. Дам олиш кунларининг бирида у қишлоғига бориб, аввало, қабристондаги уч марҳума келин қабрини зиёрат қилиб, сўнгра уйига ўтишни кўнгилга тугиб қўйганди. Йўлда автобусдан тушиб қолди. Қабристонда ҳам баҳор таровати уфурар, дафн этилган келинларнинг қабрлари устида ҳам яшил майсалар учиб чиққан, теварак-атроф лолақизғалдоғу бойче-чақ гуллари билан бурканган эди.

Гулжамол ўзи олиб келган уч дона қизил атиргулларни ҳар битга қабрга бир-бир қўйиб, руҳан улар билан гаплашди. Сар-

виноз билан гаплашаётганида ортида кимнингдир шарпасини сезди. Шомурод экан.

Шомуроднинг соч-соқоли ўсиб, ўзи озиб-тўзиб кетибди. У ҳар кун саҳарлаб шу ерни зиёрат қилиб, сўнгра қишлоқ дўконига қараб кетарди. Дўкондан ароқ олар, бино орқасига ўтарди-да тўйиб олиб, ётиб-думалар, сўнгра кимдир уни ўзига келтиргач, уйига тетапоя бўлиб кетарди.

Шомурод билан Гулжамол тиловат қилиб бўлишгач, четдаги ўриндиққа бориб ўтиришди.

— Яхшимисан, Гулжамол?

— Ўзингизни жуда олдириб қўйибсиз-ку, Шомурод ака. Бунчалик куяверманг. Ўлганлар барибир қайтиб келишмайди!

"Ўзингизни қўлга олинг, йигит кишисиз?" демоқчи ҳам бўлдию, ўзини гийди. Шомуродга нима деб таскин бериш ёки уни бирон қизиқарлироқ мавзу билан чалғитиш ҳақида ўйлади. "Ичманг" десам у барибир қўлоқ солмайди. Яхшиси инсу жинслар ҳақида гапирсам-чи?" Қиз унинг уйидаги палак ва ўзи кўрган кўз ҳақида гапиришни лозим топди.

— Шомурод ака, — деди Гулжамол узоқ сукутдан сўнг.

— Нима?

— Кўргулик эканда, хафа бўлманг.

— Ҳа, — деди йигит хўрсиниб. — Яратганнинг ишларини кўрмайсанми, синглим.

— Бу тангрининг ишимас, уйингизда бошқа бир кўзга кўринмас ёвуз кучлар борга ўхшайди.

— Инсу жинслар, де, — деди йигит бепарво.

— Йўқ. Нима десам экан, бу худди атом бомбасининг радиациясига ўхшаб кетаркан, дадам айтдилар, — деди қиз оҳиста.

— Кўз илғамасмиш, инсон сезмасмиш.

Шомурод ҳушёр тортди. Бу гап унинг учун янгилик эди.

— Сен буни қаердан биласан?

— Юрагим билан ҳис қилаяпман.

— Қанақасига?

— Яқинда уйингизни тозалагани кирганимда, ҳам-м..., — деди қиз атайин чўзиб.

— Хўш-хўш?

— Уйингизнинг тўрига палак осилган, тўғрими?

— Ҳа. Нимайди.

— Ўша палакнинг кўзи бор экан. Яхшилаб қарасангиз, кўрасиз.

— Нима, у нур тарқатарканми?

— Билмасам. Унда кўз илғамас нимадир борга ўхшайди. Лекин мен буни сизга тушунтириб беролмайман.

— Э, қўйсанг-чи, сен ҳам нима бало, иримчи аёлларга ўхшайсан-а. Билсанг, менга дуо теккан. Пеншонамга уйланмаслик битилган экан, ноилж.

— Ана, Шомурод ака. Ўзингиз ҳам иримга ишонаяпсиз-ку!

— Нима? Э йўғ-е!

— Бўлмаса манави бевақт кетган келинчаклар ҳаққи, уйланинг-да.

Шомурод шарт ўрнидан туриб кетди:

— Бас қил! Менга энди қайси аҳмоқ ҳам тегарди?!

— Тегадиганлар бор, — деди қиз унинг эътирозига парво қилмай. — Масалан мен сиз ўйлаганчалик аҳмоқ эмасман, билдингиз. Ўзимни ўша ёвуз кучлардан ҳимоя қилишним жуда яхши биламан.

— Нима?! — Ҳайратланиб сўради Шомурод.

— Эшитганингиз!

— Бу билан нима демоқчисан? "Сизга тегаман", демоқчимисан?

Қиз индамади. Бу сукут Гулжамолнинг "ҳа" демоқчи эканини англатарди. У бир қизғалдоқни юлиб олдида гул барглари-ни юлиб ўтираверди.

Шомуроднинг негадир жаҳли чиқди.

— Тентак. Тур кет! Бор, ўз тенгингни топ! Бошқа кўзимга кўринма! — дея ўшқириб берди у.

Қиз "Менинг қарорим жиддий", — дегандай нигоҳ ташлаб ўрнидан туриб кетди. Кўзлари тўқнашди.

— Билсанг, сендан ҳам айрилиб қолишни истамайман. Тушундингми? Борақол. энди, — деди Шомурод юмшаб.

— Нима дедингиз?

— Эшитганинг. Агар сенга бир гап бўлгудек бўлса мен бу

дунёга ўт қўяман, билдингми?! — деди Шомурод жиддий ва қизнинг юмшоқ жойига хивич билан ҳазил қилиб бир туширди.

Қиз аввалига қўрқиб қочиб қолди ва нарироқ боргач тўхтаб, "ростданми?" дегандай кулиб қаради. Йигитнинг охирги гапи унинг қалбини мовий осмон қадар кўтарганди. У ям-яшил сўқмоқлардан ўтиб бораркан "демак, Шомурод акам менга бефарқ эмас экан, фақат мени йўқотиб қўйишдан қўрқарканлар, холос. Қандай яхши!" деб қўйди хаёлан. Энди "тегаман", деб ишора бериб қўйдим, гапимда туришим керак. Иложи бўлса ойимга айтаман. "қарорим жиддий!" дейман...".

* * *

Гулжамол уйга анча тетик, қўниқ хиргойи қилган ҳолда хушқайфият билан кириб борди.

— Вой рўмол ўраб олибсанми, қизим, бирам ярашибдики. — деди онаси севилиб.

— Ҳа, қабристонга борувдим. — деди қиз қуруқ қилиб.

— Нима? У ерга нега бординг? — ҳайрон бўлиб сўради она.

— Марҳума келинларни бир зиёрат қилгим келди-да.

— Ҳа, яхши қилибсан. Кел, ўтирайлик, — деди она ва қизини сўрига таклиф қилди.

— Ойижон, билмайсизми, ҳар хил бало-қазолардан, ин-найкейин, анавунақа безовта руҳлардан одам қандай қутулиш мумкин-а?

— Қандай бўларди, одамни нон асрайди-да...

— Вой, ростдан ҳам нон асрайдими?

— Ҳа, болам. Масалан, қадимги одатларимизга қўра бешикдаги боланинг ёстиғи тагига кулча нон қўйиб келинган. Кейин уйда аёл ёлғиз қолса ҳам ёстигининг тагига нон қўйиб ётса қўрқмасмиш. Сафарга кетаётган йўловчи ёнида нон олиб юрса, нон унга ҳамроҳ бўларкан. Шунинг учун нон жуда муқаддас ҳисобланади, қизим. Қуёш нурида етилган буғдой уни, сув билан қоришади, сўнгра ун хамирга айланади. Хамир оловда тобланиб, тупроққа ёпилдими у илоҳий, муқаддас ҳисобланади. Бунда гўрт унсур: ҳаво, тупроқ, олов ва сув бир-бирла-

рига қоришиб кетади. Бу тириклик дегани-да, болам. Одам Ато ҳам ана шундай пайдо бўлган экан-да...

— Меҳри хола бу ҳақида билармикинлар? — сўради қиз ўйчан.

— Нега билмас экан? Аммо у ўғлининг уйини тўлатиб нон осиб чиқолмайди-ку!

— Ҳа. Демак нон асрайди, денг? — сўради қиз ўта қизиқувчанлик билан.

— Нон доимо одамзодни очликдан, ҳар хил бало-қазолардан асраб келган. Аскарликка ёки узоқ сафарга кетаётган йигитга ҳам нонни бежиз тишлатилмайди. Бу, ўша йигит сафардан соғ-омон келиб, тишлаган нонини ўзи ейиш насиб қилсин, дегани. Бу оналар орзуси, аёллар армони. Шунинг учун уни уйнинг тўрига илиб қўядилар.

Қизнинг хаёлига турли янги режалар кела бошлади. "Агар гўшангали уйни тўлатиб кулча нонлар осиб чиқилса-чи, демак улар келинни ҳам асрай олади. Ҳеч бўлмаса чилла чиқгунича шу ҳимоя усулидан фойдаланиш мумкин-ку! Эҳ, нега булар ҳақида илгарироқ билмадим" деб қўйди Гулжамол ва онасига қараб соддадиллик билан қичқириб юборди:

— Мен бир қарорга келдим. ойи!

— Қанақа қарор?

— Шомурод акамни мен қутқара оламан, ойижон! — деди қиз томдан тараша тушгандай.

— Нима? Қанақа қилиб?

— Қанақа қилиб бўларди? Ҳалиги...

— Нима, унга ўзинг тегмоқчимисан?

Қиз ерга қараб қизариб кетди.

— Биласизку ойи, биз Шомурод акам билан, ҳалиги... Хуллас, Шомурод акамни ёқтиришимни..., — деди қиз аранг.

Аёл қутилмаган бу гапдан юрагини ушлаб ўтириб қолди. Қизи чопиб бориб сув олиб келиб, юзига сепди. Сарвиғул аста "аҳмоқ, жинни!" деб қўйди. Шу маҳал бўйнидаги терларни оқ рўмолга артиб Йўллош ака тандирхонадан чиқиб келди:

— Ҳа тинчликми, хотин? Сенга нима бўлди? — деди у хавотир олиб.

Аёл ўзини тута олмай йиғлаб юборди:

- Анави қизингизга бир нима бўлибди!..
- Мундоқ тушунтириброқ гапир-е!
- Ана, ўзидан сўранг. Қабристонга борганмиш...
- Нима? У ерда нима қилдинг?!

Гулжамол герс қараб олди.

- Ҳой, мен сендан сўраяпман! — ўшқирди ота.
- Шомурод акам билан... У кишини бахтли бўлишга ҳаққи борку!.. — деди қиз аранг ва бошқа гапиролмади, йиғлаб юборди.

Бу сўзлар Йўлдош акани гангитиб қўйди. Бир сония анграйиб қолди.

— Нима сен ҳали "қора ёстиқ" билан учрашиб юрибсанми?.. Ҳа-ҳа, онаси, бу қизинг ҳақиқатдан ҳам тентак бўлиб қолганга ўхшайди. Қабристонда унга жин-пин теккан бўлса керак-да. Мен ҳозир бориб домлани чақириб келаман. Унга кўф-суфлаб, дам солиб қўяди.

— Мен сонна-соғман, ота. — деди қиз ерга қараб, пиқиллаб.

— Кечаги анави совчилар кимлар эди, хотин? — довдираб сўради Йўлдош нонвой.

— Матҳолиқ аканинг жиянидан, — деди секин Сарвиғул.

— Ҳа-ҳа, яхши. Ундай бўлса мен ҳозир Матҳолиқникига бо-рақолай бўлмаса... "Биз розимиз, қизимизни эртагаёқ ўраб-чирмаб олиб кетинглар", дейман!

Ота шундай дея қўча томон довдираб йўналди.

— Йўқ. Ундай қилманг, ота! — дея қичқириб юборди қиз. — Тўхтанг, тўхтамасангиз ўзимни ўзим ўлдираман! — деди у янада баланд овозда.

Йўлдош ака тўхтаб аста ортига қаради. Унинг қовоқлари беихтиёр пирпираб учмоқда эди.

— Бу нима деганинг, қизим? — сўради секин.

— Мен Шомурод акамдан бошқасига... — деди қиз ва ҳўнграб йиғлаб юборди. — Ўлсам ҳам майлига. Қиз боққанингизга рози бўлинг, ота!..

Йўлдош ака ҳайратда бир оз қотиб туриб қолди-да, меҳри жўшиб кетдими, аста қайтиб келиб қизини бағрига босди.

— Оббо тентагим-ей, — деди у сохта кулиб, — Қара-я, бир зумда кап-катта бўлиб қолибсан-а. Майли, хафа бўлма, қизим. Қароринг жиддий бўлса мен қарши эмасман.

Йўлдош ака қизи ва Шомурод болаликдан бирга улғайишгани учун улар ўртасида илгаридан илиқ муносабат борлигини яхши биларди. Бундан ташқари, келинларнинг ўлимида Шомуроднинг ҳеч қандай айби йўқ деб ҳисобларди. Қолаверса, қуни-кеча маҳалла оқсоқоли кўпчилик олдида ундан қизини Шомуродга беришни ҳам илтимос қилган. Фақат қизимнинг кўнглини билай, кейин жавобини айтаман, деганди. Мана бўлди, ҳаммаси равшан.

Сарвигул бўлса эрининг гапидан ажабланди:

— Вой-вой, "қаршимасман" дейсизми? Шомуродга, ўша "қора ёстиқ"қа-я?!

— Ҳа, албатта. Аввал совчилар келишсин. Мундоқ бафуржа гаплашайлик. Таомилга кўра нон синдирайлик, эл-юртга ош берайлик, гумбура-қарс тўй қилайлик. Кейин мен кўчага чиқиб манагина қилиб, кимсан "қора ёстиқ"нинг қайнотаси бўлиб гердайиб юрайин, — деди Йўлдош нонвой ва атайин қизини синаб кўрмоқ учун у ёққа-бу ёққа беўхшов ғоз юриш қилиб юра бошлади.

Гулжамол отасининг бу ҳаракатига нима дейишни билмай лол қолди. Сарвигул бўлса бошини ушлаб нола қила кетди:

— Вой ўлмасам, вой ўлмасам! Қандай кунларга қолдиг-а?! Ҳа, ергина юткур-а, Шомурод-а! Қизимнинг бошини айлан-тириб олибди-я!

— Юр, хотин, — деди Йўлдош секин, — Ичкарига кирайлик. Бу гапни биров эшитса яхши бўлмайди.

Қиз йиғлаб қолаверди. Аммо энди чиндан ҳам Шомурод ака-сига тегишга қатъий қарор қилганди.

* * *

Гулжамол эртаси одатдагидек яна икки дона иссиқ нонни олиб Меҳри аяниқига кириб борди. У анчагина мардонавор ва жиддий кўринарди. Раҳимжон ва Зухраҳонлар ҳам шу ерда экан. Шомурод сўрининг бир четида тумтайиб ўтирарди. Ҳайдар ака

бўлса, одатдагидек сўри ортида, унинг оёғига ўйчан ҳолда суяниб олганди.

— Ассалому алайкум! — деди Гулжамол тўсатдан.

— Ва-але..? — деди ҳайрон бўлиб Шомурод, бошини хиёл кўтариб.

— Холажон, юмушларингиз бўлса қилиб берайин, деб чиқувдим, — деди нонни дастурхонга қўйиб Меҳри ая ва Зухра билан бирма-бир кўришаркан.

— Ҳеч қанақа юмушимиз йўқ, кетавер! — деди Шомурод пичинг қилиб.

— Йўқ! Ҳеч қаёққа кетмайман, — деди қиз жиддий.

— Вой ўлмасам. Ҳой Гулжамол, кўриб турибсиз-ку ҳозир акангизнинг кайфияти йўқ, — деди Зухра ҳайрон бўлиб

— Билиб қўйинглар, мен ўзимни асрашни яхши биламан... — деди қиз каловланиб ва челақни олдида, ҳовлига сув сепа бошлади

Меҳри ая ҳам, бошиқалар ҳам бу ҳолатдан ажабланиб дол қотишди. Гулжамол энди супургини олиб ўша атрафни теги-тез супура кетди.

— Аҳмоқ, — деб қўйди Шомурод.

— Ўзингиз аҳмоқ! — дея тўсатдан қичқирди Гулжамол ва супургини ерга итқитиб йиғлаб юборди. — Чунки сиз доим шунақа менга беэътибор бўлиб келгансиз!...

— Ё тавба!... — деб юборди Зухра, ҳангу манг бўлиб — Намунча беҳаё бўмасая, бу қиз-а! Шунақаям беор бўладими? Ахир қиз бола деганда уят деган нарсга бўлади, кейин сал ўзиниям тийиб юради.

— Ҳой онаси, бас қилинг, — деди Раҳимжон ва тинимсиз йиғлаётган қизнинг елкасига оҳиста қўлини қўйди:

— Қўйинг, хафа бўлманг, қизим. Ниятингиз жиддийми ўзи? Кейин ҳалиги, нима дейди, ўзингиз тузукмисиз ишқилиб?

Гулжамол йиғи аралаш "ҳа" дегандек бошини бир ирғаб қўйди.

— Қизим, бор энди уйингга. Биламиз, бизга раҳминг келаяпти. Раҳмат сенга. Лекин биз бу ердан кўчиб кетишга қарор қилдик. Биздан рози бўл, — деди Меҳри ая беҳол.

— Йўқ, кетманглар, хола. Менинг қарорим қатъий! Ота-онамга ҳам маълум қилдим, — деди қиз пиқиллаб.

Зухра унинг ёнига борди.

— Нима дедингиз, ўргилай? — пичинг қилиб шивирлаб сўради.

— "Шомурод акамни яхши кўраман!" дедим, — деди қиз ҳам шивирлаб ёш болалардай бурнини тортиб оларкан.

Даврадагилар бу гапни эшитишди ва хушёр тортишди. Шомуроднинг "яққ" этиб кўзи очилди. Бу ҳеч ҳам қутилмаган ҳол эди. Шу маҳал Гулжамолнинг онаси Сарвигул ранглари бўзарган ҳолда кириб келди-да, қизининг кўлидан аста ушлаб тортиди.

— Яхшимисизлар? — деб қўйди у секин. — Ҳозир бу қизимнинг ақли-хуши жойидамас, кечиринглар. Юрақол қизим, отанг мазаси қочиб ётиб қолдилар. Аҳволи ёмон, сени сўраяпгилар.

Гулжамол онаси билан индамай чиқиб кетаркан, ароқ хумори тугиб, тажанг ўтирган Шомурод томон бир ўткир нигоҳ ташлаб қўйди. Нигоҳлар тўқнашди... Улар кетингач, бу ердигилар бир оз вақт жим қолишди. Ниҳоят сукутни Раҳимжон бузди:

— Буёғи қизиқ бўлди-ку, тавба. — деди у қулиб ва Шомуродга қараб томоғини маъноли қириб қўйди.

— Йўлдошалини бир йўқлаб чиқсаммикин-а? У бетобмиш..., — деди ниҳоят Ҳайдар ака тилга кириб.

— Юринглар бўлмаса, ҳаммамиз кириб чиқа қолайлик.

Эрининг гапи далда бўлдики, Меҳри ая тараддулланиб қолди.

— Ҳаммамиз дейсизми? Нега, ойи? — сўради Шомурод ҳайрон.

— Нега бўларди, совчиликка-да, овсар!

— Нима?! Нималар деяпсиз, ойи?! Ахир ҳозиргина ўзингиз кўчиб кетамиз, деб турувдингиз-ку!

— Нима бўпти? Келин ҳам биз билан кетаверади. Кейин Яратган эгам Гулжамолнинг кўнглига бир нима солганга ўхшайди. Бу, эҳтимол бизнинг охириги имкониятимиздир. Бўладиган ишнинг бўлгани яхшида, болам.

— Лекин ойи, агар Гулжамолга бир гап бўлса, мен ҳам ўзимни соғ қўймайман!

— Майли, болам "Бир бошга-бир ўлим" деганлар. Нимаям қила олардик. Бундай маломатда яшагандан кўра таваккал қилган маъқул. Аммо кўнглим сезиб турибди, ўғлим. Энди ҳаммаси яхши бўлади. Бу қиз бир балони билади. Мана кўрасан, бало қиз у!...

Меҳри аянинг сўзлари салмоқли ва жиддий эди.

ГУЛЖАМОЛНИНГ КУЛЧАЛАРИ

Шундай қилиб Йўлдош нонвойни кўндиришди. Тўй асосан унинг хонадониди бўлди. Никоҳ ҳам уникида ўқилиб, Шомурод тўртинчи бор янги келин билан яна ўша гушангали уйига кириб боришди.

Аммо келин ҳар доимгидек эшикдан эмас, балки қадимий таомилга кўра "Қора ёстиқ" — омадсиз куёвга кўра қузурига — чимилликқа дераза орқали киради. Дастлаб келинчак деразага ўнг оёғини қўяди. Сўнг икки ёстиқ устига аввалдан қўйилган чинни товоқ юзига оёқ босиб, сакраб ўтиб кетади. Товоқ синиб кетса, бу — "пешона шўр"лигидан далолат. Синмаса, яшаб кетади...

Гулжамолнинг бахтига товоқ синмади.

Бу сафар "хавфсизлик чоралари" Меҳри ая томонидан ҳам мукамал ишлаб чиқилди. Биринчи навбатда уй тўридаги палакат палак девордан юлиб олиниб, "Ҳамма бало-қазо шунга урсин!" деб уни тандирга тиқиб ёқиб юборилди. Электр чироғидан бўлак барча электр тармоқлари токдан узиб қўйилди. Дазмолни ҳам ташқи айвонда қиладиган бўлишди. Сервантни ётоқхонага эмас катта уйга ўрнатишди. Унинг тепасига ҳеч нима қўйилмади, ҳатто ичидагилар ҳам картон қутига жойланди. Деворга келин сарпо ҳам илинмади. Гушангали хона яланғоч оппоқ девору ўртасида икки кишилиқ каравотдан иборат бўлди, холос. Бу ёғи кунлар иссиқ, газ печканинг ҳам ҳожати йўқ эди. Куёвбола бўлса ҳар эҳтимолга қарши тунда ўз оёғига

келиннинг оёғини ип билан боғлаб ётишни кўнглига тугиб қўйди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ чилланинг илк кунлари кўнгилдагидек ўтди. Ҳар тонг эрталаб Гулжамол одатдагидек келин "салом"га чиқарди. Куёвтура то ўрнидан турғунига қадар унга нонушта тайёрларди. Аммо кунлардан бир куни Гулжамол куёвнинг сафар чамадонини ҳам ҳозирлаб қўйди. Чамадонга икки сидра ички, ташқи кийимлар ва бир жуфъа нон ҳам солди. Бир дона патирни бўлса унга тишлатиб, олиб қўйиш учун тайёр қилиб қўйди. Ошхонадаги унни текшириб кўрди, чамаси кам, мўлжалига етмайдиганга ўхшадими...

Бу ишлардан беҳабар куёвтура нонушта қилиб ўтирганида унинг дўсти Маъруф кириб келди. Эски қадрдон улар қачондан бери бундай бирга нонушта қилишмаганди. Шомурод ичкиликни ташлаб яна ўзига кела бошлаганди.

— Бу ёғи қалай? — сўради Маъруф илмоқли қилиб кўзини қисиб қўяркан.

— Яхши, — деб қўйди Шомурод қуруқ қилиб.

— Хурсандмисан?

— Чидаса бўлади.

— Энди ҳушёр бўлгинда, ошна.

Келинпошша келиб Маъруфга "салом" қилди.

— Кўп яшанг! Ўзингизни эҳтиёт қилинг, Гулжамол.

— Илтимос Маъруф ака, ўртоғингизни ҳозироқ уйдан олиб кетсангиз.

Маъруф дабдурустдан айтилган бу гапни ҳазил деб ўйлади. Шомурод ҳам ҳушёр тортди.

— Ие, куёвболадан дарров безор бўлдингизми-а? Бечорани нима қилмоқчисиз, ўзи?

— Чилламинг чиқғунича бу киши уйда бўлмасликлари керак. Илтимос, Шомурод ака, мени тўғри тушунинг. Сафар анжонингизни тайёрлаб қўйдим.

— Ҳой, нима қилмоқчисан, ўзи? — Ҳайрон бўлиб сўради Шомурод.

— Кейин билиб оласиз. Ҳозирча сизларга айтолмайдиган амалларим бор.

Меҳри ая уларнинг суҳбатини бир четда кулиб кузатиб турарди.

Маъруф "воҳ!" дея тиззасига бир уриб кулиб юборди.

— Ҳазиллашмагин-е! Мен қаёққаям борардим?— деди куёв ўртоғининг олдида хижолат бўлиб.

— Хўп деяверчи, бир гап бўлар, — деди Маъруф бир нима-ни англагандай.

— Хўп, хотин ака... Яна нима қилай?

— Бир қоп ун олиб бериб кетасиз.

— Ун бор эди, шекилли.

— У кам, етмайди.

— Ертўлада бор. Ҳозир олиб чиқиб берамиз-да.

— Бирор прим-сирим тадбирлари бордир-да, хўп деявер, — деди Маъруф, "гапни кўпайтирма" деган маънода.

Ниҳоят суҳбатга Меҳри ая аралашди:

— Гулжамол нима деса гапини икки қилманглар. хўпми? Ҳозир у уйимизнинг пошшоси, айтганини қилинглар. У нима қилаётганини ўзи яхши билади, хўпми?

Икки дўст бир-бирларига маъноли қараб олишди.

— Ойижон, Шомурод акам сафарга кетаяптилар, қани, ўзингиз бир дуо қилинг.

Аёл ўтириб ўғлининг сафари бехатар бўлиши тўғрисида узундан-узоқ дуо ўқиб, фотиҳа қилди. Ҳали тузукроқ чой-пой ичишга улгурмаган икки ошна ҳайрон бўлишди. Бу кутилмаган ҳолат эди. Гулжамол сафар анжомини ва бир патир олиб чиқди.

— Шомурод ака, манави патирни тишлаб беринг. илтимос. Келганингиздан сўнг уни ейиш ўзингизга насиб қилсин. Чилламиз чиққанидан кейин келасиз, хўпми? Омон бўлсак кўришамиз. Лекин айтиб қўяй, менга бир гап бўлса ўзингизни айбламайсиз.

— Й-йўғе! Ҳалиги, нима дейди, сени соғиниб қолсам-чи? — деди Шомурод томоғини маъноли қириб оларкан.

— Чидайсан. "Сабрнинг таги олтин" деганлар, — деди Меҳри ая келинининг сўзини маъқуллаб.



— Сен ҳам ўзингни эҳтиёт қилгинда бўлмасам. — дея олди йигит чамадонини қўлга беихтиёр оларкан.

Шундай қилиб икки йигитни янги келинчак эшиккача кузатиб чиқди.

— Бўпти, ўлиб қолма тагин. Ерга кирсанг қулоғингдан, осмонга чиқсанг оёғингдан тортиб оламан-а, тентаквой, — деди Шомурод кулиб.

Гулжамол эшикни ичкаридан ёпиб қўйди. Икки йигит куппа-кундузи катта кўчада қолишди.

— Тавба, — деди Шомурод, — ўз уйингдан ҳайдашса-я!

— Гулжамол жуда ақли қиз. Унда қандайдир илоҳий куч борга ўхшайди, кўзига қарадингми? У жа жиддий бўлиб қолибди.

— Ие, мен энди қаерга бораман? Пул-мул олмабман-ку...

— Сумкани очиб қарайликчи, нималар солган экан? — деди Маъруф.

Сумкани очишиб кийимлар устида бир жуфт нон ва бир талай пулни кўришди.

— Булди, бугундан бошлаб ўз корхонамда кундузи ҳам, кечаси ҳам директорлик қиламан. Юр, қоровулни таътилга ҳайдаймиз. Кейин иккимиз ўша ерда маза қилиб яшаймиз, ҳам ишлаймиз, нима дединг?!

— Кетдик! — деб қўйди Маъруф болаларча.

Икки дўст гаражда қачондан бери минилмай, чанг босиб ётган Обид банкирдан қолган машинани олиб чиқишди-да, ҳайдаб кетишди. Йўлдош нонвой чиллала куёвининг дўсти билан қаёққадир кетаётганини кўриб ортидан ҳайрон қараб қолди. Аммо чурқ этмади.

* * *

Гулжамол аҳд қилди: бугун бир қоп уннинг ҳаммасини кулча нонга айлантиради. Нонвойнинг қизи учун бундай ишлар чўт эмасди. Шунинг учун аввало тайёргарлик кўра бошлади. Қайнона келинининг ҳар бир қадами ва ишларини зимдан жимгина кузатарди. "Билиб бўладими, ўғлим йўқлигида яна бирор кор-холга йўлиқиб қолмасинда..." деган хавотирда эди.

Бироқ қизнинг бир қоп уннинг ҳаммасини хамирга айлантиса раётганини кўриб эҳсонаси чиқаёзди.

— Вой ўлмасам, нима қиляпти-а, бу қиз тушмагур-а? Шунча ун увол бўлмайdimи?— деб қўйди ўзига ўзи, — Ё тавба-ё тавба...

Гулжамол аввал бир тоғорага сув солиб, унга туз ташлади ва кўзларини юмиб пичирлаб Яратганга илтижо қила бошлади:

— Эй Парвардигори олам! Сенга ялиниб-ёлвораман! Мени ёвуз кучлардан ўзинг асра. Ушбу хонадонда зурриётлар давом этишига изн бер! Менга фарзанд бер! Шу хонадонга бахт-саодат бер! Улар ахир бегуноҳ, покиза одамлар. Юртимизга омонлигу тўқинлик бер! Муқаддас нон сероб бўлсин! Ундан кейин марҳума дугоналаримнинг руҳлари шод бўлсин, борган жойлари ҳамиша ёруғ бўлсин! Оиламни пораканда бўлиб кетишига йўл қўйма. Уни ўз паноҳингда асра! Эй Яратган эгам, сендан ўтиниб сўрайман, — деди қиз ва унсиз йиғлай бошлади.

Унинг кўз ёшлари тоғорадаги сувга чакиллаб томаверди. Қиз шу зайл кўзларини юмиб узоқ йиғлади.

Гулжамол илтижо қилиб бўлгач, унни кўз ёшлари аралашган сувга солиб, хамир қора бошлади. У энг шимариб шундай чаққонлик ва ғайрат билан ишлай бошлади-ки, қайнонаси танг қолди. Ниҳоят кўп миқдордаги хамирни қориб бўлди. Тинкаси қуриб аранг қўлини ювди ва гўшангали уйга бориб икки кишилик юмшоқ ўриндиқларига ўзини таппа ташладида, қаттиқ уйкуга кетди.

Келинининг тинч ётганига ишончи комил бўлган Меҳри ая ҳам ўзича ёвуз кучларга қарши кураш ишларида келинига мададкор бўлишга қарор қилди.

У кўпчилишга тайёрлаб қўйилган хамирнинг бир қисмини аста кесиб олди-да, хўжайинига ўчоқдаги катта қозон тагига олов ёқишни буюрди. Қозонга бирмунча оқ ёғ қуйиб чол-кам-пир ўтканлар руҳига тиловат қилишди. Сўнгра Меҳри ая то келини уйғониб туриб келгунига қадар олиб қўйган хамирдан кичик-кичик зувалачалар ясаб чиқди. Уларни бир-бир қизиган ёғда жизиллатиб чалпак пишираверди.

Чалпаклар бир талай бўлди. Меҳри ая иссиқ чалпаклари со-

линган лаганни олдида, уни бутун маҳалла бўйлаб "Келинимнинг мушқули осон бўлсин" деб кўни-қўшниларга бирма-бир тарқатиб чиқди. Маҳалладошларини, қувалашиб юрган болаларни ҳам сийлади. Ҳамма хурсанд, оғзиларда хушхўр чалпак...

Ўтган-кетган йўловчилар: машинаю, велосипедлик ҳамқишлоқлар Ҳайдар аканинг дарвозаси олдида бир дақиқа тўхтаб, янги келин-куёвлар шаънига омонлик, яхши тилаклар тилаб юзларига фотиҳа тортиб ўта бошладилар. Бутун маҳалла-кўй, қишлоқ аҳли гўё хавотирда ва улар билан руҳан бирга яшамокда эдилар...

Бу пайтда дам олволган келин ўрнидан турди-да, кўпчиган хамирдан шахт билан кулча зувалалари ясай кетди.

Қайнонаси келди:

— Ҳорманг келин, чарчамадингизми?! Ёрдамлашиб юборайинми-а? — сўради у ҳеч нима бўлмагандай.

— Майли, агар қийин бўмаса, ёйишворсангиз, дегандим.

— Буларни қандай пиширмоқчисиз, жа кўпку-а?

— Эплайман, нонвойнинг қизиман-ку!

— Уларни нима қилмоқчисиз ўзи, келин?

— Буниси ҳозирча сир. Кейин билиб оласиз, ойижон.

— Маҳаллага тарқатасизми?

— Йўқ.

— Ўзингиз ейсизми?

— Ҳа. Фақат қотганидан сўнг, Шомурод акам билан, — деди Гулжамол ички ғурур билан. — Кейин Яратган эгам бизга фарзанд берса ажабмас.

Келинининг қақилдоқлигидан Меҳри ая "Вой, тавба!" — деб кўйди ва кўз олдига ўғлининг қаттиқ кулчани қарсиллатиб чайнаётганини келтириб, кулиб кўйди.

Ҳайдар ака тандирни қизитиб бериб турди. У бир оғиз ҳам гапирмади, "Нима қиляяпсизлар?" деб савол ҳам бермади.

Шундай қилиб бир дунё кулча нонлар ёпилди. Кулчалар шундай бежирим қизариб пишган эдики, гўё уларда бутун борлиқ ғўзаллиги акс этарди. Уларни пишириб олгунича келинчакнинг ҳам икки юзи кулчадай қизарди. Кулча ёпиш то ярим тунга қадар давом этди.



Нонлар совугач, Гулжамол уларни гўшангали уйга олиб кирди ва қаторлаштириб девор айланаси ва шифт бўйлаб илиб чиқа бошлади. Тўрига Шомурод тишлаб кетган патирни илди. Натижада, уй ичи гўё нон тўла улкан тандирга айланиб, ўртадаги каравот тўплаб қўйилган олов қўрига ўхшаб қолди.

Ишларни тугатиб бўлгач, Гулжамол ички оқ кўйлагини кийиб, сочларини ёстиқ бўйлаб ёйди-да, ўриндиқ узра қўлларини кенг ёзиб ётиб олди ва кўзларини юмиб яна илтижо қила бошлади:

— Эй фалокат келтирувчи оғулар! Энди бу уйдан кетинглар! Ҳой, кулчаларим, мени ва оиламни ўз паноҳларингга олинглар! Шомурод акам билан дийдор қўришиш менга яна насиб қилсин. У киши эсон-омон қайтиб келсинлар! Эй парвардигори олам! Бизнинг бахтли ҳаёт кечиришимизга имкон бер! Марҳаматингни биздан дариг тутма! — деди қиз ва бир оздан сўнг қаттиқ уйкуга кетди.

Келинини изма-из кузатиб юрган Меҳри ая унинг бу сазой-ҳаракатларидан дол қилиб, бошини сарак-сарак қилиб қўярди. У ноннинг хушбўй ҳиди анқиб турган келин уйига аста, оёқ учида юриб келдида, дастга кўрпача ёзиб ўзига жой ҳозирлаб, ётиб олди.

Қайнона тунни билан деярли мижа қоқмади. Тиқ этса ҳам, шиқ этса ҳам сергакланиб кўзларини катта-катта очар, баъзан ўз-ўзидан чўчиб уйғониб кетар ва келинининг парилардай ором олаётганини кўриб кўнгли хотиржам бўларди.

Бир пайт ярим тунда чироқ ўчиб қолди. Бу қишлоқда бўлиб турадиган оддий ҳол эди. Хола тез уйига бориб бир нечта шам топиб кирди ва уларни хона теварагига қўйиб ёқиб чиқди, сўнгра ётиб ухлаб қолди.

Бир пайт шам алангалари хиёл липиллагандай, кулчалар кимирлагандай туюлди. Электр қандил ҳам шарақлаб тебраниб қўйди. Аллақандай шарпалар сезилди, "хирр-хирр" деган овоз келди. Лип этиб чироқ ёнди ва аёл ёнига келиб ётган мушукка кўзи тушди. "Хаҳ ўла қолгур-а, сенмидинг?!" деди Меҳри ая мушукнинг бўйнидан кўтариб олдида, эшикни қаттиқ очиб, уни ташқарига улоқтирди. Мушук "вағғ!" дедию, ғойиб бўлди. Аммо,

бир хунук воқеа юз берганди. Бу пайт келини ва хотинидан хавогир олиб хабар олгани келган Ҳайдар ака оҳиста эшикка қулоқ тутаетганди. Меҳри ая эшикни тўсатдан очиб юборганида эшикнинг бир чети унинг пешонасига чунонам урилдики, гўё қўзидан ўт чақнаб кетди, мушукнинг вағиллаб юбориши бўлса, ўлганнинг устига тепган бўлди.

— Вой, бу ерда нима қиялпсиз, дадаси?! Ёмон тегмадим, ишқилиб.

— Яхши, яхши тегди..., — деб қўйди Ҳайдар ака бир қўли билан бошини, иккинчиси билан юрагини ушлаб.

Хотини унинг туришига ёрдамлашди ва етаклаб жойига олиб бориб ётқизиб қайтиб келди. Бироқ қайтиб кирганида не қўз билан кўрсинки, келини тинмай титраб, алаҳсирар, алланималар деб алжирамоқда эди.

— Вой ўлмасам, ҳой Гулжамол, сизга нима бўлди?! Ҳай-хай-хай, — дея унинг юзини шапиллатиб бағрига босди. Шу алпоз Яратганга илтижо қилди, — Эй парвардигор! Олсанг мана менинг жонимни олақол, келинимни тинч қўй, бисмиллоҳ-бисмиллоҳ... — деб қўйди у пичирлаб.

Бир оздан сўнг келиннинг титроғи тиниб, ўзига келди.

— Вой, ойижон, сиз бу ерда нима қиялпсиз?! — сўради у ҳайрон бўлиб.

— Яратгандан сизга омонлик сўраяпман, қизим.

— Мен бўлсам тушимда бир ёвуз руҳ билан гаплашдим. У жуда ҳам дарғазаб. "сени ҳам ўлдираман!" деб менга тажовуз қилаверди. Яхшики, кулчаларим менга қалқон бўлишди. Унинг мурданикига ўхшаган тирноғи ўсиқ қўллари бор экан, девордаги нонлар орасидан ҳар томондан чиқаверишди. Ўзи бўлса ўтолмади. У аёл киши экан, ойи. Аввалги келинларингизни ўлдирган ўша бўлса керак. Ким экан у, ойи? Нега у бунчалар дарғазаб?..

— Билмасам, қизим. Демак бу уйнинг қаеридадир қабр кўрмаган мурданинг безовта руҳи бор. Унинг шаънига бирор марта ҳам тиловат қилинмаган, чироқ ёқиб ёдга олинмаган бўлса керак-да. Шунинг учун унинг руҳи безовта, қизим. Сизнинг ақлингизга тасанно, кулча нонлар ёпиб ўз-ўзингизни ҳимоя

қила олдингиз. Аввалги келинларимнинг ҳаёлига бу иш асло келмаганди. Демак сизга парвардигорнинг ўзи мадад берди.

...Ташқарида Ҳайдар аканинг томоғини қирган товуши эшитилди.

* * *

Шундай қилиб келин куёви ўрнига қайнонаси билан биргаликда чилласини ўтказа бошлашди. Эртаси ҳам, индини ҳам ёвуз кучлар тажовузи сезилмади. Сезилса ҳам нон кулчаларидан иборат "мустаҳкам ҳимоя қалқони" гўё келинни асрамоқда эди. Ўша кунларнинг бирида келин бир гап айтди:

— Ойижон, сизни хурсанд қиладиган бир янгилигим бор!

— Айтақолинг қизим, бошимиз қайғудан чиқмай хушхабарлар ҳам ёдимиздан қўтарилди. Нима экан?

— Бугун гушимга аён бўлди. Худо хоҳласа, Шомурод акам келсалар ҳомилали бўламан, шекилли.

— Вой, ўзининг она қизим-ей. — деди Меҳри ая келинини маҳкам бағрига босиб уни алқайди.

Қўрқинч, гам-ғусса ҳисси бир зумда унут бўлди. Келинининг ҳомилали бўлишига бўлган ишончим ё яшашга бўлган иштиёқми Меҳри аянинг кайфиятини хаминқадар қўтариб юборди.

Икки аёл хурсандликдан ўрнларидан туриб, дуэт қўшиқ айтиб, рақсга тушиб кетишди:

Гулжамол: — *Уйимиз тўла кулча нон, воҳай бола.*

Бизни асрашар омон, воҳай бола.

Айтинг менга, ойижон, воҳай бола-ей,

Бу замон қандай замон, воҳай бола?

Меҳри ая: — *Бу замон яхши замон, жонон бола.*

Куёвлар ўзи ёмон, воҳай бола.

Хафа бўлманг келинжон. воҳай бола-ей,

Сиз буғдой, ўғлим сомон, воҳай бола!

Юракдан яралган янги қўшиқдан завқ олиб қайнона-келин мириқиб кулиб олишди. Кулгудан гўшангали уй ларзага кел-

ди, кулча нонлар қимирлаб-қимирлаб, электр қандил ҳам бевозга тебраниб қўйди.

— Юринг қизим, тонг ҳам отиб қолди. Дадангизни уйғотайликда, уни ҳам қувончимизга шерик қилайлик. Бечора туни билан мижжа қоқмади, эшигимизни пойлаб чиқди. Ўтган куни эшикни билмай очиб юборибман, қарасам пешонасини ушлаб шалпайиб ўтирибдилар. Бу ҳақида сизга айтмагандим.

Икки аёл яна ваҳаҳолаб кулиб юборишди.

— Бечора, сизни соғингандирларда, ойн.

— Вой қариганида мени бошига урадимиз? Эҳ-ҳе, у давру давронлар ўтиб кетди, мевалари пишиб битди. Ўзимиз ҳам шафтолиқоқи бўлиб қолдик, қизим.

— Нима бўлсаям дадамларнинг кўз очиб кўрганисиз-да, ойижон.

— Э йўқ. Эримнинг кўз очиб кўргани бошқа. Билсангиз дадангизни Шарофат исмли биринчи турмуши бўлганди. У бедарак йўқолиб кетганидан кейин менга уйланганлар.

— Ие-вой, шунақа бўлганмиди? Кечиринг, ойижон, билмабман.

— Ҳечқиси йўқ, юринг, келин. Мана мазза қилиб кулишиб ҳам олдик. Илоҳим ҳар кунимиз шундай хурсандчиликда ўгаверсин, — деди ая юзига фотиҳа тортиб.

— Илоҳим, — деди Гулжамол ва чаққонлик билан қайнонасининг калишини тўғрилаб қўйди-да, ошхонага чопиб бориб иситгани сув қўйди. Фикри-ўйини Шарофат исмли аёл эгаллади. Отасининг гапи ёдига тушди.

Бу пайтда Меҳри ая Ҳайдар аканинг ёнига борди. Эри бошини чангаллаб ўтирарди. У шовқиндан аллақачон уйғониб кетган ва нима гаплигини шу ердан туриб эшитиб-билиб турганди.

— Тузукмисиз, дадаси?

— Шукур, раҳмат... — деди Ҳайдар ака ва бир оғир хўрсиниб қўйди. — Онаси, мен ҳам ўйлаб кўриб, узоқ сафарга кетишга қарор қилдим. Шундай қилмасам бўлмайди, шекилли, жуда қийналиб кетдим.

— Вой, қанақа сафар? — ажабланиб сўради аёл.

— Узоқ сафарга-да...— деди мўйсафид "Сени билишинг шарт эмас" дегандай сирли қилиб.

— Э, қўйинг-е, ҳазиллашманг! Мен ҳозир сиздан суюнчи оламан деб олдингизга келиб турибман-у...

— Биламан, хотин. Биз бўлажак зурриётимизни нима бўлса ҳам омон сақлашимиз керак. Бошқа бунақа имкониятимиз бўлмайди. Эшик "тақ" этиб пешонамга урилганидан кейин кўзим катта очилди. Мен бир вақтлар оғир бир гуноҳ иш қилиб қўйганман, хотин. Назаримда менинг касримга бошқалар жабр қўришаётганга ўхшайди. Эҳ, эссиз келинларим..., — деди Ҳайдар ака кўзига ёш олди. — Мен туфайли жувонмарг бўлиб кетишди, улар...

— Вой, бу нималар деяпсиз, дадаси? — Хавотирликдан қўрқиб кетди ая.

— Буни ҳозир сенга айтолмайман. Уни аввало тегिशли идо-рага бориб айтишим керак. Шунинг учун ҳам узоқ сафарга кетмоқчиман, деялманда. Сафар халгамни тайёрлаб берсанг. Унга, нима дейди ҳалиги совуни, нини чўткамниям солиб қуй. Иссиқроқ жемперимниям...

Меҳри аянинг ёдига бир нималар келгандек туюлди. У инда-май ўрнидан туриб айвон олдига бордида, қизғиш тусга кира-ётган бепоён тонгги осмон сари термулиб, узоқ ўй суриб, ту-риб қолди. Келини бу орада илиқ сувли офтобани қўйиб кетга-нини, кушларнинг бетиним чуғурлаша бошлаганию сигирнинг маъраганини ҳам эшитмади. "Демак, Шарофатга бир нима бўлган эканда" деган фикрга борди аёл.

— Сизга нима бўлди, ойижон?— сўради келини қайнонаси-нинг паришон, кайфиятсиз турганидан ҳайрон бўлиб.

— Икки дона юмшоқ нондан олиб чиқинг, келин, — деди Меҳри ая маҳзун.

— Нонуштагами?

— Йўқ. Дадангиз ҳам сафарга кетаяптилар. Нон йўлда у ки-шига ҳамроҳ бўлади, — деди ая ва кўзларидан дувиллаб ёш оқиб кетди.

— Нима, қаёққа кетаяптилар? — ажабланиб сўради Гулжа-мол.

— Ўша ёвуз руҳ билан гаплашгани.

— Ҳазиллашманг-е, ойи. ахир бу бир иримдай бир гап-ку! Сизлар буни жиддий қабул қилманглар-да.

— Йўқ, майли, қўйиб берайлик. қизим. Оиламизни парокандаликдан сақлаб қолиш учун ҳар биримиз қўлимиздан келганича ҳаракат қилишимиз керак. У киши шунга қарор қилибдиларми. майли бу ҳам биз учун бир синовда..., — деди Меҳри ая ўйчан, — Мана, сиз бунинг учун ўзингизни ўтгайм. чўғга ҳам ураяпсиз, ўғлим бечора бўлса, билмадим ҳозир қаерларда ётиб юрибди. Сизни, кейин бўлажак зурриётимизни сақлаб қолиш учун худо менга жонингни бер деса берган бўлардим. Дадангиз ҳам нимадир қилмоқчи бўлаяпти, шекиллида. Майли, ўзига қўйиб берайлик. жон болам.

Меҳри ая кўз ёшларини артиб оларкан яна қўшиб қўйди:

— Гулжамол, бирор овқат, маставами тайёрланг, дадангизнинг борадиган жойлари узоқмиш...

Улар жим ўтириб бирга нонушга қилишди. Шундан сўнг Ҳайдар ака янги шим-костюмини. дазмолланган қўйлаги, туфлисию дўпписини кийиб чиқди. Меҳри ая тайёрлаб қўйган бозор сумкасини олиб чиқди.

— Ҳа айтмоқчи. келин. укангиз Исмоилга айтинг, Шомурод қайтгунича ҳар куни бизникига чиқиб ётсин ёки онангиз Сарвиғул чиқсин. Ҳар ҳолда сизларга далда бўлади.

— Қаёққа кетаяпсиз ўзи, дада?

— Одамлар ҳажга боришади-ку! Худо хоҳласа, мен ҳам покланиб келмоқчиман.

— Ҳеч бўлмаса Шомурод акам келишларини кутсангиз бўлармиди?

— Ҳа тўғри. мен унгача тегишли илораларда ҳужжатларни расмийлаштираман. Хуллас, катта сафарга кетгунимгача ўғлим ҳам қайтпб келиб қолади. Эҳтимол, эрта-индин унинг сафарда юришига ҳам, сизни кулчалар ичида яшашингизга ҳам ҳожат қолмас. Майли келин, илоҳим бахтли бўлинглар, мендан рози бўлинглар, — деди Ҳайдар ака маҳзун ва келинининг пешонасидан аста ўпиб қўйди.

— У ёқда қийналиб қолмасмикансиз ишқилиб. даласи? — сўради Меҳри ая жиддий.

— Нима, мен ёш болаимдим?

— Майли, юрагингиз буюрганини қилинг, даласи. Мен нима ҳам дердим. Ишқилиб бағримизга соғ-омон қайтинг. — аёл ўзини тутолмай кўзларига ёш олди.

— Сен-хогин кўп қайғурма. Ҳаммаси жойида бўлади. Буни тақдир деб қўйибдилар.

Аёл эрини кўчага маънос кузатиб чиқди. Келинига "Сиз кўчага чиқманг" деб ишора қилди. "Бўпти, яхши бориб келинг, дада!" деди Гулжамол ичкаридан. "Хайр қизим, сизларни худога топширдим", деб қўйди қайнотаси.

— Эҳтимол, эски иш деб сизни кечиришар, даласи? — ўсмоқчилаб сўради Меҳри ая маъноли қилиб.

— Ие, сен мени қаяққа кетаяпти деб ўйлаяпсан?

— Барибир юрагим бир нимани сезиб турибди-да. Бу иш ўша Шарофат билан боғлиқ бўлса керак-а? Тўғриси айтаверинг. Мен ахир сизга бегона эмасман-ку!.. — деди аёл кўз ёшларини аргиб оларкан.

Ҳайдар ака секин шиншиди:

— Эски гапларни қўяйлик. Биз учун ҳозир энг муҳими Гулжамолнинг омон қолиши. У бизга қатор-қатор зурриётлар туғиб бериши учун мен албатта покланмоғим лозим. Хўп, хайр, энди уйга кир. Келин ёлғиз қолмасин. Ҳа айтмоқчи, мабодо милиционерлар келишса сизлар асло қўрқманглар, хўпми? Уларни мен юборган бўламан. Яна бир гап, сандиқда ўлимликка йиғган пулимизни... Э қўявер, мен кетдим.

— Ҳой, нега унақа деяпсиз?! — Хавотирлик билан сўради аёл.

— Буни Шомуродга айтаман. Қўрқма, ҳали ҳаммаси жойида бўлади. Мен албатта қайтиб келаман, кутинглар, хўпми?

Хайдар ака туман марказига келиб тўғри прокуратурага кириб борди. Уни навбатчи йигит қабул қилди.

— Келинг отахон. Ўтиринг, марҳамат. Хўш, хизмат?

— Мен бир вақтлар жуда оғир гуноҳ иш қилиб қўйгандим, шунга...

— Гуноҳ иш дейсизми. Қачон?

— Бунга қарийб ўттиз йил бўлди.

— Эҳ-ҳе, эски гаплар денг. Бирортасини қаттиқ хафа қилганмидингиз?

— Ҳа. Шу масалада шахсан прокурорнинг ўзига учрашмоқчийдим.

— Прокурор жуда бандлар. Кейин шахсий масалалар билан у кишининг ўринбосари Исмат Собирович қабул қилади. Бундан ўттиз йил аввал бировни хафа қилган бўлсангиз бориб ўзидан узр сўрай қолингда. Биз майда-чуйда қўйди-чиқдилар билан шуғулланмаймиз. отахон.

Хайдар отанинг кутилимаганда жаҳли чиқиб кетди.

— Майда-чуйдамас, мен ахир одам ўлдирганман!

— Нима?!

— Ҳа. Шунақа бўлиб қолганди-да.

— Қандай қилиб, кимни?!

— Аввалги хогинимни, жаҳл устида...

— Ўҳ-ҳў, иш катта экан-ку!..

— Хўш, энди мени қамайсизларми?

— Қамаш? Ўйлаб кўрамиз. Айтинг-чи, нега энди шунча вақт ўтганидан кейин келдингиз? Бунинг бирор сабаби борми?

— Ҳаммаси унутилиб кетар деб ўйлагандим-да, лекин ...

— Нима лекин?...

— Қийналиб кетдим. Уйимда ҳаловат йўқолди. Келинларим ҳам оламдан ўтиб кетишди.

— Нима? Сиз уларниям ...?

— Йўқ, улар тасолифан. Лекин мен ўзимни сабабчи деб ўйлайман. Шунга жазо сўраб келувдим, покланмасам бўлмайди, ўғлим.

Навбатчи ички телефондан прокурор ўринбосарига бир фуқаро киришга рухсат сўраётганини маълум қилди.

— Исмат Собирович! Бир одам қабулингизга киришни жуда илтимос қиляпти, қилган ишларига иқрормиш.

— Иқрор?! Қанақа иш экан?

— Қотиллик!

— Нима, қаерда?!

— Тоға, қаерликсиз?— навбатчи Ҳайдар акага юзланиб сўради.

— Янгиободдан.

— Янгиободлик экан, — деди навбатчи яна телефонга. — У хотинини ўлдирганмиш. Кейин...

— Ўзи келибдими?

— Ҳа.

— Терговчи Абусаидов тез олдimgа кирсин! — қичқирди Исмат Собирович. — Тезкор гуруҳни оёққа турғазинг, соқчиларни огоҳлангиринг, эшиклар маҳкамлансин! Жиноятчи ҳибсга олинесин, қўллари кишанлансин!

— Йўқ. Бу ишга ўттиз йил бўлган экан, — деди хотиржам йигит.

— Э хайрият-е! Жиноятчи олдингиздами?... Одамни чўчитиб юбордингиз-ку! Айтинг, терговчи Абдусаидов билан олдimgа киришсин.

Ҳайдар ака терговчи билан прокурор ўринбосари ҳузурига киришганида у боклашқадан пиёлага сув қуйиб ичиб турарди.

— Чақиргирган экансиз, ўртоқ бошлиқ.

— Ҳа. Киринглар. Жиноятчи сиз-ми?... Эҳ-ҳе, туппа-тузук одам экансиз-ку, анави навбатчи мени чўчитиб юборди-да. Келинг, ўтиринг. Ўзингизни таништирсангиз.

— Мен Янгиободдан Сулаймонов Ҳайдар бўламан. "Жиноят жазосиз қолмайди" деганлари учун мана, ўзим аста келаялман-да.

— Хуш келибсиз, — деди Исмат Собирович киноя билан. — Демак, қотилман денг. Охири бўйнингизга олибсизда-а?

— Ҳа. Бунга ҳисобга оларсизлар, албатта.



— Албатта, "Эгилган бошни қилич кесмайди", деган гап бор.

— Кейин "Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади" деган гап ҳам бор, — дея қўшиб қўйди Абдусайдов гап нимада эканини англагандек бўлиб.

— Бу киши терговчи Абдусайдов. Қонун бўйича нима талаб қилинса ҳаммасини қилади. Сиз хоҳласангиз адвокат ёллаб, ўзингизни ҳимоя қилишингиз мумкин.

— Йўқ, менга ҳимоя керакмас. Фақат бир илтимосим бор, холос.

— Қанақа илтимос?

— Тезроқ ўлдирилган аёл мурдасини мен айтган жойдан олиб, уни мусулмончилик расм-русумларимиз бўйича қишлоғимиз қабристонига қўйиш керак. Сарф харажати менинг бўйнимда бўлади.

— Шошилманг. Аввало унинг шахсини аниқлаймиз. Абдусайдов, демак сиз оператив ва криминалистика гуруҳини олиб бу ака айган жойга борасизлар!

— Хўп бўлади, ўртоқ бошлик.

— Ҳозирча бу кишини сўроқ қилиб, ҳибсхонада гумондор сифатида ушлаб туринглар.

— Жиноий иш очайликми?

— Жиноий иш ўттиз йил аввал очилган бўлса керак. Архивни кўтаринглар. Кейин бу кишининг шахсини, жиноят сабабларини аниқланглар. Хуллас, ҳаммаси қонуний бўлсин!

— Тушунарли, ўртоқ бошлик. Кетишга рухсат этинг.

— Рухсат.

— Юринг, Сулаймонов!

— Айтинг-чи, менга неча йил беришаркин-а? — Ҳаяжонланиб сўради Ҳайдар ака.

— Нима, буни билишингиз муҳимми? — сўради Исмат Собирович таажжубда.

— Ҳа. Ишқилиб туғилажак набираларимни кўриш менга насиб қилармикан, дейманда.

— Нечта фарзандингиз бор ўзи?

— Битта ўғлим бор, холос.

— Уйланганми?

— Ҳа. Яқинда тўртинчи келинга уйланди.
— Ўх-ҳў, унда учтаси қаёққа кетишди?
— Қаёққа бўларди, мозорга-да. Чилласидаёқ ўлаверишди.
— Нима?!... Нималар деяпсиз?! Уларниям ҳалиги-а...?
— Йўғ-е. Улар ўз ажали билан, тасодифан... Буни "бахтсиз ходиса" дейилади-ку.

— Тўртинчи келинингиз ҳаётми ишқилиб? — сўради терговчи ажабланиб.

— Ҳа. Худо хоҳласа, биз ундан зурриётлар кутаяпмиз.

— Демак, сизни бу ерга ўша келинингиз юбордимиз?

— Йўқ. Ўша келинимни асраш учун покланишим лозим деб ҳисоблаб, ўзим келдим. Билсангиз, қачонлардир билиб-билмай қилган гуноҳим учун учта келинимдан айрилдим. Бунга ўзимни гуноҳкор деб ҳисоблайман. Ёшлар энди, бошқа азият чекмасликлари керак.

— Хўп, яхши. Ҳаммасини аниқлаймиз. Ишни тезроқ ёпишимиз учун ўзингиз бизга ёрдам беришимиз керак. "Беайб парвардигор" деган гап бор. Кеч бўлса ҳам келиб тўғри қилибсиз. Энди бу ишлар албатта исботланиши керак, холос, — деди прокурор ўринбосари.

— Албатта, мен буни исботлайман.

— Хўш, қандай қилиб?

— Жасадни топиб бераман.

— У қаерда?

— Ўғлимнинг ётоғида. Мурдани чойшабга ўраб, тахмонлар ўртасидаги токчага ўтқазиб, устидан гишт уриб, албастр билан суваб ташлаганман. Исиям чиқмайган.

Прокурор ўринбосарининг кўзлари порлаб кетди ва бу жиноятни ҳозироқ фош қилиш мумкинлигини ўйлаб тугмачалардан бирини босиб топшириқ берди.

— Эшонкулов зудлик билан криминалистика ва жиноят қидирув бўлимидагиларни олиб Янгиобод қишлоғига, фамилиянгиз нима эди?

— Сулаймонов Ҳайдар, Наврўз кўчаси 15-уй.

— Сулаймонов Ҳайдар аканикига, Янгиобод, Наврўз 15 га, жўнанглар! Биз ҳам ҳозир етиб борамиз. Кетдик Абдусаидов!

"Юринг бўлмаса, "қотил жаноблари". Хих, ҳурматни қаранг-лару, тавба-тавба...

* * *

Бир соат ўтиб-ўтмай "сафар"га кетган отанинг қўлини кишанлаб бир гуруҳ ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари билан кириб келганини кўрган Гулжамол билан Меҳри ая ҳангуманг бўлиб қолишди:

— Нима гап, тинчликми, дада?!— сўради келинчак.

— Тинчлик қизим, қўрқманглар, — деди Ҳайдар ака.

Негадир у анчагина хотиржам кўринарди.

— Бу ўша тўртинчи келинингизми? — сўради прокурор ўринбосари.

— Ҳа, Гулжамол бу... Қизим, юринг, йигитларга уйингизни кўрсатинг.

— Ўғлингиз қаерда? — сўради Исмат Собирович.

— Сафарда. У чиллала. — деб қўйди ота мамнунлик билан.

— Қайси уйни кўрсатай. меҳмонхонаини? — сўради Гулжамол.

— Э йўқ, ўз уйингизни, гўшангали, ҳалиги нима дейди, кулчали уйингизни-да, — деди ота жилмайиб.

Ходимлар бир-бирларига ажабланиб қараб олишдида, келинчак бошлаган уй томон боришди. Хонани кулча нонлар билан ўралганини кўриб янада ҳайрон қолишди.

— Булар нима?

— Кулчалар. Уларни ўзим ёпганман, — деди келинчак.

— Нега?

— Улар менинг ҳаётимни ёвуз руҳлардан ҳимоя қилишади-да.

— Ўҳ-хў, биз ҳам идорага шунақа қилиб кулча осиб чиқсак-микан-а ? — деди терговчи йигит ҳазил қилиб.

— Ирим денг? — деди милиция ходимларидан бири.

— Аввалги келинлар ўлаверишган. Менга ҳам бир-икки қаттиқ тажовуз бўлди. Яхшики кулчаларим...

Келинчакнинг гапини Исмат Собирович бўлиб қўйди:

— Яхши. Ҳайдар ака, вақтимиз тиғиз!..

— Бўлмаса уйни бўшатишсин, — деди ота.

— Тез бўшатишлар!

— Кулчаларни йиғиштириб олиш керак-ку!

— Йиғиштиринлар!

— Кейин бир метин керак. Омборимизда бор, хотинимга айтинглар опчиқиб беради, — деди Ҳайдар ака.

Ота шу тобда анчагина шижоатли кўринарди.

— Сержант Шокиров!

— Эшитаман, ўртоқ бошлиқ.

— Бординг, метинми, кволдами топиб келинг!

Ходимлар югуриб-елиб ишга тушиб кетишди. Суви қочиб қолган кулчалар қопларга жойланди. Каравоту гиламлар йиғиштирилди.

— Келинингизга бир саволим бор. Мен шунчаки қизиқяпман холос, узр, — деди терговчи Абдусайдов, келинчакка ишора қилиб. — Гулжамол, бери келинг.

— Ҳа, лаббай.

— Айтингчи, сизнингча ўша ёвуз руҳ уйнинг қаеридан чиқиб келади?

Қиз бир оз ўйланиб тургач сандиқлар қўйилган тахмонлар орасидаги текис деворни кўрсатди.

Исмат Собирович Ҳайдар акага "тўғрими?" дегандек қаради. У кулиб "ҳа" ишорасини қилди.

— Жамолов!

— Эшитаман, ўртоқ бошлиқ!

— Манави ерни бузинглар. Ҳамма четга ўтсин!

— Қизим, сен борақол, бу ерда турма. Ҳой Меҳри, келинингни олиб кет! — дея қичқирди "маҳбус".

— Айтинглар, ҳовлига ҳеч ким киритилмасин! — дея қичқирди бошлиқ.

Милиционерлар метинни қўлга олиб деворни гўрсиллатиб буза бошладилар. Хона ичи чангиб кетди ва бир оздан сўнг аллақандай нохуш ҳид анқиди. Бутун деворнинг катта бўлаги кулаб тушди. Деразадан "Нима гап экан?" дегандай қизиқиш билан ўтган-кетганлар мўралай бошлашди. Токча ичида эски чириган латтага ўралган, ўтирган ҳолдаги бир мурданинг бош

суяги кўринди. Латта чириб кетган бўлиб кулдек уқаланиб тушарди. Криминалистлар уни оҳиста олиб бусг-бугунича қора целлофан ичига жойлашди. Ҳамма ишлар видео ва фото тасвирларга туширилди.

Ташқарида Меҳри ая оғзини рўмоли билан тўсганича бошини қимирлатиб турар, Гулжамол бўлса унга маҳкам ёпишиб олганди. Мурда суяқларини махсус машинада солиб олиб кетишди. Қўли кишанланган Ҳайдар ака сўнгги бор хотини ва Гулжамолга қараб "Ҳайр" ишорасини қиларкан, "Қўрқманглар, сизларни энди ҳеч нарса безовта қилмайди. Бемалол яшайверинглар! Шомуродга айтинглар энди уйга қайтиб келаверсин! Сизларни Худога топширдим, мендан рози бўлинглар!" — дея қичқирди у.

Сўнгга тўпланиб турган яқин атрофдаги қўни-қўшнилар, ўтган кетган йўловчилар, болалар кўз ўнгида уни олиб кетишди.

* * *

Ҳайдар акани вақтинчалик ушлаб туриш ҳибсхонасининг бир кишилик камерасига қамаб қўйишди. Терговчи Абдусайдов сўроқ-суриштирув ишларини бошлаб юборди. У кўп чўзилмади. Чунки ҳаммаси аниқ ва равшан эди. Экспертиза хулосалари жасадни ўттиз йил муқаддам бедарак йўқолган Сулаймонова (Ортиқова) Шарофатга тегишли эканлигини тасдиқлади. Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунларига мувофиқ мазкур жиноий иш фуқаро Шарофат Сулаймонованинг бедарак йўқолиб, топилмагани ва бошқа жузъий сабаблар туфайли ўн беш йилдан сўнг тўхтатилган экан. Шу туфайли Ҳайдар Сулаймоновга нисбатан жиноий иш қайта қўзғатилмади.

Бироқ Ҳайдар ака қилган гуноҳи учун катта-муддатга қамалишини жуда-жуда истарди. Тақдирига тан берди. Энг муҳими, мурдани уйдан олиб чиқиб кетишди. Эртаси милиция ва прокуратура ходимлари маҳалла, қўни-қўшнилар ҳамда Шарофатнинг қариндошларини йиғиб қуруқ суяқлардан иборат жасадни қабристонга қўйиб келишди.

Ҳайдар ака тунлари ҳам мижжа қоқмади. У муштини иягига

тираган куйи Шарофат билан кечган изтиробли умрини ёдига олди.

ТҶРТИНЧИ ҚАБР

Шарофат униб вояга етган оиладагилар диний-исломий ақидаларга ўта берилган эдилар. Унинг ота-онаси оилада му-сулмончилик, исломий қадрият ва русумлари бўйича қаттиқ тартиб-интизом ўрнатишган бўлиб, болаларнинг бу борадаги тарбиялари ҳам шу асосда олиб борилганди. Улар учун ҳаёт завқи — беш-олти яшар боланинг Қуръони каримни бе-малол тиловат қилишни билиши, беш вақт намозни қанда қилмаслигини кўриш ва бундан завқланишдан иборат эди. Шу туфайли ҳам улар дунёвий билимларни эмас, балки диний исломий илмни мукаммал эгаллашларига эътибор қаратишар-ди.

Миялари болаликданоқ заҳарлана бошлаган мўмин-қобил болалар ота-оналарининг раъйидан ҳеч қачон чиқишмас ва ўз иқтидорларини зўр бериб ислом илмини эгаллашга қаратар-дилар. Мактаб улар учун иккинчи даражали мажбурий маскан бўлиб, у ерда ҳам ҳеч кимга қўшила олмай, одомови сифати-да доимо ерга қараб юришарди. Бошқа болаларга ўхшаб завқ-ланишни, спорт мусобақалари ёки бошқа кўрикларда ишти-рок этишни умуман исташмасди. Гўёки, бу билан ўзларининг ўта тарбияли, интизомли эканини кўрсатиб қўймоқчи бўли-шарди. Аслида бўлса тафаккурлари ўта паст даражада эканини ўзлари билишмасди.

Доимо қизларга қўшилмай, бир четда ажралиб, ерга қараб юрадиган Шарофатнинг мактабга пастқам сўқмоқлардан бо-риб-қайтиши, унинг ортидан баъзан кузатиб қоладиган Ҳай-дарнинг онаси Сулпинисо аянинг назарига тушиб қолди. Ая ўта одобли кўринган бу қизни келин қилишга орзуманд бўлди.

Ҳайдар бу даврда Тошкентда, пединститутда ўқир ва қиш-лоғига жуда кам келарди. Ҳар келганида эса, уйланиш ҳақида-ги онасининг харҳашаси жонига тегарди. Чунки у аслида ўқиши-ни битирмагунча уйланмоқчи эмасди. Эндигина 16 ёшга бор-

ган Шарофатга катта қизиқиш билдирган Сулпинисо ая бу қизга келаётган совчилар ҳақида эшитиб қолдию, ҳаловатини йўқотди.

Онанинг фикрича, ҳаёт тажрибаси бўлмасада, исломий сабоқ олиб бўйига етган тақводор қиз эри ва қайнонасига жуда содиқ бўлармиш, туғилажак фарзандларини ҳам жуда соғлом ўстириб, уларга яхши тарбият берармиш.

Сулпинисо аянинг зорланишлари ва унинг Шарофатни келин қилиб олиш борасидаги куйиб-пишишлари ниҳоят ўз самарасини берди. Ҳайдар "Э, билганингизни қилинг-е, ойи. Келин сизга керак бўлса, ана, олаверинг! Лекин мен тақводор келинни Тошкентга олиб кетмайман, ўртоқларимга кулгу бўламан" деди. Она ўелининг бу сўзларини "розиман" деб қабул қилиб қувониб кетди: "Бўпти, болам. Ахир бир кун ўқишинг ҳам тугар. Биз сенинг келишингни икки кишилашиб кутамизда, онагинанг ургилсин", деб алқаб қўйди. Шундан сўнг зўр бериб келинга ҳаракатни бошлаб юборди.

Шарофатнинг ота-онаси ҳам узи келишган, келгусида олий маълумотли бўладиган ёлғиз ўғил бўлган Ҳайдардан, кўнгиллари тўлиб, қолаверса, мусулмонча тарбия кўриб улғайган қизларини ҳавас қилган Сулпинисо аяга ҳеч иккиланмай розилик беришди. Фақат тўй эскича, исломий удумда ўтказилишига шартлашилди. Яъни келин оқ либос киймайди, тўй базми, ичкиликбозлик бўлмайди. Фақат хатми оши тортилиб, "амри-маъруф" ўтказилдида, паранжига ўралган келинчак билан чопон ёпинган куёв ўртасида никоҳ ўқитилгач, гўшангага тўғри кириб кетаверишади.

Булардан хабардор бўлган Ҳайдарнинг дастлаб жаҳли чиқди. "Ота-онаси диндор бўлса ўзига. Хотинимни кейин замонавийлаштириб оларман" деб қўйди. Гап-сўз бўлмаслиги учун курсдошларининг бирортасини ҳам уйланаётгани ҳақида хабардор қилмади. Унинг уйланиши кўпроқ онаси учун итоаткор хизматкор олиб беришга ўхшаб кетарди.

Аёлининг ўта тақводорлиги дастлаб Ҳайдарга ҳам маъқулдек кўринди. Чунки келинчак деярли бир оғиз ҳам гапирмас, эрининг қўзига тик боқмас, мусичадай беозор эди. Кўни-қўшни,

бегона эркакларга дуч келганида ҳам дарҳол юз-кўзини тўсиб олар, кўчага сув олгани ҳам деярли чимматда чиқарди. Тунлари бўлса, бутун борлигини турмуш ўртоғига бахшида қилаётгандай туюлар, индамай илиқ сув олиб келиб, эрининг пайпоқларини ечиб, оёқларини ювиб, тоза сочиқ билан артиб кўярди. У худди соя каби юрарди. Жуда барвақт уйғонар, таҳорат қилиб бомдод намозини ўқир ва ҳали ёруғлик тушмасданоқ бугун ҳовли-жойни сарамжом-саришга қиларди.

Шарофат дастлаб худди фаришталар каби сокин ва беозор келинчак бўлди. Аммо бу ҳол узоқ давом этмади. У кейинроқ шундай дилозорга айландики, Ҳайдарнинг ҳаётини остин-устун қилиб юборди.

* * *

Онаси айтган қизни "севиб", кўнглидагидек келинчакни олиб хотиржам бўлган Ҳайдар кўп ўтмай уларни қишлоқда қолдириб, ўзи пойтахтга ўқишга йўл олди. Уйлангани ҳақида ҳеч кимга чурқ этмади. Ўртоқлари билан яна дунёвий илмларни эгаллашни давом эттириб, талабаликнинг унутилмас дамларини ўтказиб юраверди.

Бир йилдан сўнг фарзандли бўлишди. Қиз экан. Исмини Бибисора деб номлашди. Бу кўнлар Ҳайдарнинг ҳаётидаги энг қувончли дамлар бўлиб қолди. Аммо гўдак олти ойлик чамаси даврида Шарофатнинг эскичага ўта берилгани панд берди. Чунки у беш вақт намозини қанда қилмагани билан, ўта содда ва ношуд қиз эканини намоён қилди. Гўдагини баъзи касалликларга қарши вақтида, яъни ўзи айтмоқчи: "кофир дўхтир"ларга эмлатмади. Болани соғлом ўстириш қоидаларини яхши билмагани ва бошқа сабаблар туфайли гўдак қаттиқ касалликка чалиниб қолди. Чақалоқни шифохонага олиб бориш ўрнига, аксинча, хурофотчи онасиникига олиб борди. Онаси бўлса унга дам солиш, кинна ёйиб чилла сувида чўмилтириш, мушкулкушод ўқитиш каби эскича удумларни қилавериб гўдакнинг аҳволини янада баттар ёмонлаштирди. Хуллас, гўдакни касалхонага олиб боришганида кеч бўлганди...

Шаҳрдан шошиб етиб келган Ҳайдар хотинини бу қилми-

шидан қаттиқ ранжиди ва илк бор уни қаттиқ уришиб берди:

— Болани нима қилдинг?!

— Ахир бу худонинг хоҳиш-иродаси-да, дадаси, мен нима ҳам қила олардим? — деди келинчак ўз билганидан қолмай ва пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Ҳой, бефаросат! Худонинг хоҳиши деб, болани ўз вақтида қизамиққа қарши эмлатмабсан-ку!

— Худога шак келтирманг! Жонни яратувчи ҳам, олувчи ҳам ўзи бўлади, — деди келин бидирлаб йиғларкан.

— Яратилган жонни даволаб, уни сақлаб қолиш мумкин эди! Нега докторга дарров кўрсатмадинг, товукмия!

— Мен докторларингизга ишонмайман! Кофирча ўқиган, улар!..

— Кофирчами, балочами, улар қизимизни кутқариб қолишарди-ку, ярамас?!

— Иншоллоҳ, боламиз жаннати бўлди. Бу дунёдан у фаришгадек пок кетди. — деди Шарофат яна мингиллаб йиғлашни давом эттираркан..

— Ҳе сени ўша, жаннат-наиннатингдан ургилдим!

— Куфур кетманг! Сиз ҳам ахир мўмин-мусулмоннинг бола-сисиз-ку! Буниси насиб қилмади, худо яна бошқасини бера-веради-да!

Ҳайдарнинг миясига ток ургандек туюлди.

— Суфф сенга! Бор, туғсанг ўзинг туғавер! Ҳе, сени ўша, эскича сафсагаларингдан ўргилдим! — деди Ҳайдар баттар куйиб.

Келинчак ўзини Сулпинисо ая ҳузурига отди ва қайнонасининг бағрига ташлаб фарёд солди.

— Қўйинг, келин. Ахир ўғлимниям тушунинг-да. У қизчасини жуда яхши кўрарди. Вой, эссизгина болам-а...

— Мен кетаман, ойи! Ўғлингиз мени нуқул куфур гаплар билан ҳақорат қиляптилар, — деди келинчак йиғлаб.

— Ҳай-ҳай, ҳозир уни жаҳли чиқиб турибди-да, тушунинг қизим... Ҳой Ҳайдар! Нега келинимни хафа қилдинг?! — деди Сулпинисо ая ҳовлида гезариб турган ўғлига қарата.

— Биргина гўдакни эплай олмаган хотин-хотинми?! Ҳадеб

номоз ўқиш ўрнига боласига қараса бўлмайдими? Менга бунақа тақводор хотин керакмас! Айтинг, кетаверсин!

— Бор йўқол, ўзинг кет! Шарофатни кетказадиган аҳмоғинг йўқ!

— Бўпти, кетдим. Ана келинингиз билан ўзингиз яшайверинг! — деди Ҳайдар ва сафар сумкасини елкасига ташладида, дарвозани "қарс" этиб ёпиб чиқиб кетди.

Сулпинисо аянинг юрагига бир нима қаттиқ санчилгандай туюлди ва ўзини беҳол ҳис қилиб, қалтирай бошлади. Йиғлаётган келиннинг титроқ бағрига маҳкам босди.

— Қўйинг қизим, хафа бўлманг. "Жаҳл келса, ақл кетади" деганлар. Ҳайдаржоним ҳозир аламзада-да. Бир-икки ой ўтсин, кўрасиз, ўзи сизни соғиниб қайтиб келади. Сабрли бўлинг болам, сабрли...

* * *

Шундай қилиб Ҳайдар тақводор, замон тараққиётидан бутунлай ортда қолиб кетган, уқувсиз Шарофатни ёмон кўриб қолди. Ҳатто таътил пайтлари ҳам қишлоғига қайтмади. Келинчак нима қиларини билмай, тушкун аҳволда қолди ва кунлардан бир куни ўз онасиникига йиғлаб маслаҳат сўраб борди.

Онаси Кутпи хола қизига куёвини "иситиш" кераклигини айтиб, қўшни қишлоқда Ҳидоят отин деган нафаси ўткир хотин борлигини, ўзи ҳам ундан баъзан сабоқ олиб туриши ҳақида мақтаниб сўзлади. Сўнгра куёвини "иссиқ-совуқ" қилдириб келиш мақсадида ўша отин ҳузурига қизини юбораркан, тўсатдан хаёлига келиб қолган бир фикрдан хурсанд бўлиб кетди:

— Қизим, иложи бўлса Ҳидоят отиннинг этагини маҳкам тут. Эшитишимча у сенга ўхшаган, илмга чанқоқ муслималарни тўплаб исломий мактаб очганмиш. Агар у сенга ҳам сабоқ олишни таклиф қилса, йўқ демагин, ҳўдми?

— Майлию, лекин шаърий эримдан бир оғиз сўрашим керак-ку!

— Ундан нимани сўрайсан? Гулдай хотинини кўчада ташлаб қўядиган, намоз ўқимайдиган эр-эрмиди? Сен уни сариқ чақага ҳам олма, ўз қадр-қимматингни бил. У ҳам ўз илмини

олаверсин, сен ҳам йўлингдан қолма. Кейинчалик сен ҳам қишлоғингда қизларни йиғиб дарс берадиган отинча бўласан. Бунинг нимаси ёмон?

Онасининг таклифи Шарофатга маъқул тушди.

* * *

Ҳидоят отин Шарофатни илиқ кутиб олди. Унинг дардини эринмай тинглади, келинчакнинг ўта тақводор, жуда содда ва ишонувчан эканига ишончи комил бўлгач, унга ўзини жуда яқин ва меҳрибон қилиб кўрсатди:

— Сиз ҳеч сиқилманг, қизим. Жудаям покиза муслима аёл экансиз. Мен албатта эрингизни "иситиш" учун керакли амалларни қилиб бераман. Кўрасиз, у бағрингизга дарров қайтади, — деди у.

Ҳидоят отин янги шаклланаётган диний экстремистик оқимлардан бирининг фаолларидан бўлиб, сўнгги пайтларда хориждаги Амир Қосимхондан махсус муслималар мактаби ташкил қилиш, бошланғич таълимдан сўнг уларни гуё ўқишни давом эттириб малакаларини ошириб келиши мақсадида ҳижрат сафарига йўллаб туриш ҳақида топшириқ олганди. Шу туфайли Ҳидоят отин аёллар ўртасида ўз ташвиқот ишларини кучайтирди. Шарофатнинг кириб келиши унинг учун айти муддао бўлди. Чунки у ишончли муридларидан бирининг қизи эди.

— Шарофатхон, сиз ҳеч иккиланмай мактабимга аъзо бўлаверинг, ҳўпми? Мен ойингиз Қутпинисони жудаям ҳурмат қиламан. Бу ерда сиз исломий илмдан яхши сабоқ оласиз, тангри сизга руҳан мададкор бўлади. Кейин бизни бошқа юртларда қўллаб турадиган саховотпеша мададкорларимиз ҳам бор. Улар бизни керакли адабиётлар, хайр-эҳсонлар билан доим таъминлаб туришади. Яъни бу ерда таҳсил олувчилар учун ҳар куни бепул тушлик, яна стипендия ҳам берилади. Манг, манавини олиб қўйинг, — деди отин ойи киссасидан 50 долларлик қоғозни олиб Шарофатнинг олдига ташлади.

— Вой, бу нима? — Ажабланиб сўради Шарофат?

— Нима бўларди, ҳамма жойда амал қиладиган пулда. Хамир

учидан патир... Олинг, бу ҳали аванс. Энди ҳар куни келаверасиз. Ўқишга бошқа муслималарни ҳам жалб қиласиз.

— Уларнинг исломий илми бўлмаса-чи?

— Ҳечқиси йўқ, ўрганишади. Уларга ўзингиз ҳам сабоқ бера-сиз. Мактабни тугатганингиздан кейин сизни қишлоғингиз-нинг энг мўътабар отинибиси, яъни энг азиз аёли бўласиз. Албатта биздан яхши маош ҳам олиб турасиз, тушундингиз-ми?

— Иншооллоҳ, тушундим. Мен розиман.

— Э яшанг! Мактабимизга хуш келибсиз, қизим!

Шарофат тараддуланиб ўрнидан қўзғолган ҳам эдики, та-шқаридан икки бақувват қорасоқолли, кўзлари уккининг кўзи-дай чақнаб турган ўрта ёшдаги норғул кишилар кириб келиш-ди. Улар мўмин-мусулмон эмас, балки худди кинолардаги уру-шқоқ жангариларга ўхшаб кетарди. Келинчак "вой!" деб юзини тўсдида, бир четга ўтди.

— Қўрқманг қизим, бу йигитлар ўз одамларимиз бўлишади, — дедида уларга қараб Ҳидоят отин, "Келинлар Бўривой, Жовидбек... Яхши юрибсизларми? Қозоғистондагилар тинч юришибдими?" дея пешвоз чиқди.

Бўривой дегани Шарофатга шубҳали бир қараб қўйди ва илтифот билан жавоб берди:

— Алҳамдулиллоҳ, худога шукур, ернинг устида, осмоннинг остида бир амаллаб юрибмиз. Сиз билан бир зарур маслаҳатли ишларимиз бор эди-да, отин ойи.

— Бемалол, — деди аёл иззат-икром билан ва Шарифага қарата "Бўпти, қизим, эртадан келаверасиз-а..." деб қўйди. Сўнгра у савол назари билан қараб турган Жовудбекка қарата "Бу аёл ўзимизникилардан, ишончли" дегандай ишора қилиб қўйди.

* * *

Шарофат ўша куни отин ойининг олдидан сархуш бўлиб қайтди. Тасодифанми, ким билади, "Бисмиллоҳ..." деб уйи остонасига қадам қўйиб кириб келса, ташқи сўрида эри би-лан қайнонасининг чой ичиб ўтиргани устидан чиқиб қолди.

Шундан сўнг илк бор Ҳидоят отиннинг "нафасига" тан бериб, унга эътиқоди янада ортди. Ўзини шундай эркин ҳис қилдики, тиллари бурро бўлиб кетди. Албатта эрини жуда ҳам соғинганди.

— Ассалому алайкум, хуш келибсиз, бегим! — деди келин ўрни бўлмасада эгилиб таъзим қилиб.

Ҳайдар ўзича бу ҳаракатни хотинининг чин маънодаги узри деб қабул қилди ва "кечирдим" дегандай:

— Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз?— дея гап қотиб қўя қолди.

— Иншооллоҳ, сизни жудаям соғиндик.

— Ҳа. Ҳалиги, анави синфдошим Рўзмат бор-ку, ўша тўйига айтганди...

— Алҳамдиллоҳ, илоҳим, тўйлар бўлаверсин, бегим!— деди келинчак қўлини кўксига қўйиб.

— Ҳой қизим, Ҳайдаржон узоқ йўл босиб келди-я, боринг, овқатга уннай қолинг, — деди қайнонаси гапни калта қилиб. Аммо у ҳам ич-ичилан жуда секинмоқда эди.

— Хўп бўлади, ойижон, — деди келин одоб билан ва қўли кўксига, орқаси билан юриб, уйи томон кириб кетди.

Қўп угмай келин ўзи тайёрлаган паловини сузиб келди. Бу орада Сулпинисо ая ўчоқ бошига бир-икки бориб келган, келинидан отин оyi ва унинг исломий мактаби ҳақида эшитиб билганди.

— Майли яхши қилибсиз, қизим, ўқийверинг. Фарзандли бўлганингиздан кейин ўқий олмайсиз. Фақат Ҳайдаржондан бир оғиз ижозат олишни унутманг, хўпми? — деб қўйди.

Шундай дедию, аммо бу гапни ўз ичида сақлаб ўтиролмади. Сўрига эндиgina ёнбошлаб, китоб ўқиётган ўғлига ёрилди-қолди:

— Келиним тушмагур жа ақлида... Уни қўшни қишлоқдаги аёлларнинг янги исломий мактабига чақиришганмиш.

— Қизиқ, бунақа мактаб тўғрисида ҳеч эшитмагандим.

— Ана, ўзидан сўрайқол бўлмасам. Ҳой келин! — деди ҳовлиқиб ая чой олиб келаётган келинига қараб. — Эрингиз ўқишингиз ҳақида сўрапти.

Ҳайдар унинг кўзига "қанақа ўқиш?" дегандай савол назари

билан нигоҳ ташлади.

— Олти ойлик курс экан. Стипендия беришаркан, тушлиги ҳам бепул, ҳаммаси аёллар, — дея бидирлаб жавоб берди Шарофат. — Шунга рухсат берарсиз, бегим?

— Хўш, кейинчи?

— Битиргач, қишлоғимизга отинбиби бўларканман.

Хайдар изгеҳзо билан кулиб қўйди:

— Ундан кўра бирор тайинли хўнахўр ўргансангиз яхши бўлармиди. Масалан, тикувчиликми, ҳамшираликми...

— Вой-вой, нималар деясан, ўғлим? — гапга аралашди Сулпинисо ая. — Келинимнинг иқтидори бор эканки, усто-зи Ҳидоят отиннинг назарига тушибди. У аёл ҳар кимни ҳам ўзига шогирд қилавермайди. Буям бир омад-да, болам. Худо хоҳласа, қишлоғимизнинг энг обрўли аёли бўлади. Кўрасан, ҳали келиним маросимларнинг энг тўрида ўгиради.

— Ҳай майли, сиз нима десангиз шу-да, ойи. "Бекорчидан худо безор" деганлар. Ҳар ҳолда ўзига эрмак топиб олибди-ку.

Эрининг розилиги Шарофатни руҳлантириб юборди. Хайдар пойтахтга кетгач, у янада фаоллашди ва Ҳидоят отиннинг энг чаққон, энг ишончли шогирдларидан бирига айланди. Устида тергайдиган хўжайинининг йўқлиги, қолаверса, Сулпинисо аянинг содда ва майда-чуйда совғаларга ўчлиги ўз самарасини бермай қўймади.

Шарофат ҳам билибми-билмайми диний экстремистик оқимининг фаол югурдақларидан бирига айланиб борди. Отинойи доим номини тилдан қўймайдиган хорижлик нотаниш, саховатпеша Амирнинг ўғиту топшириқларини кўр-кўрона бажараверди. Шулардан бири аҳоли ўртасида мавжуд демократик конституцион тузумни ағдариб ташлаб, ўрнига Исломий халифалик давлати барпо қилишни даъват қилувчи варақаларни жойларга тарқатиш, содда қишлоқ аёлларини уйма-уй тўплаб, уларга исломий сабоқ бериб, баҳонада оқимни фаол тарғиб қилиш эди. Шунингдек, Шарофат баъзан "қармоғига илинган" содда аёлларни ўзларининг исломий мактабига чорлаб, уларни покланишга ва шу мақсадда мадрасада аввало "чилла суриш", сўнгра ҳиж-

рат сафарига бориб келишга кўндира бошлади.

Албатта унинг саъй-ҳаракатлари муносиб тақдирланиб, киссасида пуллари кўпайиб борди. Отинойининг мактабида муслима талабалар сони ҳам ой сайин ортаверди. Энди қишлоқ кўчаларида соядек, аммо шошиб юрадиган, ҳижобли аёллар кўпайиб қолишди.

* * *

Кунлар ўтди. Отинойи хорижлик амирдан тўрт нафар аёлни тезликда ҳижрат сафарига юбориш ҳақида топшириқни, қолаверса, тегишли маблағини ҳам олди. Дастлабки гуруҳни сафарга ҳозирлай бошлади. Шарофат, албатта, гуруҳ сардори этиб тайинланди. Ҳар қандай муслима аёл, яъни бўлғуси отинбибилар учун ҳаж сафари олдида албатта муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб, ҳижрат сафарига бориб келиш, малакаларини ошириш фарз экани уқтирилди.

— Бу сафарингиз ҳақида эрингизни билиши шарт эмас. Ўз жонини Аллоҳ иулига бахшида қилмоқчи бўлган муслима аёлнинг ўз сири ҳам бўлгани маъқул. Қайнонанинг "Бизни давлат ҳисобидан ўқишга, кейин ҳаж сафарига юборишяпти" деб айтиб қўя қолинг. Қайтишда у кишига бирор совға-салом олиб келарсиз ёки ўзим у кишига яхшигина кийимлик олиб бера қоламан.

Шундай қилиб сафарга отланган аёллар келишилганидек ҳижобда эмас, балки ўз кундалик кийимларида Қирғизистон чегара божхонасидан "Биз зиёратга кетаяпмиз" деб Ўш шаҳрига ўтиб кетишди. Уларни Бўриной билан Жовудбеклар кутиб олишиб, микроавтобустга ўтказишдида, аввалига Сулаймон ота зиёратгоҳига олиб боришди. Сўнгра Бишкек томон машинада олиб кетишди. Ниҳоят Бишкек аэропортига етиб боришди. У ердан Покистоннинг Карачи шаҳри сари парвоз қилишди.

Жовудбек аёлларга "Сизлар тўғри ҳаж сафарига кетаяпсизлар. Бу йўл жуда қисқа йўл. Божхона "бош оғриқ"лари кам. Ҳажга кетаётгани тангрини ўзи қўллайди", деб айтди. Ниҳоят манзилга етиб Карачининг шимолий-шарқ томонида жойлашган Афғонистон чегаралари яқинидаги қандайдир махсус аёллар

мадрасасига олиб бориб жойлаштиришди. Лекин бу ер қуролланган кишилар томонидан қўриқланаркан. Бу ерда чечен, озарбайжон, тожик, қирғиз ва бошқа миллатга мансуб аёллар ҳам бор эди. Дастлабки кунлари улар билан яхши муносабатда бўлишиб, ислом ва ваҳҳобийликдан назарий сабоқлар берила бошланди.

Қизиқувчанликми ёки шароитни етарли билмаганлари учунми, бу ердан қочиш кетиш ҳақида ўйлаб ҳам қўришмади. Ҳамманинг ўйида бир фикр бор эди: "Бир ой ўқиймизу сўнгра кема орқали Маккаю Мадинага ҳажга борамиз. Ундан кейин юртимизга қайтамиз".

Ниҳоят назарий машғулотлар тугагач, бир ёпиқ ҳарбий машинада қуролланган нотаниш кишилар келишиб уларни машинага ўтиришларини буюришди. Аёллар билан доим яхши ҳамсуҳбат бўлиб келган ва улар билан Қирғизистондан то бу ергача ҳамроҳ бўлиб келган Бўриной билан Жовудбек қаёққадир ғойиб бўлишганди...

Ёпиқ машина ўнқир-чўнқир чўл ва тоғ йўлларида жуда узок юрди. Тинкалари қуриди. Фақат бир-икки бор булоқдан сув ичиб, тамадди қилиб олиш учун тўхташди. Шарофат ва бошқа аёлларда бундай нотаниш жойлар шубҳа уйғотган бўлсада, ҳамон ўзларини ҳаж йўлидаги қандайдир қадамжога бораяппиз, деган ўй ҳукмрон эди. Ниҳоят олис йўл босиб келган машина қандайдир ҳарбийлар томонидан қаттиқ қўриқланаётган қўрғон ичига кириб борди.

Улар йўл азобида ҳориб-чарчаб етиб келган бу жой пастқам, лой тупроқли уйлардан иборат бўлиб, атрофи тиканли сим билан ўраб олинган, қолаверса, Афғонистон чегарасига яқин бўлган Покистондаги мужоҳидлар тайёрловчи махсус лагерлардан бири эди.

Бу ерда муслима талабалар олган назарий билимларини янада мустақамлаб, ўз-ўзини худо йўлига шаҳидликка тайёрлаш ва исломни тан олмайдиган кофирларга қарши жиҳод қилиш бўйича амалий машғулотлар ўтказишар, одам ўлдиришга мўлжалланган портлатиш воситалари билан яқиндан таништириларди. Аллоҳ йўлида шаҳид кетишлик ҳар қандай мўмин-

мусулмон учун шараф экани ва уларга жаннатнинг энг муътабар жойларидан насиб қилишлиги ҳақида қироат билан тинимсиз тушунтирилди.

Бир аёл алданганидан пушаймон бўлиб, бу ердан қочиб кетмоқчи бўлди. Уни бошқа аёллар кўз ўнгидан азоблаб, дўппослашди. Сўнгра чалажон ҳолатида зиндонбанд қилишди. Қолганлар қўрқиб қолишди. Шарофат гуруҳ сардори бўлгани учун ўзи адашганини англаб етган бўлсада, бошқаларни тинчлантириш ва ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетиши ҳақида ишонтиришга масъул эди. Отинойи унга "Сиз жуда сабрли ва матонатли бўлинг. Сафарда ҳар хил кутилмаган воқеалар содир бўлиши мумкин. Ҳеч қачон сардорлигингизни унутманг. Сизга топшириқ бўлдим, демакки Аллоҳ йўлида уни бажаришингиз фарз. Шундай бўлиши мумкинки, керак бўлса ўз қишлоғингизни, эрингизни ҳам унутасиз. Сиз энди ўзингизни ислом лашкарларидек дадил тугинг, хўпми" деб тайинлаб юборганди.

Мана ислом лашкари нима эканини ўз кўзи билан кўрди. Энг хунуги, бу ердаги беаъни тартиб-қоидалар экан. Қондаларга кўра ёлғиз, боши очиқ аёлларни жамоат жойларида юриши ман этилган. Лагерь албатта жамоат жойи ҳисобланар ва бу ерда номаҳрам эркаклар билан юзма-юз бўлишга тўғри келарди. Шу туфайли ҳам бу ерга келтирилган талаба аёлларни улар хоҳлайдиларми-йўқми, бирор зобит ёки хизматчиларга хотинларининг устига кундош сифатида мажбуран никоҳлаб қўйишаркан-да, сўнгра "фалончининг канизи" ёки "жорияси" деб чақирешаркан.

Бу кутилмаган ҳол албатта аёлларнинг кескин норозиликка сабаб бўлди. Лекин аёлларнинг қўлидан нима ҳам келарди? Тақдирга тан беришдан ўзга чора йўқ эди. Бир аёл "Мен эримга хиёнат қилмайман" деб ўз-ўзини осиб қўйди.

Жасадни атайин, сасиб кетмагунича дордан олишмади, балки бошқаларга уни шайтон йўлдан оздирган дўзахи сифатида намуна қилиб кўрсатишди.

Амир ўз ваъзларининг бирида "Сизлар Аллоҳ суйган бандасизлар. Бировга никоҳлаб қўйиш дегани бу танмаҳрамлик де-



гани эмас, балки сизларнинг хавфсизлигингизни, бу ерда бемалол илм олишингизни таъминлаш, саломатликларингизни асраш мақсадида вақтинчалик бировнинг қарамоғига бириктириб қўйиш, холос. Ватанларингизга қайтаётганларингизда, албатта, улар шаърий талоқларингизни беришади. Сизлар Ҳожи она бўлиб боргач, яна ўзларингизнинг эрларингизга никоҳланиб олаверасизлар. Қўрқманглар, сизларга ҳеч ким тегмайди, менга ишонинглар! Бу ҳам бир расмиятчиликда..., — деди у соқолини "Иншооллоҳ" деб ҳузур қилиб силаб оларкан.

Шундан сўнг аёлларни бир қатор "тиббий кўрик"дан ўтказишди ва юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида аллақандай оқ кукунли дорилар билан билакларидан эмлаб чиқишди. Исён кўтармоқчи бўлиб, "қайсарлик" қилиб турганлар ҳам энди "юввош гортиб" қолишди.

* * *

Шарофатни Саид Карим исмиди серсоқоз. Баданидан доим бадбуй тер ҳиди анқиб турадиган. ҳўппа-семиз, юқори мартабали зобит кишига саккизинчи канизак қилиб беришди. У дастлаб қаршилик кўрсатди. Бироқ яхшигина бир-икки мушт зарбини егач, ўзидан кетди ва энди ҳеч қандай қаршилик кўрсата олмади. Фақат тушунарсиз тилда чуғурлашаётган аёллар уни ювинтиришаётганидагина ўзига келди. Билагига қандайдир укол ҳам қилишибди. Аёллар кундошлари экан. "Нима қилиб қўйдинглар? Ахир, ахир мен эримдан ажралмаганманку!" — дея норози қичқирди у ва лагерь бошлиғининг ҳузурига шошиб кириб борди. Аммо ҳарбийча кийиниб, қўлидаги тасбеҳни шақиллатиб ўтирган бошлиқ уни кескин тўхтатиб, деди:

— Сен энди ўша кофирмижоз эрингни унут. Ислом йўлида керак бўлса отангдан ҳам воз кечасан! Чунки сени яккаю ягона Аллоҳ яратган. Ота-онанг сен учун ҳеч ким эмас, улар сенинг туғилишингга сабабчи бўлишган бир осий бандалар, холос. Эринг ҳам фарзанд кўришинг учун бир восита. Ана туғмоқчи бўлсанг энди Саид Каримдан истаганингча туғавер, — деди у ва хохолаб кулиб юборди.

Соқчилар Шарофатни мажбуран олиб чиқиб кетишди ва уни "тинчлантириш" учун билагига яна игна санчишди.

Шарофат ўзини яна сархуш ҳис қилди. Ўзига келгач ҳижрат сафари деб алдаб жўнатган Ҳидоят отинни ва унинг чиройли гапларга учган ўз-ўзини тинмай қарғади. Лекин энди кеч бўлганди. Тақдирига тан берган аёл энди бу ердан бир илож қилиб қочиб кетиш ҳақида ўйлай бошлади. Қочиб кетишнинг бирдан — бир йўли Амирнинг топшириқларини бекаму кўст бажаришга рози бўлиб, унинг ишончини қозониш, чегарадан ўтиб олиш ва пайт топиб ҳукумат одамларига бўлган гапларни айтиб бериш эди.

Бундай фурсат келгунича ҳамма азобларга чидамоқ, қайнонаси айтганидек, фақат сабрли бўлмоқ керак бўларди.

Аммо унданда кўра янада хунукроқ воқеалар юз берди.

Шарофатнинг иккинчи шаърий эри Саид Карим "Қора чопонли"лардан экан. "Қора чопонли"лар баъзан бекор пайтлари устларига қора чопон ёки кастюмнинг енгини киймай елкасига ташлаб олиб кўчаларни айланиб чиқиб келишар ва ўзларининг шаърий никоҳида бўлган тўртта "севимли" хотинидан ташқари ихтиёрий-мажбурий никоҳига олинган канизак ва жорияларнинг танасини бойваччаларга пуллаш пайида бўлишаркан. "Тирикчилик-тирриқчилик" дегани эҳтимол шудир...

Узоқдан "Қора чопонли"ни кўриб, дам олишни ихтиёр қилган бойвачча эркаклар кўчадаёқ у билан қўл бериб савдолашишар, "мол эгаси" "харидорга" канизакларнинг суратини ёки унинг хоҳишига кўра ўзини кўрсатишар, нарх-навони таллашиб-тортишишар ва ниҳоят, пулига яраша хизмат кўрсатиш учун алоҳида махсус "дам олиш" хонасига олиб кириб уларни кўшиб қўйишаркан.

Албатта, янги келган канизаклар бу муносабатни осонликча ўзларига қабул қила олмаслиги табиий эди. Шу туфайли, уларга руҳан мадад бўлиши, ўзларини "яхши ҳис қилишлари учун" "героин" деб аталмиш оқ кукунли доридан укол қилдириб қўйиларди. Қарабсизки, кейин аёл ўзини "ҳақиқий жаннат"да юргандек ҳис этарди.

Шарофат билан ҳам шундай бўлди. Уни "тиббий эмляп-

миз, бўлмасам юқумли касаллик орттириб оласиз" деб ишонтиришди. Бир аёл билагига укол қилди. Шундан сўнг Шарофат ўзини яна сархуш ҳис қилди. "Устиларингдан арз қиламан!" "Судга бераман!" деб бақир-чақир қилиб ўтиришга ҳожат ҳам қолмади. Серсоқол, бегона бир эркак билан тинчгина ишрат қилишди...

...Сўнгра аста-секин танаси оғуға ўрганиб борди ва керакли дозани олиб туриш учун энди у ҳар қандай хизматга тайёр бўлди. Маълум муддат ўтгач оғу хумор қилиб, баданлари тиршиб тортишар, оғриқдан "дод!" деб бақирарди. Фақат ўша оқ оғу кукуни унинг жонига оро кирарди. Бошқа аёллар ҳам худди шу сингари эдилар. Улар ҳар қандай юмуш учун ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр бўла бошлашди.

* * *

Ҳайдар охирги курсга ўтиб қишлоғига қайтди. Ойисидан хотинининг икки ой аввал ҳижрат сафарига кетиб қайтиб келмаганини эшитиб ҳайрон бўлди.

— Нега у мендан бир оғиз ҳам сурамади. ойн?

— Қўққисидан кетадиган бўлиб қолишди-да. Тўртта аёл кетишди. Давлат ҳисобидан, бепулмиш.

— Қасрга кетинди?

— Арабистонга-да. У ерда ўқишиб малакаларини оширишармиш. Ҳам ҳожи она бўлиб қайтиб келишармиш. Бунинг нимаси ёмон, болам? Қанийди менга ҳам ўша ёқларга бориш насиб қилсайди, — деди она ўсмоқчилаб.

Аёл ўғлидан ҳозир "Бўпти ойн, худо хоҳласа сизни ҳаж сафарига ўзим олиб бориб келаман" деган гапни эшитишни жуда-жуда истаганди. Аммо ўғил кўрғур бепарво қўл силтаб қўя қолди.

— Хат-пат ёздими? — сўради йигит бир оз сукутдан сўнг.

— Йўқ. У ёқдан хат келармиди?— деди норози оҳангда она.

— Жулаям солдасизда, ойн. Унга бирор гап бўлган бўлсачи?

— Э, йўғе. Ҳаж сафарига кетган мўмин-мусулмонни худойимнинг ўзи асрайди. Мана кўрасан, келиним уйимизга ҳожи она бўлиб кириб келади. Ҳамма унинг пойи-қадамини ўпади. Кейин у қишлоғимизнинг отинбибиси бўлади. Одамлар мен-



гаям иззат-ҳурматда бўлишади. Ҳой, сен ҳам энди намозни ўрган, болам. Эл қатори жума масжидга бор...

— Э-э... Қанақа иззат-ҳурмат?! Мени тинч қўйинг, ойи, — деди Ҳайдарнинг жаҳли чиқиб. — Шунақа деяверсангиз шаҳардан бутунлай келмайман, ўша ёқда "нормальный" қизга уйланиб оламан. Ундан кўра боринг, Шарофатни ўша сафарга жўнатганларни топинг. Ўқишининг манзилими, телефон рақаминими топиб беришсин. Бўлмаса мен уларни хафа қиламан. Тўғри милицияга бораман, айтиб қўяй! — деди йигит жиддий.

* * *

Ҳидоят отин Сулпинисо холани илиқ қарши олди.

— Келиним Шарофатдан дарак йўқ. Ўғлим шаҳардан қайтиб келиб, хотинини сўраб менни ҳол-жонимга қўймаптида, ўргилай.

— Вой, сиз Шарофатхоннинг қайнонасимисиз? Қандай яхши. Бирам яхши, ақлли келинингиз борки, худо хоҳласа у кишлопингизни кўрки бўлади.

— Раҳмат. Ўғлим Ҳайдаржон "Агар иложи бўлса аёлимнинг манзилини ёки телефон рақамини ёзиб беришсин" деди. Шунга ...

— Вой нега иложи йўқ экан, жуда иложи борда, айланай. Улар ҳозирда энг ишончли мударрисларимиз қўлида таҳсил олишмоқда. Манзилини билмайману аммо менда домламнинг телефон рақами бор. Мана ҳозироқ қўнғироқ қилиб кўрамиз. Ўша ерда бўлсалар Шарофатхон билан албатта ўзингиз гаплашасизда, ўртоқжон.

— Вой, яхши бўларди. Кўнглим хижил. Бир ойма бўлса бориб кела қолинг, деб мен рухсат берувдим, ўғлимдан балога қолдим. Ахир икки ойча бўлдида.

— Ўқиш шунақа бўладида, опажон. Илмни мукаммал эгаллаш учун хатто йиллар ҳам камлик қилади. Манг, манави келинингизнинг икки ойлик стипендиясини олиб қўйинг. Ўғлингизга берсангиз ҳам майли, хурсанд бўлишади. Бир оз сабр қилишсин энди, ҳўпми? — деди отин ойи ва киссаси-

дан 100 долларликни чиқариб Сулпинисо аянинг қўлига тутқаздида, ўзи тез телефон гўшагини қўлига олиб, рақамларини теришга тутинди. Ҳидоят отин ҳам аслида жўнатилган аёлларнинг сафари узоқлашиб кетганидан хавотирда эди. Унга ҳам фақат бир ойга дейишганди. Кўп ўтмай гўшакдан "Алло!" деган эркак кишининг овоз келди.

— Ассалому-алайкум, ҳорманг, домлажоним. Мен шогирдингиз, Ҳидоят отинман. Вой, чарчамай, яхши юрибсизларми, домлажон?

— Иншоллоҳ, худога шукур. Аллоҳнинг хизматидамиз-да...

— Э яшанг! Бизнинг қизларимиз қалай, қийналишмаяптими, ишқилиб?

— Бир оз об-ҳавога мослашмай қийналишли. Энди кўникиб қолишди. Худога шукур, яхши сабоқ олишаяпти.

— Жа узоқиб кетишдику-а?...

— Хориждан таклиф этилган домлалар кечроқ келишди-да. Шунга...

— Вой, шунақами? Шарофат деган жувоннинг қайнонаси хавотир олиб ҳозир ҳузуримга келувдилар. Шунга нима дейсиз, у киши билан гаплашиш мумкинмикан-а?

— Албатта мумкин. Мен ҳозир уни суриштириб биламанда, кейин ўзим сизга қўнғироқ қиламан, хўпми?

— Вой, сизга раҳмат, домла, узр, тушунасиз-ку ахир!

— Ҳечқиси йўқ, хижолат бўлманглар, икки соатлардан кейин-а?...

— Хўп, домла. Катта раҳмат сизга! Кутамиз...

Ҳидоятнинг чеҳраси очилиб Сулпинисога юзланди:

— Ана кўрдингизми, ҳаммаси яхши, дедимку!

Сўнгра оқсоч аёлни чақириб тез бир овқат тайёрлаб келишни буюрди.

— Вой, ҳеч нарсага уринманг, қоқиндиқ, — деди Сулпинисо.

— Ахир қўнғироқни икки соат кутарканмиз-ку. Келинингиз билан гаплашиб қўнглингиз хотиржам бўлиб кетасизда, айланай.

Зобит Саид Карим хотини Шарофатни юртидан яқинлари телефонда гаплашишга чақиришаётганини эшитгач, белгиланган тартибга кўра ундан телефонда гаплашилаётганида ўзини қандай тутишни ва нималар деб жавоб бериши кераклигини уқтирди:

— Айтиб қўяй, агар ортиқча гап-сўз қиладиган бўлсанг ўша заҳоти сўйиб ташлайман! "Ўқишларим яхши, тез орада бориб қоламан" дегин, тушундингми?

— Хўп бўлади, — деди Шарофат итоат билан ва қувонганидан кўзларидан ёш дувиллаб кетди. Оғриётган билagini силаб, кўкара бошлаган бармоқларини муштлаб олди.

— Юр, тезроқ! — дея ўшқирди зобит уни тушуниб. — Ўзингни яхши тутсанг яна дори оласан!

Қўнғироқ қилиб, гўшакни Шарофатнинг титроқ қўлига тугъизишди. Саид Карим аёлининг бўйнига муздай пичоқ тигини тираб, бошқа бармоғи билан "жим" ишорасини қилиб турди. Шарофат бўлса, яхшигина роль ижро этиб берди:

— Вой ойижоним, яхши юрибсизми?... Ҳа. Ўқишларим яхши, яқин орада тугаб қолади. Хавотир олманглар, хўпми? Илюжи бўлса домлаларимни бошқа безовта қилманглар, илтимос. Жуда ноқулай бўляпти-да. Чунки улар бизни Аллоҳ йўлида сабрли бўлишга ўргатишяпти. Хўп, хайр ойижон, яхши қолинг, эсон-омон кўришайлик! — дедила, гўшакни тез қўйиб қўйди.

Сулпинисо ая ўғли, қишлоқдагилар ҳақида яна унга кўп гапларни гапириб бермоқчи ва бошқа нарсаларни ҳам сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганича қолаверди. "Стипендиянгни олдим, раҳмат қизим", демоқчи ҳам эди, афсус...

Ҳидоят отин уни яхшилаб меҳмон қилиб остонагача ўзи кузатиб чиқди. Шундай қилиб Сулпинисо ая ўғлининг ҳузурига қувониб қайтди ва келини билан гаплашгани ҳақида ўзидан қўшиб сўзлаб берди. Онасининг зўр бериб Шарофат тўғрисида "ёниб-қуйиш"ларини кўриб йигитнинг хаёлида пайдо бўлган барча шубҳалари ғойиб бўлди.

Аммо ўн кунлар ўтгач, тунда тўсатдан уйларига аллақандай харбийлар ташриф буюришди ва уни ҳибсга олиб кетишди.

Фақат, сўроқ пайтидагина Ҳайдарнинг кўзи мошдай очилди.

— Манави сизнинг хотинингизми? — сўради миллий хавфсизлик хизматининг терговчиси капитан Мағрупов Ҳайдарнинг олдида қора ҳижоб кийиб олган бир аёл суратини ташларкан.

Суратда Шарофат ўзининг "севимли қора чопон" эри билан турар, Саид Каримнинг елкасида "калашников" автомати бор эди.

Ҳайдар ҳайрон бўлиб сўради:

— Ҳа. Нима гап, тинчликми?

— Саволни мен бераман. Ҳозир аёлингиз қаерда?!

— Хорижда, ўқишда бўлиши керак...

— Қанақа ўқишда?! — сўради зобит Ҳайдарнинг кўзларига гўё асир олган душман каби ўтли нигоҳ билан боқиб.

— Арабистонда. Чамамда ҳаж сафарига кетувди, шекилли.

— Ҳажга дейсизми? — киноя билан сўради терговчи ва қўшиб қўйди: — Эр бўласизу, хотинингизнинг қаердалиги, ҳозирда нима ишлар билан машғул эканини билмайсизми?!

— Йўқ. Мен ўқишда эдим. Келсам бир гуруҳ аёллар билан ҳижрат сафарига кетишди, дейишди. Мени огоҳлантирганиям йўқ.

— Қаерда ўқийсиз?

— Тошкентда, пединститутда.

— Сиз ҳам диний оқим аъзолариданмисиз?

— Йўғ-е. Қанақа оқим?

— Тўғриси айтиверинг. Ёлгон кўрсатма берсангиз ўзингизга ёмон бўлади. Биз барибир ҳаммасини аниқлаймиз!

— Бунақа оқим ҳақида ҳечам эшитмаганман.

— Хўп. Айтайлик сиз ҳақсиз. Лекин аёлингиз унинг фаол аъзоси эканини биласизми?

— Ўлай агар, йўқ! — дея ҳайратдан қотиб қолди Ҳайдар.

— Нима учун эр сифатида хотинингизни назорат қилмайсиз?! Ахир бир оила бўлсангиз!

— Мен оддий бир талабаман, холос. Қишлоқда келин билан онам яшайди.

— Шунақами? Яхши, унда онангиздан сўраб ҳали ҳаммасини аниқлаймиз. Унгача, яхши йигит, алоҳида камерада ўтира-

сиз. Яхшилаб ўйлайсиз. Сизни бу ерга бесабаб олиб келганимиз йўқ, тушундингизми?!

— Қачонгача ўтираман? Яқинда ўқишларим бошланадику, охирги курсдаман, ахир! — хавотирлик билан сўради Ҳайдар.

— Қанча керак бўлса шунча ўтирасиз, — деди терговчи жиддий. — Бизга маълум бўлган маълумотларга кўра хотинингиз чиндан ҳам хавфли жиноятчи бўлиб чиқадиган бўлса, унда сиз ҳам қонун олдида шерик сифатида жавоб берасиз! Ўз хотинини йўлга сололмаган эркакдан қанақа педагог чиқиши мумкин?! Нима, сиз давлатни аҳмоқ деб ўйлаяпсизми?! — деди у "ўқишни хаёлингдан ҳам чиқариб ташла" деган маънода.

Ҳайдарнинг юраги така-тука бўлиб, пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди. Назарида терговчи унга ноҳақ айблов қўймоқда эди.

— Хогиним жиноятчи эмас! Менга буни исботлаб беринг! — дея қичқирди у.

— Исбот керакми?! Аёлингиз ўз ватанига хиёнат қилишда айбланади. Эътиборингиз учун у ҳозир Арабистонда эмас. Покистондаги махсус муҳофизатчи тайёрлаш лагерида, тушундингизми?! — деди терговчи жаҳт билан сголга мушт гушириб. Ҳайдарнинг олдида яна бир неча фотосуратларни ташлади. — Ана кўриб қўйинг, сиз ҳам уларга шериксиз! Соқчи! Маҳбусни олиб кетинг!!!

Ҳайдар фотосуратларда акс этган хунук манзараларни кўриб даҳшатга тушди. Қора ҳижобли аёллар орасидан хотинини кўзларидан аранг ажратиб олди.

Шундан сўнг Ҳайдарнинг уйи тинтув қилинди. Уйда хориждан келтирилган бир қанча ноқонуний диний китоблар, конституцион тузумга қарши ва халифаликни ташвиқот қилувчи варақалар топилди. Ўша куни Сулпинисо холани ҳам сўроққа олиб кетишди. Содда аёл нима қиларини билмай довдираб қолди. "Астафуриллоҳ, уйимда илон сақлаб ўтирган эканманда, тавба" деб қўйди. Уни ҳам ёпиқ камерага олиб кириб, устидан қулфлаб қўйишди.

Тўсатдан келган балои-ғам, ташвиш онанинг қаддини букиб қўйди. Юраги дош беролмай ётиб қолди. Ўн кунлар ўтгач

унинг бетоблигини ҳисобга олиб она-болани қишлоқдан ҳеч қайёққа чиқмаслик шарти билан уйларига элтиб қўйишди. Хола бор билганларини рўй-рост гапириб берди. Кейин маълум бўлишча Ҳидоят отин ва унинг атрофидагилар ҳам қўлга олинбди.

Тақводор аёлининг қилмиши Ҳайдарни адои тамом қилди. Айниқса, терговчининг охириги гапи унинг дилини шундай вайрон қилдики, у дод деб юборай деди.

— Ҳайдарбек, — деди зобит жиддий. — Бизга келган ҳуфия маълумотларга қўра, аёлингиз ва у билан бирга кетган аёлларни ўз жонига қасд қилиб шаҳид кетадиган террорчи, яъни "камикадзе" сифатида тайёрлашмоқда. Аёллардан бири қочишга муваффақ бўлибди. Чегарачиларимиз уни Амударёда бир тўнкага илашиб оқиб келаётганида тутиб олишибди. Аҳволи жуда оғир экан. Аёл бизга госпиталда кўрсатма берди. Унинг айтишча, аёлларни мажбуран ўша лагердаги хизматчиларнинг хотинлари устига кундош сифатида никоҳлаб беришганмиш.

— Нима?! Қ-қанақасига?!.. — сўради эси оғаёзган Ҳайдар.

— Чунки уларнинг тартиб-қонунларига қўра, бева аёлларнинг жамоат жойларида ёлғиз юриши мумкин эмас экан. Уларни мажбур қилишганмиш. Бир аёл ўз жонига қасд қилиб ўлибди.

— Нима? Хотиним?!...

— Хотинингиз соппа-соғ, у ўша биздан борган гуруҳнинг сардори экан. Хуллас, аёлингиз нафақат ватанига, балки сизга ҳам хиёнат қилган кўринади. Танишинг, манави унинг янги эри экан, — деди терговчи суратдаги Саид Карим устига бармоғини қўйиб.

— Йўғ-е?! Бўлиши мумкин эмас!— деб юборди Ҳайдар бошини чангаллаб.

— Ожиза аёлларнинг қўлидан нима ҳам келарди, — деди терговчи йигитнинг елкасига қўлини қўйиб хўрсиниб оларкан, — Агар аёлингиз соғ-омон қайтиб келса... Э, йўқ, яхшиси ўзи айтмагунича ундан ҳеч нимани сўраманг, хўпми? Биз уларнинг режасини аниқлашимиз керак. Уларни қаерларга юборишмоқчи, мақсадлари нима? Бизга ёрдам беринг, Ҳайдар!

Ҳайдарнинг нафрати шундай жумбушга келди-ки, агар ҳозир хотини қўлига тушиб қолгудек бўлса, уни бўғиб ўлдириб ташлашга тайёр эди. Юзи докадай бўзариб, лаблари беихтиёр титрай бошлади.

— Ўзингизни босинг, Ҳайдар! Тушунаман, ҳозир сизга оғир. Хотинингиз бизга гувоҳ сифатида керак бўлади.

Ҳайдар чурқ этмай бошини чангаллади.

— Сизни ва онангизни қўйиб юборамиз. Фақат бир шарт билан.

— Қанақа шарт? — сўради Ҳайдар аранг.

Унинг гили қалтираб, лаблари лип-лип учаётганди.

— Мабода хотинингиз қайтиб келгудек бўлса ёки ундан бирор хабар келса дарҳол бундан бизни воқиф қиласиз. Аммо ҳеч кимга овоза қилмайсиз. Ўзингизни ҳеч нима бўлмагандай тута-сиз. Онангиз ҳам шундай қилади, келишдикми?

— Ҳа. Келишдик.

— Онангизнинг соғлиғи яхши эмас. У кишини даволатинг. Лекин сизларга қишлоқдан тайёқарига чиқиш ман этилади.

— Ўқиним-чи?

— Ўқишни ҳозирча унутасиз. То ўша хавфли террорчилар қўлга олинмагунича, қолаверса, уларнинг режасини аниқламагунимизча сизлар гумондор шахс ҳисобланиб тураверасизлар. Кейин бизнинг назоратимизда бўласизлар. Бизга ёрдамларинг керак. Тушунинг, улар неча-неча бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлишлари мумкин.

— Ахир бу мусулмончиликка зид-ку!

— Ҳа. Уларнинг мияларини заҳарлашган. Ўзларини гўё ислом лашкарлари, деб билишади ва жиҳод йўлида ўз жонларини фидо қилишдан ҳам тойишмайди. Бу диний оқимнинг мақсади ислом динини ниқоб қилиб олиб, мусулмончиликни тарғиб этиш эмас, балки террористик зўравонлик, қирғинлар ўтказиш йўли билан давлат тўнтаришини амалга ошириб ўз ҳокимиятларини ташкил қилишдир. Қишлоғингиздан кетган аёллар ҳам ўша махсус лагерда аслида террористик йўл билан одам ўлдириш илми-амалиётидан таҳсил олишмоқда. Ана сизга бор ҳақиқат! Лекин бу гап орамизда қолсин.

* * *

Ҳайдар уйга қайтганида фикри-ўйи тақводор хотинининг қилмишлари билан банд бўлди. Ўзини қўйишга жой топа олмай, дардини кимга айтишини билолмасди. "Нималар қилиб қўйдинг, Шарофат?! Сен Шарофат эмас, фирт касофат экансан-ку! Сен мочағарни ўлдиришнинг ўзи ҳам савоб!" деб қўйди у хаёлан ва муштларини шундай сиқди-ки, илк бор жаҳолатнинг кескир тиғи юрагини яралаб ўтгандай туюлди.

Фам, алам уни адойи тамом қилди. Аммо шундай руҳан тушқун кунларнинг бирида ўлган устига чиқиб тепгандай яна бир нохуш воқеа юз берди.

Тунлардан бир тун икки ниқобли нотаниш кимсалар уйига ташриф буюришиб ток тагидаги сўрида ухлаб ётган Ҳайдарнинг томоғига пичоқ тирашди. Бу Бўривой билан Жовудлар эди. Афсуски, бу дамда Сулпинисо ая ҳовлига ўтган ва қайтишида босқинчиларнинг ўғлига ўтказётган зуғумига гувоҳ бўлиб қолиб ўзини яшил тўсиқ ортига олган ва қўрққанидан ўзидан кетиб йиқилиб қолганди.

— Тўғриси айт, терговчига нима дединг?! — сўради Жовудбек.

Бўривой бўлса пичоқ тиғини баттар ботирди.

— Нима ҳақида сўраяпсизлар, тушунмаяпман, қанақа терговчи?

— Каллани гаранг қилма! Ҳаммасидан хабаримиз бор. Агар тўғриси айтмасанг, сени ҳам, онангни ҳам ҳозир сўйиб кетамиз!

— Хотиним ҳақида сўради. Нега унга хорижга боришга рухсат бердинг, деди. "Мен талабаман, унинг кетганидан беҳарман" дедим. Шу ҳолос.

— Ҳидоят отинни ким сотди? — қатъий сўради Жовудбек.

— Билмайман. Мен у кишини танимайман.

— Яна нималар ҳақида сўради? Гапир!

— Бошқа ҳеч гап йўқ.

— Бекорларни айтибсан! Ўн кун ўтирасану бошқа гап бўлмас эканми?! Сен ифлосни бекорга қўйиб юборишмагандир?...

Пичоқ тиги багтар ботди.

— Тўғрисини айт! Бўмаса ҳозир сўйиб тащлайман-а! — дея дўқ урди Бўривой.

— Т-тўғриси, ш-шуда...

— Уларни қаердалигини айтишдими?

— Кимларни айтяпсиз?

— Кимларни бўларди, хотинингни-да.

— Йўқ, айтишмади. Кейин "Сен ҳам хотинингга шериксан" дейишди.

Пичоқ тиги энди хиёл бўшатишгандай бўлди.

— Тўғри айтишибди. Сен ҳам, албатта, шериксан. Айтиб қўяй, бизнинг келганимизни орган одамларига етказадиган бўлсанг ўша куниеқ сотқин сифатида сени чавақлаб кетамиз. Тушундингми? — деди Бўривой пичоқини қинига қайтиб солиб қўяркан.

— Тушундим. Хотиним қаерда ўзи?

— Ҳалемай келиб қолади. У келганида бирорта ортиқча сўз қилмайсан. Қандай янаган бўлсанг унандай яшайверасан. Тушундингми?! Агар бирор жойга бемаъни хабар бергудек бўлсанг, сени ва онангни нимталаб, гўштарингни итларга тащлаб кетамиз, ўқдингми?

— Уқдим.

— Бизни кўрганинг ҳам, билганинг ҳам йўқ.

— Тушундим.

Ҳайдар учун нотаниш бўлган ниқобли кишилар тезда ғойиб бўлишди.

Бу ҳақида Ҳайдар тегишли идорага хабар беришдан чўчиди. Тўғриси, қўрқди. Чунки онасининг юраги ёмон. "Яхшики, улар онамни безовта қилишмади". Лекин у янглишганди. У онасини ичкарида бўлган ишлардан, беҳабар, тинчгина ухлаб ётибди деб хотиржам эди. Шу туфайли аёл ёрдамсиз ва қаровсиз яшил тўсиқ ортида туни билан беҳуш қолиб кетди. Фақат эртаси гушликка яқин уни оғир аҳволда топиб олди.

Кутилмаганда келган ташвиш, ғам онанинг хаста юрагини ларзага солган, у ўғлига бўлаётган ноҳақ тажовуздан жуда

қўрқиб кетганди. Сулпинисо ая жонлантириш хонасида бир ҳафтача ётгач, бу фоний дунёни армон билан тарқ этди.

* * *

Шарофаг маърака куни қора ҳижобда кириб келди. Унинг фақатгина қоп-қора чиройли кўзларигина очиқ бўлиб, улар жуда олазарак эди. У аёллар орасига ўзини уриб уввос солиб йиғлай бошлади. Уни қўни-қўшни, қариндош-уруғлар марҳума Сулпинисо аянинг гапи бўйича ҳажга кетган деб билишарди. Шу туфайли баъзи аёллар унинг пойи-қадамига қўл уриб, этагини кўзларига сурга бошлашди. Ҳайдар бу ҳолни тасодифан кўриб қолиб фиғони фалакка чиқди. Ўзини аранг тутиб турди. "Ярамас, қанжиқ!" деди ичида.

Азадор Ҳайдар хотини келгани ҳақида хавфсизлик хизмати ходимларига хабар беришни ҳам, бермаслигини ҳам билолмай боши қотди. У бир жиҳатдан аввал ўзи эр сифатида хотини билан орани очиқ қилиб, масалани ойдинлаштириб олмоқчи бўлган бўлса, иккинчидан, ниқобли кишилар ташрифидан чўчида.

Онасининг ўлимига сабабчи бўлиб, ўзининг ҳаётини расво қилган қора ҳижобли хотинининг маросимда ҳеч нима бўлмагандай бемалол юриши ва қариндош аёлларнинг унга нисбатан иззат-икромини кўриб ниҳоят Ҳайдар чидай олмади. Фиғони фалакка чиқди. Маҳалладошлари билан бирга ўтирган ўрнидан тўсатдан ирғиб туриб кетди.

— Ҳе, онасини... бунақа ҳаётни!... — дея тўсатдан бақириб, сўкиниб юборди.

Атрофдагилар бу беодобликдан танг қолишди.

— Ҳой, Ҳайдар! Ўзингни бос! — деди маҳалла оқсоқоли уни тартибга чақириб ва ҳамдардлик билдириб қўшиб қўйди: — Ўлим ҳақ, ўғлим. Худойим сенга сабр берсин! Мана хотининг ҳам келиб, энди бағринг тўлиб қолди, ҳожи она бўлиб келди у. Афсус Сулпинисога бундай мушарраф кунларни кўриш на-сиб қилмади-да...

Унинг гапига ёнидаги қўшнилари ҳам бир овоздан қўшилишди. Ҳайдар дод деб юборай деди ва ичкарига кириб бошини

ёстиқлар орасига олиб овозининг борича бақира бошлади. Бир қўшни мўйсафид бошини тебратиб "Қўяверинглар, ёшда ёш, онасининг ўлимига чидай олмаяпти, бечора" деб қўйди.

Фотиҳага турнақатор бўлиб, янги-янги одамлар гуруҳи келаверишди. Домла тиловат қилишдан тинмади. Маҳалладошлар ўтиришди, туришди, келди-кетдиларни кузатишди. Аммо Ҳайдар ичкаридан қайтиб чиқмади. У ҳагто гушликда ҳам кўриниш бермади. Бағрини бериб ётган қора бахмал жилдли ёстиқларни муштлайверди, муштлайверди...

* * *

Тунда аёли унинг ёнига кирмади. У дастлабки куни маросимга келиб ётиб қолган яқин қариндошлар билан бирга бўлди. Сафар таассуротлари ҳақида ўртоқлашдимиз ёхуд уларни ҳам жиҳодга даъват қилиб каллаларини гаранг қилдимиз. ҳудо билалди. Барвақт уйғонди. Аввало шприц билан билагидан керакли дозасини олволдида, сўнгга таҳорат қилиб бемлод намозини ўқиди. Бир оз ўзига келган, тус ҳеч нима бўлмагандай сархуш тентираб юриб кўчаю ҳовлига қалин сув сепиб, супуриб-сидирди. Югуриб-елиб меҳмонларга нонушта тайёрлади. Ҳайлар ўз ёғоғидан чиқиб келганида худди бегоналардай ундан юзини тўсиб олди. Миқ этмади. Куни бўйи яна келди-кетдилар тинчиб, уйда ҳар иккиси қолишганидагина Шарофат Ҳайдарнинг хузурига ийманибгина қадам ранжида қилди:

— Хафа бўлмай ўтирибсизми, бегим? — дея аста сўради "жаҳонгашта" аёл.

Ҳайдар жавоб бермади. Бу унинг ўта норози эканидан далолат эди.

- Мен кетаяпман, — деди Шарофат узоқ сукунатдан сўнг.
- Қаёққа?
- Онамникига.
- Онангникида пишириб қўйибдимиз?
- Бутунлай кетаяпман.
- Аллақачон кетиб бўлгансан-ку, қанжиқ!
- Ҳақорат қилманг!

— Мусулмонман дейсану, никоҳнинг муқаддас эканидан беҳабармисан, нодон?!

— Эрга тегиш фарзанд кўриш учун бир сабаб, холос.

— Нима? Сен ҳали мени ўйинчоқ қилдингми?

— Гапни кўпайтирманг, жавобимни беринг!

— Қанақа жавоб?

— Талоқми. нима дейди, ҳалиги?...

Ҳайдар хотинининг олдига келди-да алам билан уни ўзига қаратди:

— Менга қара, ҳой мусулмоннинг ажинаси! Талоқ қўйилмаган хотин эрининг рухсатисиз бошқасига эрга тегиб олиши мумкинми?! — дея жаҳл билан ўшқириб сўради.

Шарофат буни кутмаганди. "Қаердан эшитдингиз?" деган савол назари билан "ярқ" этиб қаради. Сўнгра "Нима бўлса бўлди" дегандай ўзини тез тутиб олди.

— Ҳа. Аллоҳ йўлида мумкин. Мен Аллоҳнинг суйган бандасиман. Жисмим фақат унгагина тегишли, холос, билдийизми?!

— Бекорларнинг бештасини ебсан?! Сен ҳали ўша каллаке-сарларга сиғинаяпсанми?! Ҳе. сенга ўргатганнинг онасини!... — дея болохонадор қилиб сўкинди Ҳайдар ва тўсатдан аёлининг юзига мушт зарбасини берди.

Аёл йиқилиб тушди. Ҳайдарнинг жаҳли жунбушга келганди, бориб уни яна дўппослай кетди.

— Кўлингизни теккизманг менга! Сиз мен учун энди бегонаси, номаҳрамси! — дея қичқира бошлади Шарофат.

— Нима?! Энди бегона бўлиб қолдимми, ҳароми?!... Онамни сен ўлдирдинг, ҳаётимни расво қилдинг! — дея қичқирди Ҳайдар ва аёлининг томоғидан жон-жаҳди билан бўға бошлади. Шундай бўғдики, Шарофатнинг кўзлари косасидан чиқиб кетаёзди. Чунки йигитдаги ғазаб ўти шундай аланга олган эдики, ундан ўзи ҳам тутаб, ёниб кетаёзганди. Бир оздан сўнг аёлнинг ожиза жисмини жон тарк этди. Аммо у лагерда ният қилганидай Аллоҳ йўлида шаҳид кетмади, балки куппа-кундузи, ўз уйида ҳаром ўлди! Заҳарланган руҳи бўлса сарсон бўлиб қолаверди.

* * *

Ҳайдар аёлини ўлдириб қўйгач, бир сония талвасага тушиб қолди. "Тирикмикан?" деб юзларини шапиллатиб уриб кўрди. Жоҳиллик оқибатида қилган ишига пушаймон ҳам бўлди. Лекин кеч бўлганди. "Энди нима қилсам экан?" — деган қўрқинчи савол фикр-ўйини чулғаб олди.

— Наҳотки уни ўлдириб қўйдим?.. Энди мени қамашади. Онамнинг ўлиги совумасдан яна уйимиздан ўлик чиқади. Анави ниқоблилар бундан хабар топишса-чи, унда нима бўлади? Ахир мени соғ қўйишмайди-ку?.. Ҳукумат одамларига-чи, энди нима дейман?..

Йигит жасад атрофида узоқ вақт депсиниб, у ёқ-бу ёққа юрди. Тўрдаги икки сандиқли тахмон орасидаги чуқур тоқчада бир маромда чиқиллаб турган соат тунги соат 12⁰⁰га бонг урди. Соатнинг ортида сунъий туллар тикиштириб қўйилган улкан ваза бор эди. Ҳайдарнинг хаёлига вазани олиб, ўрнига жасадни ўтиргизиб қўйиш ва тоқча олдига ёниг уриб, устидан албастри лой билан текислаб суваб ташлаш фикри келиб қолди. Мурдани изсиз йўқотиш вазиятдан чиқиб кетишнинг энг маъқул йўли.

— Шундай қиламан! — деди у қатъий. — Сўраганларга бизлар ажралишдик, Шарофат хорижда бир одамга эрга тегмоқчи эмиш, маърака кун мenden талоқ олгани келибди. Кейин нарсаларини йиғиштириб олиб кетди, дейман. Ана, кимга керак бўлса ўзи суриштираверсин. Хиёнаткор хотиннинг жазоси шунақа бўлади!

Бу фикрдан сўнг Ҳайдар ўзини анчагина хотиржам ҳис қилди. Сўнгра шашт билан ишга киришиб кетди. Аввалига жасадни оқ чойшабга яхшилаб ўраб-чирмаб боғлади. Кейин уни кўтариб тоқча тўрига суянтириб, оёғини йиғиштириб гўё қўғирчоқлардай ўтқазиб қўйди.

— Сенга тиловат ҳам ҳайф. Шаҳид кетганингда ўлигинг қаерлардadir қолиб кетарди. Шукур қил, ўз уйингдасан, Шарофат! — деб қўйди у ўралган мурдага қараб киноя билан.

Айвонда печка қуриш учун олиб қўйган пишиқ гиштлар ва

уйни таъмирлашдан ортган қум, алибастр ва бир оз цемент бор эди. Туни билан куйиб-пишиб ишлади. То хўроз қичқиргунга қадар тоқчани текис қилиб уриб, устидан яхшилаб суваб қўйди. Тахмонлар орасида тоқча бор-йўқлиги билинмай қолди. Эртаси девор қуригач, устига улкан бир манзарали картинани илиб қўйди. Сўнгра Шарофатнинг кийим-кечаклари ва унга тегишли бўлган сурагу ҳужжатларнинг барчасини тандирга солиб, ёқиб юборди. Улар орасида аллақандай оқ кукунли халтачалару шприцлар ҳам бор эди.

Ҳайдар эртаси онасининг фотиҳасига келган бир-икки келди-кетдиларни кузатиб, ҳеч нима бўлмагандай жимгина юрaverди. Фақат энди очилиб гаплашмас, одамови бўлиб қолди. Одамлар ундаги бу ўзгаришни онасини йўқотганидан куйганлигига йўйиб қўя қолишди.

У энди ўқишидан ҳам бутунлай воз кечди. Қўли ҳеч қандай ишга бормай қолди. Фақат отасидан мерос қолган катта боғдан келадиган ҳосилга кўз тикиб, бир сигиру тўртта қўйни боқиш унинг кундалик эрмагига айланди. Фақат ўн кунлар чамаси ўтгачгина, уни хавфсизлик хизматидан йўқлаб келишди.

— Онангиз ўтибди, деб эшитдик. Худо раҳматига олган бўлсин, — деди капитан Мағрупов ва ўтириб тиловат қилди. Сўнгра Ҳайдарга юзланиб ундан секин сўради: — Хўш, хориждан бирор хабар борми?

— Ҳа. У маърака куни келиб нарсаларини йиғиштириб олиб кетди "Мен бошқа эрга тегаяпман, жавобимни беринг", деди.

— Нима?! Қаерга кетди? — Шоша-пиша сўради зобит.

— Онамникига деб, — деди Ҳайдар ва оёғи билан ер чизиб тураверди.

— Хўш, сиз нима дедингиз?

— "Билганингни қил, минг талоқсан!" дедим.

— Нега бизга дарров хабар бермадингиз?

— Тушунасиз-ку, бошимда минг хил ташвиш. Маросим билан овора бўлиб уни қачон кетганини ҳам сезмай қолибман. Иннайкейин аёллар йиғи-сиғи қилаётган томонга ҳар ким ҳам ўтавермайди-ку.

— Маросимга унинг ота-онаси ҳам келишганмиди?

— Отаси шу ерда эди. Аммо онасини кўрмадим.
 — Сизга яна нималар маълум бўлди?
 — У қоп-қора ҳижобга ўралиб олибди. Бу ердагилар унақа кийим кийишмайди. Унинг фақат кўзларигина очиқ, ўзи жуда ҳам безовта эди.

— Кейин уни ҳеч ким сўраб келдимиз?
 — Йўқ, — дея кўзини олиб қочди Ҳайдар.
 — Хўп, яхши. Мабодо уни биров сўраб-суриштириб келгудек бўлса, дарров бизга хабар қиласиз, хўпми? Майли, худойим сизга сабр берсин. Маслаҳатим, энди уйланинг, ёлғиз қийналиб қоласиз.

— Хўп. Раҳмат, ака.

Улар кетишди. Яна орадан икки кун ўтгач, Ҳайдарнинг ҳузурда куппа-кундузи ўша ниқобчилар пайдо бўлишди. Улар девор ошиб тушишди. Бирни қулфловлик дарвоза ортида турди, спортчи кийимдагиси бўлса келиб уни сўроққа тутди:

— Шарофат қерда? — сўради Жовудбек.

— Келди-ю, кетди.

— Қаёққа?

— Онасиникига бўлса керак-да.

— Сенга нима деди?

— "Жавобимни беринг, мен бошқа бировга эрга тегаянман", деди.

— Бошқа ҳеч нима лемадимиз?

— Йўқ, — деди Ҳайдар бу сафар ўзини анча дадил тутиб.

— Билиб қўй, агар ниманидир биздан яшираётган бўлсанг калланг кетади! — Дўқ уриб ўшқирди Бўрибой.

— Биламан. Энди мени ундай хотиним йўқ. Мен уни талоқ қўйдим.

— Яхши қилибсан. Сен энди уни унут, — деди Жовудбек.

— Ҳа. Бошқа аёлга уйланаман.

— Бўпти, омон бўл. Жойингдан қимирлама. Туя кўрдингми?

— Йўқ.

Улар дарвозани очиб аста чиқиб кетишди. Кўчада ниқобларини тез очиб олишди-да, машинага ўтириб жўнаб қолишди. Ҳайдар чошиб бориб дарвозанинг тирқишидан мўралаб маши-

нанинг охирги рақами "37" эканини аранг илғаб қолди. Қора "Волга" экан. Сўнгра ортига қайтди-да, хавфсизлик хизматига қўнғироқ қилди.

Кейинчалик маълум бўлишича, асли қозоғистонлик бўлган бу кишилар қўлга олинишибди. Шарофатнинг суратлари хавфли жиноятчи сифатида кўринарли жойларга осилиб, қидирув эълон қилинди. Уни ҳатто телевизор орқали ҳам бир неча бор кўрса-тишди. Аммо топиша олмади...

Бир йилдан сўнг Ҳайдар узоқ қариндошларидан бирининг қизи бўлмиш Меҳрига уйланди. Улар бир ўғил фарзанд кўришди. Бу Шомурод эди.

* * *

Йиллар ўтди. Ҳайдар Шарофатни деярли унутди. Лекин негадир унинг жасади яширилган уйга қадам босишга юраги бетламади. У ердан асосан омборхона сифатида фойдаланишарди. Йиллар ўтиб Шомурод уйланадиган бўлгач, у уйларни айланиб кўриб омборхонанинг ҳолати яхши эканини ва уни яхшилаб таъмирланса бинойидек хоналар бўлишини ўйлаб, бу ерга таъмирловчи уста солдирди. Ҳайдар ака қаршилик қилмади. Ишнинг бунақа бўлиб кетишини у қаёқдан ҳам билсин?

СЎНГГИ ҚАБР

Ҳайдар ака пешонасига муштини қўйган ҳолда камерада ёлғиз ўтираркан, бевақт nobуд бўлган келинларининг кулиб турган чеҳралари бирма-бир кўз олдидан ўтарди:

— Эҳ Шарофат, Шарофат! Биламан, сен уларни nobуд қилдинг, — деди у ўзига ўзи. — Наҳотки, нариги дунёда ҳам тинч турмай, ғаразли ниятнинг амалга ошираётган бўлсанг?! Наҳотки, руҳинг ҳам миянгдек заҳарланган бўлса?... Сен кимсан ўзи? Инсон кўринишидаги иблисмисан? Эссиз, ёшгина қизларима... Уларга жабр бўлди. Ҳамма гуноҳ ўзимда. Афсус. Ўшанда Шарофатни ўлдирмай ҳукумат одамларининг қўлига топширганимда эди, балки ҳаммаси бошқача бўлармиди?... Ҳа, ёмон иш қилиб қўйганман. Энди бу қилган гуноҳим учун кеч

бўлса ҳам қонун олдида жазойимни олмағим керак. Кейин Шарофатнинг ҳокини қабристонга қўйиб унинг ҳурматини жойига қўйишим лозим. Нима бўлсаям у инсон боласи, менинг кўз очиб қўрганим эди. Ана шундагина мен поклана оламан.

Шу пайт камеранинг темир эшиги шарақлаб кетди ва ғиқиллаб очилди.

— Ўртоқ Сулаймонов! Сиз озод бўлдингиз, уйингизга кетишингиз мумкин, — деди соқчи милиционер.

Ҳайдар ака буни кутмаганди. Ҳайрон бўлиб термулиб қолди.

— Қанақасига?..

— Ҳой, сизга айтаяпман, чиқинг камерадан.

— Нима?!... Эндигина уч кун ўтирдим, холос-ку! Мен қонуний жазойимни олишим керак, ахир!

— Қонун бўйича биз сизни бу ерда уч кундан ортиқ ушлаб туролмаймиз. Чунки бу ер қамоқхона эмас, вақтинча ушлаб турилалган ҳибсхона.

— Нима, мени ҳали қамоқхонага олиб бормайсизларми?

— Йўқ. Сизга нисбатан жиноий иш очилмади. Гуноҳингиз йўқ, шекилли-да, хурсанд бўлсангиз-чи.

— Нега энди? — Ажабланди вақтинчалик маҳкум, — ахир мен одам ўлдирганман-ку!

— Билмадим, амаки. Мен бир оддий ижрочи ходимман, холос. Шикоятингиз бўлса ана ариза беринг, адвокат ёлланг. Бўлинг чиқинг, бу ерни бир тозалатиб қўяй.

Ҳайдар ака ҳайрат ила истар-истамай гашқарига чиқди. Милиционер унинг нарсаларини бериб кузатиб қўйди-да, ўзи ҳибсхона эшигини ичкаридан "қарс" этказиб ёпиб олди. "Собиқ маҳкум" нима қиларини, қаяққа боришини билолмай бир оз довдираб турди. Масалага ойдинлик киритмоқчи бўлиб яна охишта прокуратура томон йўналди.

— Тавба, — деб қўйди у ўзича. — Одам жиноят қилсаю, уни камаш ўрнига қўйиб юборишса. Булар қанақа одамлар, ўзи?... Мен энди ўғлим билан келинимнинг кўзларига қандай қарайман? Мен ахир покланишим керак-ку!

У прокуратура биноси ёнига етай деб қолганида, таниш

қиёфа — прокурор ўринбосари Исмат Собировичнинг ўз хизмат машинасига ўтираётганига кўзи тушиб қолди.

— Ҳой ука! Бир дақиқага тўхтанг, илгимос! — деди у шошиб бориб.

— Э-ҳа ака, қўйиб юборишдими? Яхши, табриклайман!

— Лекин энди, нега, ҳалиги?...

— Биз марҳума Шарофат Сулайманова ҳақидаги жиноий ишни ўрганиб чиқдик. Бу иш 15 йил аввал ёпилган экан. Собик хотинингиз узоқ қидирувда бўлиб бедарак кетган экан. Аммо ёмон хотин бўлган экан шекилли. Мурданинг бел қисмида портловчи восита бўлган экан. Хайриятки детонатори ишдан чиқибди. Йўқса кимларнингдир умрига зомин бўлармиди. Бир худо сақлабдида. Ҳеч кимга зиёни тегмаган кўринади. Шунинг учун сизга раҳмат дейишимиз керак, отахон! Унинг хокини кеча қабристонга, марҳума келинларингизни ёнига қўйиб келдик. Таъзияда ўзим ҳам қатнашдим.

Ҳайдар ака бир муддат "Ёпирай!" деб довдираб туриб қолди.

— Энди мен нима қилай? — сўради у довдираб.

— Уйингизга кетаверинг, озодсиз!

— Ахир ўлган келинларим-чи?

— Улар энди бир тасодиф бўлса керакда. Узр ака, мен шошиб турувдим, йиғилишдан кеч қолаяпман.

— Ахир мен...?!

— Бу ёғи энди виждонингизга ҳавола, ака. Хўп, хайр, омон бўлинг, — деди у ва ҳайдовчига қараб "ҳайданг!" дегандай ишора қилди.

Ҳайдар ака машина ортидан узоқ тикилиб қолди. "Шарофатни қабристонга қўйдик", дедими? — сўради у ўзидан ўзи. "Унда бориб қабрини зиёрат қилай, у билан бир дилдан суҳбат қурай. Эссиз, ёш кетди-да... Аллақандай ғаламис дин пешволарининг ёлғонига учиб, ўз-ўзини нобуд қилди-да, бечора. "Белида портлайдиган восита бор экан" дейдими?... Ҳа. Билиб билмай қилган гуноҳи учун худойим уни менинг қўлим билан жазолабди-да. Шарофатнинг гўрлиги туфайли неча-неча бегуноҳ одамлар қабиҳ ниятли кишиларнинг қурбони бўлиши мумкин эди. Уларни худонинг ўзи асради. Менинг ишим гўғрими-

ди ёки йўқ? Эй худо, мен — осий бандангни ўзинг кечир!"...

Ҳайдар ака шундай ўйлар билан сокин қабристонга кириб борди. Ҳавонинг авзойи ҳам худди унинг юраги каби қоронғу бўлиб, узоқ-узоқлардан келаётган гулдурашу чақнаётган яшинлар каби нотинч эди. Ниҳоят у мархума келинлари қаторидаги Шарофатнинг ҳам янги қабрини излаб топди. Аввало мархум ота-онаси, сўнгра келинлари олдига бир-бир бориб, тиловат қилиб улардан рози-ризалик сўради. Бу вақт ичида қора осмонда булутлар қуюқлашиб, момақалдиروқ овозлари шундоқ боши устида гумбурлай бошлаган, бир-икки томчи ёмғир гўё келинчаклар кўз ёшидай томчилаган бўлса, чақмоқ ёлқинлари Шарофатнинг қаҳрига ўхшаб чақнамоқда эди.

— Мени кечир, Шарофат, — деди мўсафид ниҳоят янги қабр устига келиб тиловат қилди. — Ўшанда ўзимни бошқаролмай қолдим. Сени ҳукумат оламларига топширишим керак эди. Шунда сен ўз хатоларингни тушуниб, эҳтимол бу қабих йўлингдан қайтармидинг. Ўғлим ҳам ҳозир биринчи никоҳидаги келин билан бахтли яшаётган бўлармиди... Эҳ-ҳе, мен ҳам бу пайтгача институтни тамомлаб, яхши ишларга жойлашган бўлармидим. Нечта набиралик бўлардим, эссиз... Алвидо, Шарофат! Энди ўз қабрингда тинч ёт. Мендан зурриёт қолишига имкон бер! Илтимос, оиламни тинч қўй, олсанг мана, менинг жонимни ола қол, — деди у пичирлаб.

Шу маҳал момақалдиروқ қабристон узра жуда қаттиқ гумбурлади. Улкан яшиннинг кескир қиличи ярақлаб кетди. Янги қабр устидан бир тош юмалаб тушди...

* * *

Эртаси Шарофатнинг ҳали совиб улгурмаган қабри ёнида яна бир қабр пайдо бўлди. Бу Ҳайдар акага тегишли эди.

Ҳайдар аканинг тўсатдан сирли ўлим топгани ҳақида қишлоқда турли миш-мишлар юарди. Уни биров яшин урибди деса, бошқаси "Юраги хуруж қилиб, шу ернинг ўзида жон таслим қилганмиш" дейишарди.

— Нима бўлсаям, кўз очиб кўргани, биринчи хотини — хожи она билан нариги дунёда яна бирга бўлишлик Ҳайдар-



жонга насиб этди. Ҳақиқий жаннати бўлди у, — деди таъзияга келган Икром ога чин фахр туйғуси билан.

Унинг бу сўзлари жиддийми, ё киноями, эшитганлар фарқига боришмади. Чунки Ҳайдар аканинг биринчи хотини бўлгани ва у ўта тақводор аёл ўтганидан ёшлар деярли беҳабар эдилар.

ХОТИМА ЎРНИДА

Йиллар ўтди. Нохуш кунлар ортда қолди. Фақатгина Гулжамол билан Шомуродгина ҳар йили хотира кунлари қабристонга келишар ва оталари Ҳайдар ака, катта ойилари Шарофат, марҳума келинлар Зарифа, Саломат ҳамда Сарвинозларни ёдга олиб, қабрларини зиёрат қилиб кетишарди.

Бугун ҳам шундай қилишди. Ҳайит байрами арафаси бўлгани учун эрта тонгдаёқ машинада қабристонга — тупроқ бошига бориб келишди. Сўнгра уйга келиб Гулжамол катта қизлари Зарифа билан Саломатни мактабга, Сарвиноз билан жажжи ўғли Шозиедини бончага тайёрлади. Меҳри ая тангридан тилаб топган набираларини бир-бир бағрига олиб алқаркан: "Эҳтиёт бўлиб юринглар, хўпми? Йўлдан ўтаётганда машиналарга қаранглар. Улар шунақаям кўпайиб кетибдики, "виз-виз" ўтадия, тавба" дерди кампир хавотирлигини яшира олмай. "Хўп бўлади, моможон!" дея чуғурлашди болалар.

Умуман, Меҳри аянинг бағри набиралари билан тўлиб қолди. Улар уч қиз ва бир ўғил бўлиб исмлари Зарифа, Саломат ва Сарвиноз, кенжатой ўғиллариники бўлса, Шозиед эди. Шомурод билан Гулжамол фарзандларини жон-дилларидан яхши кўришарди. Ҳар бирининг ўзига хос феъл-атвори ва фазилати бўлиб, айниқса, жажжи Сарвинозда марҳума Сарвинозга хос хислатлар мужассамдек туюларди.

Шомуроднинг қорхонасида ҳам ишлар юришгандан юришиб кетди. Тармоқлари кенгайиб, ёнига хориждан келтирилган меваларни қайта ишлаш ва қадоқлаш минн технологияларини қуриб ишга туширишди. Обид Азизхўжаевич ҳам собиқ куёвининг ишларидан жуда мамнун эди. Куёви панд бермади.

У банк олдидаги мажбуриятларини беками-кўст бажариб келди. Шомурод қайнотаси туҳфа қилган "Нексия"ни ўз корхонасига хизмат машинаси сифатида топширди. Ўзи бўлса янги тобора тараққий этаётган юртимизда ишлаб чиқарилган "Каптив" русумидаги автомашина сотиб олди. Машина жуда қулай ва ихчам бўлиб, унга бутун оиласи бемалол жой бўлишаркан.

Тадбиркор йигит замоннинг зайли, юрт тараққиёти билан ҳамнафас, ҳамқадам, илдам одим ташлаб борарди. У эски ҳовли-жойларини бутунлай бузиб ташлатдирди ва ўрнига мўъжаз маҳалла гузари барпо қилди. Бу ерда замонавий кўри-нишдаги чойхона, минни-маркет, гўзаллик салони, интернет-клуб, келин либослари дўкони ва тикувчилик цехларининг мажмуаси гўё баҳорги ёмғирдан кейинги кўзиқориндай бўй чўзишди.

Гузар мажмуасига асосан Гулжамолнинг ўзи раҳбарлик қилар, минни-маркет савдо дўкони ҳам унинг номи билан "ГУЛЖАМОЛ" деб аталганди. "ГУЛЖАМОЛ" мажмуа тўрига қурилган энг кўркем, замонавий бинолардан бири бўлиб қад кўтарди. Гўё унинг қаршисидаги "САРВИНОЗ" номли гўзаллик салони, "САЛОМАТ" номли интернет-клуб, "ЗАРИФА" номли "Келин либослари" салонлари билан уйғунлашиб кетгандай кўринарди. Ўртадаги майдон кўкаламзорлаштирилди. У ерга ям-яшил арчалар ўтқазилди. Ҳовли-боғларидан фақат биргина оқ ўрик ва шотутгина ёдгорлик бўлиб қолди. Қанча-қанча нохуш воқеаларнинг гувоҳи бўлган гўшангали уйлари ўрнида эса замонавий чойхона бунёд бўлди ва уни марҳум оталарининг ҳурмати учун "ҲАЙДАР ОТА" деб аташди.

Ким билади бу тасодифми, кейинчалик чойхона ёнига сомса тандири ҳам қурилди. Тандир тахминан ўша Шомуродга **"Қора ёстиқ"** деган тавқи лаънатни олиб берган гўшангали уйнинг тўридаги тоқчаси турган жойига тўғри келарди.

Гулжамол ҳар сафар ишга келаётиб тандирда "чирс-чирс" ёнаётган гўзапоя алангасига кўзи тушаркан, гўё унинг назарида рақс тушаётган қандайдир руҳларнинг фарёдини аланганинг оташ тиллари кўкка етказмоқчи бўлаётгандай туюларди.

Шу туфайли аёл бу ердан "Астағфируллоҳ, астуғфируллоҳ..." дея калима қайтариб тез ўтиб кетарди.

* * *

... Йўл-йўлакай боғчадан Сарвиноз билан Шозиёдларни олволган Шомурод Гулжамолни ҳам уйга олиб кетиш учун машинасини гузар олдида тўхтатди. Бу маҳалда Искандар исмли сомсапаз йигит тандирга олов ёқмоқда эди. Шомурод машинанинг орқа эшигини очдида, ўғилчасини эркалаб кўтариб олди ва қизчасининг дўмбоқ қўлчаларидан ушлаб баланд машинадан тушишига ёрдамлашди.

— Ўҳ-ҳў, бизнинг сомсахўрлар келишиди-ку! — дея қичқирди Искандар қўлидаги ғўзапояни тандирга ташларкан.

— Э-ҳа, ҳормасинлар! — дея қийқириб қўйди Шомурод.

— Бор бўлинг. Шомурод ака! Келаяписизларми?

— Ҳа, кечгаям ёнаписизларми, дейман?

— Буюртма тушувди. Бир тошкентлик бойвачча ака "куёв чорлар" қилаётганимиш. Шунга тоғоралардан бирига "Олтиариқнинг сомсасидан бўлсин" деганмиш. Биз ҳозир буни пишириб таксида жўнатиб юборамиз.

— Ўҳ-ҳў, унда сомсамизнинг таърифи кетибди-да-а?!

— Унчаликмас Шомурод ака. Умуман ҳозир Тошкентда "куёв чорлар"лар бизнинг сомсадан ташқари, Бойсуннинг тандири, Хиванинг тухумбараги, иннайкейин Чинознинг балиғини ҳам қўйиш урф бўлганмиш.

— Қандларини уришсин. Лекин шунча сарф харажат кимга керак экан-а? Ундан кўра пулларини бошқа хайрли ишларга сарфлашса бўлмасмикин, тавба...

— Дада, мениям балиқ егим келаяпти, — деди Сарвиноз эркаланиб.

— Юрақолинглар, ойингларни чақирайлик. Ойинг уйга бориб музхонадаги балиқни ўзи пишириб беради, — деди Шомурод қизчасининг қўнғироқдай сочларини сийпаб қўяркан.

— Дада, ануви қушларни қаранг, — деди шу пайт Шозиёд жажжи қўли билан мини-маркет томидаги уяли алоқалар учун



ўрнагилган баланд антеннага қўниб турган кабутарларни кўрсатди.

Шомурод уларни кузатиб алланечук бўлиб кетди. Унинг кўзига гуё мархума келинлар қушга айланиб қайтиб келгандай туюлишди. Собирнинг латифаси ёдига тушиб мийиғида қулиб қўйди.

Унинг хаёлини Гулжамол бузди:

— Ҳа, даласи, нега туриб қолдингиз?

— Қара, гузаримизга кабутарлар учиб келишибди.

— Ҳа, улар энди бу ерни ўзларига маскан қилиб олишади, шекилли, — деди Гулжамол ва гандирдан кўтарилаётган аланга гомон у ҳам узоқ вақт тикилиб қолди. Нималардир ёдига тушган бўлса ажабмас.

— Кетдикми, онаси?

— Қаёққа?

— Уйимизга-да.

— Ҳа-ҳа, қани болажонларим, асалларим, дўмбоқ машина-мизга ўтиринглар-чи, — деди Гулжамол зотиборини болааларни гомон қаратиб.

Улар жўнаб кетишди. Шомуроднинг ўй-хаёлини негадир кабутарлар, Гулжамолникини бўлса, тандирдаги аланга рақси эгаллаганди. Ёш оила гекис ва равон йўлдан, деярли шаҳарлардан қолишмайдиган обод кўчалар бўйлаб боришар, уларни замонавий лойиҳада, узоқ муддатли кредит ҳисобидан сотиб олишган қадрдон, янги уйлари ўз бағрини очиб кутмоқда эди...

Дўрмон — Повулғон, 2011 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Биринчи қабр.....	3
Сирли палак	18
Иккинчи қабр	26
Учинчи қабр	40
Гулжамолнинг исёни	73
Гулжамолнинг қулчалари	94
Иқрорлик	109
Тўртинчи қабр	117
Сўнгги қабр	149
Хотима ўрнида	154

Набижон ҲОШИМОВ

ҚОРА ЁСТИҚ

(мистик қисса)

Иккинчи нашр.

Муҳаррир: Салима Рихсивой қизи
Бадий муҳ.: Иброҳим Азим ўғли
Тех.муҳар.: Наргиза Комилжон қизи
Дизайнер: Нодир Шарипов
Рассом: Муҳриддин Тўхтарбоев
Оператор: Нигора Муҳитдинова
Мусахҳиҳ: Дилшод Усмонов

Теришга берилди 10.11.2013. Босишга рухсат этилди
21.11.2013. Қўғоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ
гарнитурасида чоп этилди. Шартли босма табоғи 10,0.
Нашр босма табоғи 10,0. Адади 5000 нусха.
Буюртма №160.

Нашриёт лицензияси: АІ №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22-уй.*